

Ойлик ижтимоий-маърифий журнал, 1437, Рамазон 9



ҚАДРЛИ КЕЧАНИНГ
ҚАДРИНИ ҚЎЛДАН БЕРМАНГ!

ОМИНА

Ойлик ижтимоий-маърифий журнал

ЭЙ ИЙМОН КЕЛТИРГАНЛАР!

СИЗЛАРДАН АВВАЛГИЛАРГА ФАРЗ ҚИЛГАНИ КАБИ,
СИЗЛАРГА ҲАМ РЎЗА ФАРЗ ҚИЛИНДИ.
ШОЯДКИ ТАҚВОДОР БЎЛСАНГИЗ.

(БАҚАРА, 183)

ОХИРАТ

РАМАЗОН ОЙИ УЧУН САВОЛЛАР ҚУТИСИ

СОФИЙЯ БИНТ
АБДУЛМУТТОЛИБ



РАМАЗОН

№ 9

muslimaat.uz



بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيْمِ

Эй, имон келтирганлар! Сизлардан олдинги (уммат)ларга фарз қилингани каби сизларга ҳам рўза тутиш фарз қилинди, шояд (у сабабли) тақволи бўлсангиз (Бақара, 183).

Ассалому алайкум, азиз мухлислар! Ҳаммамизга тану қалб ибодатини амалга ошириш ҳамда кўплаб эзгу амаллар эгаси бўлиб қолишга чорловчи, файзга кон Рамазони шариф муборак бўлсин!

Қуръони Каримда бу баракотли ой ҳақида, жумладан, шундай дейилади: «Рамазон оyi — унда одамларга хидоят ҳамда хидояту фурқондан иборат очик-ойдин хужжатлар бўлиб Қуръон туширилгандир. Сизлардан ким бу ойда ҳозир бўлса, рўзасини тутсин». (Бақара 183)

Зотан Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким унда бир яхшилик ишни бажарса, бошқаларида (яъни бошқа ойларда) фарзни адо қилган каби бўлади, ким унда бир фарзни адо қилса, бошқаларида етмиш фарзни адо қилган каби бўлади. У сабр ойдир. Сабрнинг мукофоти жаннатдир. У меҳр-мурувват ойдир», – деганлар.

Демак, Рамазон ибодат билан гуноҳлардан фориғ бўлиш, яхшиликлар ва меҳр-мурувват кўрсатиб савобларни кўпайтириш, тиловат, зикр, тасбеҳга шошилиш лозим бўлган ойдир.

Қадрли муслим ва муслималар, келинг, Буюк ва Қудратли Аллоҳнинг фазлу карами билан шу кунларга етиб келган эканмиз, бунга шукроналар айтган ҳолда биз мусулмонлар интиқлик билан қарши олаётган Рамазон ойининг ҳар бир онини гўзал ниятлар, дуолар ва амаллар билан ўтказайлик.

Буларнинг барчасида Аллоҳнинг Ўзи мададкор бўлиб, алал оқибат жаннатнинг Райён номли эшигидан киришимизни барчамизга насиб этишини тилаб қоламиз.

www.muslimaat.uz таҳририяти

Бош муҳаррир: Одинахон Муҳаммад Содиқ

Техник муҳаррир: Муяссар Қаюмова

Таҳрир ҳайъат аъзолари:

Фозил Қаюмов, Хасанхон Яҳё Абдулмажид,

*Барно Саидрахмон, Дилафруз Юсупова, Ирода Асилбекова,
Гўзал Дадамұхамедова, Назокат Қосимова, Рухсора Азизова*

Саҳифаловчи дизайнерлар:

Аммор Умматов, Даврон Мадияров



ДУХОН СУРАСИ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Маккада нозил бўлган. 59 оятдан иборат.



«Духон» сўзи бизнинг тилимизда «тутун» деган маънони англатади. Сурада тутун бўладиган Кун ҳақида ҳам сўзлангани учун у мана шу номни олган.

Бошқа маккий суралар қатори, Духон сураси ҳам тавҳид, пайғамбарлик, ўлгандан сўнг қайта тирилиш каби масалалардан сўз юритиб, иймон ва ақийдани мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Сура Қуръони Карим билан қасам ичиб бошланади, унинг ишларни фарқлаш учун Аллоҳ томонидан бандаларга раҳмат ва огоҳлантириш бўлиб, муборак кечада тушганини баён қилади. Сўнгра Аллоҳ таолони таърифлаб, Унинг ваҳдониятини исбот этади ва бошқа баркамол сифатлари ҳақида сўз юритади.

Кейин эса мушрикларнинг Қуръони Каримга бўлган муносабатлари, унга келтирган шакшубҳалари ва бунинг оқибати нима бўлиши ҳақида сўз кетади. Бусўзларнинг жонлитасдиғи сифатида, Фиръавн қавмининг қиссаси келтирилади. Уларга туғёнлари ва гуноҳкорликлари туфайли қандай азоб етгани баён этилади. Ортларидан қасрлари, ҳовли-жойлари, боғу роғлари, анҳору булоқлари қолганлиги ҳикоя қилинади. Уларга меросхўр бўлган Бану Исроил ҳақида ҳам сўз юритилиб, Аллоҳнинг амрига хилоф қилганлари учун уларнинг бошига қандай кунлар тушганлиги васф этилади.

Суранинг охирида эса яхшиларнинг оқибати қандай бўлиши-ю, ёмонларнинг аҳволи нима бўлиши муқояса қилинади.

1. Ҳа мим.

وَأَلَكِتَابِ الْمُمِينِ

2. Очиқ-ойдин Китоб ила қасам.

Аллоҳ таоло Қуръони Карим билан қасам ичмоқда. Бу эса ўз навбатида, Қуръон Аллоҳ таолонинг ҳузурда қанчалик улуғ мақомга эга эканини кўрсатади. Кейинги оятларда Қуръон ҳақида маълумот берилади:

إِنَّا أَنْزَلْنَاهُ فِي لَيْلَةٍ مُبَارَكَةٍ إِنَّا كُنَّا مُنذِرِينَ

3. Албатта, Биз уни муборак кечада нозил қилдик. Албатта, Биз огоҳлантирувчи бўлдик.

Ушбу оятда зикр этилаётган Қуръон нозил қилинган кеча муборак Рамазон ойининг кечаларидан бири бўлмиш «Лайлатул қадр»дир. Бу кеча дунё тарихидаги энг муборак кечадир. Чунки бу кечада Аллоҳ таолонинг охирги, баркамол ва бутун инсониятга қиёмат кунигача саодат йўлини кўрсатиб берувчи Китоби нозил бўла бошлаган.

«Албатта, Биз огоҳлантирувчи бўлдик».

Ушбу муборак кечада Қуръонни нозил қилиш билан бандаларни куфр, исён ва туғённинг оқибати ёмон бўлишидан огоҳлантирувчи бўлдик.

فِيهَا يُفْرَقُ كُلُّ أَمْرٍ حَكِيمٍ

4. Ўша(кеча)да ҳар бир ҳикматли иш ажратилур...

Бу муборак кечада ҳамма нарса ажратилиб, жой-жойига қўйилади. Бу муборак кечада ҳақни ботилдан, яхшини ёмондан, савобни гуноҳдан ажратувчи Қуръон нозил бўлган экан, барча ишлар ажратилиб, ҳал қилиниши ҳам турган гап.

﴿أَمْرًا مِّنْ عِنْدِنَا إِنَّا كُنَّا مُرْسِلِينَ﴾ ٥

5. Биз томонимиздан бўлган амр ўлароқ. Албатта, Биз расул юборувчи бўлдик...

Юқорида зикр қилинган ишларнинг ҳаммаси Аллоҳ таолонинг амрига биноан, У Зотнинг иродаси ила бўлади.

«Албатта, Биз расул юборувчи бўлдик».

Яъни Аллоҳ таоло Ўз ирода ва хоҳиши ила одамларга пайғамбар юборувчи бўлди. Пайғамбар юбориш эса

﴿رَحْمَةً مِّن رَّبِّكَ إِنَّهُ هُوَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ﴾ ٦

6. Роббинг томонидан раҳмат ўлароқ. Албатта, Унинг Ўзи ўта эшитувчидир, ўта билувчидир.

Аллоҳ таолонинг бандаларига кўрсатган раҳмати чексиздир. Лекин ўша марҳаматларнинг энг улуғи пайғамбар юборишдир. Чунки Аллоҳ одамларга пайғамбар юбориб, уларни иймонга, ибодатга бошламаса, бошқа раҳматлари ҳам ўрнига ўтмай қолади. Аллоҳ бандаларига Ўзи юборган пайғамбарларининг сўнгиси бўлмиш Муҳаммад алайҳиссаломга бошқа бир сурада хитоб қилиб: «Сени фақат одамларга раҳмат қилиб юбордик», – дейди.

«Албатта, Унинг Ўзи ўта эшитувчидир, ўта билувчидир».

Ўша Роббинг –

﴿رَبِّ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَا بَيْنَهُمَا إِنَّ كُنُوزَ مَوْجِيكُ﴾ ٧

7. У осмонлару ернинг ва уларнинг орасидаги нарсаларнинг Роббидир. Агар аниқ ишонувчи бўлсангиз.

Аллоҳ фақат одамларнинг Робби бўлиб, уларнигина тарбиятига олган эмас, балки осмонлару ерни, уларнинг орасидаги ҳамма нарсаларни ҳам Ўз тарбиятига олган Зотдир.

﴿لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ يُحْيِي وَيُمِيتُ رَبُّكُمْ وَرَبُّ آبَائِكُمُ الْأَوَّلِينَ﴾ ٨

8. Ундан ўзга илоҳ йўқ. У тирилтирур ва ўлдирур. У сизнинг Роббингиз ва ота-боболарингизнинг Роббидир.

Аллоҳдан ўзгага ибодат қилиб бўлмайди. Аллоҳнинг ягона илоҳ эканига далиллардан бири – ўлим ва ҳаёт Унинг қўлида эканидир. Аллоҳдан бошқа ҳеч ким бировга жон бера олмайди, бировнинг жонини ҳам ола билмайди.

«У тирилтирур ва ўлдирур».

Аллоҳ таоло барча одамларнинг ва уларнинг ота-боболарининг ҳам Роббидир. Бас, шундай экан, одамлар ушбу ҳақиқатни қандай тушунмоқдалар?

﴿بَلْ هُمْ فِي شَكٍّ يَلْعَبُونَ﴾ ٩

9. Йўқ! Улар шак-шубҳада ўйнамоқдалар.

Йўқ! Одамлар ўзларини тўғри тутмаяптилар. Улар иймон келтириш керак бўлган нарсаларда шак-шубҳа қилмоқдалар. Улар ўйнамоқдалар.

﴿فَأَرْتَقِبْ يَوْمَ تَأْتِي السَّمَاءُ بِدُخَانٍ مُّبِينٍ﴾ ١٠
﴿هَذَا عَذَابٌ أَلِيمٌ﴾ ١١

10. Бас, осмон аниқ тутунни келтирадиган Кунни кут.

11. У одамларни ўраб олур. Бу аламли азобдир.

Сураи кариманинг номи айнан мана шу икки оятда зикри келган «духон»дан (тутундан) олингандир. Тафсиричи уламоларимиз бу оятнинг тафсирида икки гуруҳга бўлинганлар. Биринчи гуруҳга мансуб уламоларимиз: «Ушбу оятда зикри келган тутун қиёмат кунининг тутунидир, оятда унинг албатта келиши таъкидланмоқда, қиёмат куни у одамларни ўраб олади ва аламли азоб бўлади», – дейдилар.

Иккинчи гуруҳга мансуб уламолар эса: «Бу тутун воқеъликда бўлиб ўтган. Мушриклар Набий алайҳиссаломга осий бўлганларида, у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳим! Музар(қабиласи)га босимингни шиддатли қил, уларга Юсуфнинг йилларидек (қаҳатчилик) йилларини юбор», – деб дуо қилдилар. Шунда улар очарчиликка йўлиқиб, ўлимтикларни ҳам едилар. Кейин уларни қуюқ тутун ўраб олди, одамлар бир-бирларининг овозларини эшитишарди-ю, лекин кўришмас эди. Ушбу оятдаги «тутун»дан мурод ана ўша тутундир», – дейдилар.

Ҳар икки ҳолатда ҳам тутундан мурод Аллоҳнинг кофиру мушрикларга йўллаган улкан азобидир.

Ўша азобда қолганлар Аллоҳга илтижо қилиб, бундай дейдилар:

﴿رَبَّنَا اكْشِفْ عَنَّا الْعَذَابَ إِنَّا مُؤْمِنُونَ﴾ ١٢

12. «Роббимиз! Биздан азобни кушойиш қил! Албатта, биз иймон келтирувчидирмиз».

Қиёматда азобга дучор бўлганларнинг бу гаплари фурсат ўтиб бўлгандан кейинги гаплардир. Уларнинг бу иймон келтиришлари бефойдадир. Уларнинг бу иймон келтиришлари қабул қилинмайди ва улардан азоб ҳам кўтарилмайди.

أَنِّي لَهُمُ الذِّكْرَىٰ وَقَدْ جَاءَهُمْ رَسُولٌ مُّبِينٌ ﴿١٣﴾ ثُمَّ تَوَلَّوْا عَنْهُ وَقَالُوا
مُعَامَرٌ مِّثْلُكُمْ ﴿١٤﴾

13. Уларга қаёқдан ҳам эслатма бўлсин?! Ҳолбуки, уларга очиқ-ойдин Расул келган эди.

14. Сўнгра ундан юз ўгирдилар ва: «Бу ўргатилган мажнун», – дедилар.

Улар бошларига мусибат тушганида, ялиниб-ёлвориб, тавба-тазарру қилиб, турли ваъдаларни бераверадилар.

«Уларга қаёқдан ҳам эслатма бўлсин?!»

Улар қаёқдан ҳам эслатма олиб, ўзларини ўнгладилар?!
«Ҳолбуки, уларга очиқ-ойдин Расул келган эди».

Уларга очиқ-ойдин Расул келганида, эслатма олишнинг ўрнига,

«Сўнгра ундан юз ўгирдилар...»

Ва у зотга тухмат қилиб:

«Бу ўргатилган мажнун», – дедилар».

Ўшанда эси ўзига келмаган кишилар энди ҳам иймонга келишлари, бутунлай ўзгаришлари қийин. Зотан, улар барибир эслатма олмайдилар. Шунинг учун улардан азоб ҳам бутунлай кушойиш қилинмайди.

إِنَّا كَاشِفُو الْعَذَابِ قَلِيلًا إِنَّكُمْ عَائِدُونَ ﴿١٥﴾

15. Албатта, Биз азобни бир оз кушойиш қилувчимиз. Албатта, сизлар қайтувчисизлар.

Яъни «Биз сиздан азобни озгина кушойиш қиламиз. Аммо сиз бундан ибрат олмайсиз, яна куфрга қайтасиз».

يَوْمَ نَبْطِشُ الْبَطْشَةَ الْكُبْرَىٰ إِنَّا مُنْقِمُونَ ﴿١٦﴾

16. Катта ушлаш ила ушлаган Кунимиз албатта, Биз интиқом олувчимиз.

Бу ушлаш ва интиқом олиш Куни қиёмат кунидир.

Юқорида айтилган хабарларнинг ҳаётда содир бўлганини исботлаш ва уларга жонли мисол келтириш мақсадида суранинг умумий сиёқига мос равишда Мусо алайҳиссаломнинг қиссалари келтирилади.

Одинахон Муҳаммад Содиқ

Лайлатул қадр ҳақида



قَالَ اللَّهُ جَلَّ شَأْنُهُ: إِنَّا أَنْزَلْنَاهُ فِي لَيْلَةِ الْقَدْرِ ﴿١﴾
وَمَا أَدْرَاكَ مَا لَيْلَةُ الْقَدْرِ ﴿٢﴾ لَيْلَةُ الْقَدْرِ خَيْرٌ مِّنْ أَلْفِ شَهْرٍ ﴿٣﴾
نَزَّلَ الْمَلَكُ وَالرُّوحُ فِيهَا بِإِذْنِ رَبِّهِمْ مِّنْ كُلِّ أَمْرٍ ﴿٤﴾
سَلَّمَ هِيَ حَتَّىٰ مَطْلَعِ الْفَجْرِ ﴿٥﴾

Аллоҳ жалла шаънуҳу:

«Албатта, Биз у(Қуръон)ни Қадр кечасида нозил қилдик. Қадр кечаси не эканини сенга нима билдирди? Қадр кечаси минг ойдан яхшироқдир. Унда фаришталар ва Рух Роббларининг изни билан барча ишлар учун тушадир. У то тонг отгунича салом бўлиб турадир», деган (Қадр сураси, 1-5-оятлар).

Шарҳ: Суранинг номи биринчи оятдаги «Қадр» калимасидан олинган, тўғрироғи, «Лайлатул Қадр» – «Қадр кечаси»дан олинган.

Бу муборак кеча «Қадр» деб аталишининг икки хил маъноси бор. Биринчиси «қадр», яъни қадри улуғ, иккинчиси «қадар», яъни бандаларнинг қадарини белгилашдир. Чунки Қадр кечаси қадри улуғ кечадир. Қадр кечаси бандаларнинг бир йиллик қадарлари – тақдирлари белгиланадиган кечадир. Ушбу сураи карима бошидан охиригача муборак Қадр кечасига бағишлангандир.

Барча халқларда ўтган улуғ кишилари, машҳур кунлари, дастурлари ёки бошқа муносабатларини байрам қилиш одат тусига кирган. Улар бу байрамларда еб-ичиш, ўйнаб-кулиш, ароқхўрлик, турли фиску фужурни хоҳлаганича қилишга қулай фурсат топадилар.

Ислолда эса байрам ўзига хос бўлади. Илоҳий дастур байрами бўлмиш «Лайлатул Қадр» кечаси шулардан биридир. Чунки худди шу кечада Қуръони Каримнинг нозил бўлиши бошланган.

Бу байрамда қалбни поклаш, виждонни сайқаллаш учун ибодат қиладилар. Аллоҳ таолога яқинлик ҳосил қилиш учун бу кеча бедор бўлиб, тунни ибодат билан ўтказилади.

Қадр сурасида Аллоҳ таоло мусулмонларга Ўзи берган улкан неъматни, уларни зулматдан нурга олиб чиққан Қуръони Каримни нозил қилганини эслатади..

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

1. Албатта, Биз у(Қуръон)ни Қадр кечасида нозил қилдик.

Лайлатул Қадрнинг ушбу ном билан аталишининг сабаби – бу кечанинг қадри улуғлигидан, шу кечада бандаларнинг бир йиллик тақдирлари ўлчанадиган, ҳал қилинадиган бўлганидан эканини аввал ҳам айтиб ўтдик.

Ушбу оятда зикр қилинаётган ҳодиса, яъни Қуръоннинг нозил қилиниши унинг Лавҳул Маҳфуздан бу дунё осмонига нозил қилилишидир. Бу маъно Ибн Аббосдан ривоят қилинган. Ана ўша ҳодиса Қадр кечасида бўлганини ушбу оят очиқ-ойдин айтиб турибди. Қуръони Карим бу дунё осмонидан Пайғамбаримизга бўлиб-бўлиб, йигирма уч йил давомида нозил қилинган.

Демак, ушбу ояти каримнинг маъноси «Биз Қуръонни Лавҳул Маҳфуздан бу дунё осмонига Қадр кечасида нозил қилдик» бўлади. Бу ҳақиқатни Аллоҳ таолонинг Ўзи таъкидлаб айтмоқда.

2. Қадр кечаси не эканини сенга нима билдирди?

Яъни «Унинг ҳақиқатини, фазлини тўла тушунишинг қийин. Шунинг учун уни Ўзимиз айтиб берамиз».

3. Қадр кечаси минг ойдан яхшироқдир.

Чунки бу кечада Қуръони Карим нозил бўлган ва бу кечадаги ибодатнинг фазли минг ойлик ибодатдан афзалдир.

Ушбу оят тафсирида аллома Ибн Касийр, жумладан, қуйидагиларни ёзганлар: «Бир киши силоҳ олиб, Аллоҳнинг йўлида минг ой жиҳод қилгани ривоят қилинди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва мусулмонлар бундан ажабландилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз умматларига ҳам шундай бўлишини орзу қилиб:

– Роббим, менинг умматимни умматлар ичида умри қисқа, амали оз қилдинг! – дедилар.

– Лайлатул Қадр сенга ва умматингга ўша одам жиҳод қилган минг ойдан яхшироқдир, – деди Аллоҳ таоло».

Лайлатул Қадрнинг яна бир фазилати қуйидаги оятда баён қилинади:

4. Унда фаришталар ва Рух Роббларининг изни билан барча ишлар учун тушадир.

Ушбу оятдаги «Рух»дан мурод Жаброил алайҳиссаломдир. Қадр кечасида Жаброил алайҳиссалом бошчиликларида фаришталар Аллоҳ таоло келаси йилгача тақдир қилган ишлар ила тушадилар. Бу ҳам Қадр кечасининг шарафини оширадиган ишдир.

Лайлатул Қадрнинг учинчи фазилати қуйидаги оятда баён қилинади:

5. У то тонг отгунича салом бўлиб турадир.

Яъни Қадр кечаси тонг отгунча салом – тинчлик-омонлик кечасидир. Унда фаришталар мўминларга салом берадилар. Унда Аллоҳ таоло инсонларга фақат тинчлик-омонликни тақдир қилади.

Уламоларимиз Қадр кечасининг қайси кеча эканини тайин қилишда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Лайлатул Қадр Рамазоннинг йигирма еттинчи кечасида», деган ривоятларини ихтиёр қилганлар.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимки Қадр кечасини иймон билан ва савоб умидида бедор ўтказса, унинг барча гуноҳлари кечирилади», – деганлар. Бу кечани бедор ўтказиш ибодат билан, яъни намоз ўқиш, дуо қилиш, истиғфор айтиш ва Қуръон қироати билан бўлади.

۳۸۲۱- عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: مَنْ يَتَّقُمْ لَيْلَةَ الْقَدْرِ إِيمَانًا وَاحْتِسَابًا غُفِرَ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ. رَوَاهُ الْحَمْسَةُ.

1283. Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким Лайлатул Қадрни иймон ва ихлос билан қоим бўлиб ўтказса, унинг ўтган гуноҳлари мағфират қилинур», дедилар».

Бешовлари ривоят қилган.

Шарҳ: «Қоим» лафзи луғатда «тик туриш» деган маънони билдиради. Истилоҳда эса кечани ибодат билан ухламай ўтказишга айтилади.

Қадр кечасини бедор ўтказиш қандай бўлади, деган саволга уламоларимиз батафсил жавоб берганлар.

Авалло бу кечани қоим бўлиб ўтказиш учун ўша кеча хуфтон ва бомдод намозларини жамоат билан ўқиш керак. Чунки ҳадисда «Ким хуфтонни жамоат билан ўқиса, кечанинг ярмини бедор ўтказган бўлади», дейилган.

Бошқа бир ҳадисда эса «Ким бомдод намозини жамоат билан ўқиса, кечанинг ярмини бедор ўтказган бўлади», дейилган.

Қолаверса, кечанинг қолган қисмини нафл намоз ўқиб, Қуръон тиловат қилиб, зикру дуо билан машғул бўлиш керак. Ана шунда кечани бедор ўтказган бўлади ва ҳадисда Қадр кечасини иймон ва ихлос билан қоим бўлиб ўтказганларга қилинган ваъда – ўтган гуноҳларнинг мағфират қилинишига эришилади.

٤٨٢١- عَنْ النَّبِيِّ ﷺ أَنَّهُ أَعَمَّارَ النَّاسِ قَبْلَهُ أَوْ مَا شَاءَ اللَّهُ مِنْ ذَلِكَ فَكَأَنَّهُ تَقَاصَّرَ أَعْمَارُ أُمَّتِهِ أَنْ لَا يَبْلُغُوا مِنَ الْعَمَلِ مَا بَلَغَ غَيْرُهُمْ فِي طُولِ الْعُمُرِ فَأَعْطَاهُ اللَّهُ لَيْلَةَ الْقَدْرِ خَيْرٌ مِنْ أَلْفِ شَهْرٍ. رَوَاهُ الْإِمَامُ مَالِكٌ.

1284. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинади. У зотга ўзларидан олдинги одамларнинг умрлари ёки шунга ўхшаш Аллоҳ хоҳлаган нарсалар кўрсатилди. У зотга гўё умматларининг умри қисқадек, шунинг учун бошқалар умри узунлиги туфайли эришган амалларга ета олмайдигандек кўринди. Шунда Аллоҳ у зотга минг ойдан афзал Қадр кечасини берди».

Имом Молик ривоят қилган.

Шарҳ: Аввал ўтган умматлар умрлари узун бўлгани учун кўп солиҳ амаллар қилиб, кўп савоб олишга муяссар бўлганлар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам буни билганларидан кейин у зотга умматларининг умри қисқа кўриниб кетган. У зот узоқ умр кўрадиган умматларга ҳавас қилгандек бўлганлар. Ўз умматларининг умри ҳам узун бўлишини, улар ҳам кўп яхши амаллар қилиб, кўп савобларга эришишларини орзу қилганлар. Ана шунда Аллоҳ таоло у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга Қадр кечасини берган.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зотнинг умматларига берилган Қадр кечаси аввалги умматларнинг минг ойдан кўра яхшидир. Яъни Муҳаммад уммати биргина Қадр кечасида ибодат қилиш билан бошқа умматларнинг минг ой қилган ибодати савобидан кўпроқ савоб олиш имконига эга бўлдилар.

Уламоларимиз Муҳаммад умматига Қадр кечасининг берилиши ва Қадр сурасининг нозил бўлишига оид бир қанча ривоятларни келтирганлар. Биз ҳам ўшалардан баъзиларини эслаб ўтсак, фойдадан холи бўлмас.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни саҳобаи киромларга қуйидаги ривоятни айтиб берибдилар:

«Аллоҳ таоло ўтган подшоҳлардан бирига мингта ўғил берган экан. У ўғилларидан бирини жиҳодга тайёрлар ва жангга юборар эди. Ўғил чиқиб, бир ой жиҳод қилиб, шаҳид бўлар эди.

Сўнгра подшоҳ бошқа ўғлини жиҳодга юборар эди. У ҳам чиқиб, бир ой жиҳод қилгандан сўнг шаҳид бўлар эди.

Шундай қилиб, ҳаммалари шаҳид бўлибди. Подшоҳнинг ўзи эса тоат-ибодатда бардавом бўлиб, Аллоҳга ҳамд айтиб, шукр қилар экан. У катта лашкар тўплаб, ўзи бошлиқ бўлиб жиҳодга чиқибди ва ниҳоят ўзи ҳам шаҳид бўлибди».

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан бу қиссани эшитган саҳобалар ҳалиги подшоҳга ҳавас қилибдилар. Ўшанга ўхшаш улуг ишлар қилишни хоҳлабдилар. Шунда Аллоҳ таоло уларга минг ойдан яхши қилиб, Қадр кечасини берди.

Ибн Абу Ҳотим қилган ривоятда қуйидагилар айтилади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни Бану Исроил пайғамбарларидан тўрттасини: Айюб, Закариё, Ҳузайқийл ва Юшаъ ибн Нун алайҳиссаломларни эсладилар. Улар Аллоҳга саксон йил ибодат қилганлар. Бир кўз очиб юмгунча ҳам осий бўлмаганлар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари бундан ғоятда ажабландилар. Шунда у зотнинг ҳузурларига Жаброил келди ва:

«Умматинг шундан ажабландими? Аллоҳ таоло сизларга ундан кўра яхшисини нозил қилди», деди ва у зотга: «Инна анзалнаҳу фии лайлатул Қадр»ни тиловат қилиб берди. Сўнгра:

«Бу сенинг умматинг ажабланган нарсдан афзалдир», деди. Шунда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зот билан бирга одамлар ҳам масрур бўлдилар».

Имом Байҳақий ва Ибн Абу Ҳотимлар қилган ривоятда қуйидагилар айтилади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Бану Исроилдан бир кишини зикр қилдилар. У одам Аллоҳнинг йўлида минг ой силоҳ кўтарган экан.

Мусулмонлар бундан ажабландилар. Шунда Аллоҳ Қадр кечасини нозил қилди. У минг ойдан яхшидир. Бу иш уларнинг умрлари қисқа бўлгани эвазигадир. Шу билан олдингиларга етиб олурлар. Батаҳқиқ, улардан ўзиб ҳам кетдилар».

Демак, Қадр кечасини топишга жиддий ҳаракат қилмоғимиз лозим. Хўш, у кеча қайси кеча?

У РАМАЗОННИНГ ОХИРГИ ЎН КЕЧАСИДА

٥٨٢١- عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: كَانَ النَّبِيُّ ﷺ إِذَا دَخَلَ الْعَشْرَ شَدَّ مِئْزَرَهُ وَأَحْيَا لَيْلَهُ وَأَيَقظَ أَهْلَهُ. رَوَاهُ الْحُمْسَةُ. وَأَلْفُظُ التِّرْمِذِيِّ: كَانَ يَجْتَهِدُ فِي الْعَشْرِ الْأَوَّحِرِ مَا لَا يَجْتَهِدُ فِي غَيْرِهَا.

1285. Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам қачон (охирги) ўнлик кирса, белни маҳкам боғлаб, кечани тирилтирар ва аҳллари уйғотар эдилар».

Бешовлари ривоят қилишган.

Термизийнинг лафзида:

«Охирги ўнликда ундан бошқада қилмаган ижтиҳодни қилар эдилар», дейилган.

Шарҳ: Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг Рамазоннинг охирги ўн кечасида белни маҳкам боғлаб, тунни бедор ўтказишлари, аҳли аёлларини ҳам уйғотиб, ибодатга чорлашлари ўша кечаларнинг фазли улуглигидан, уларнинг ичида Қадр кечаси борлигидандир.

Биз ҳам севикли Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламдан ўрнатқан олиб, мазкур кечаларда астойдил бўлиб, бедорлик билан ибодат қилишимиз, аҳли аёл ва атбўларимизни ҳам Рамазоннинг охирги ўн кечаси ибодатига чорлаб, уларни ҳам хайру барака ва савобдан баҳраманд бўлишга даъват қилишимиз керак.

۶۸۲۱ - وَعَنْهَا قَالَتْ: كَانَ النَّبِيُّ ﷺ يُجَاوِرُ فِي الْعَشْرِ الْأَوَاخِرِ مِنْ رَمَضَانَ وَيَقُولُ: تَحَرَّوْا لَيْلَةَ الْقَدْرِ فِي الْعَشْرِ الْأَوَاخِرِ مِنْ رَمَضَانَ. رَوَاهُ الشَّيْخَانِ وَالتِّرْمِذِيُّ.

1286. Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам Рамазоннинг охирги ўн кунда эътикоф ўтирар эдилар ва:

«Қадр кечасини Рамазоннинг охирги ўнлигидан изланглар» дер эдилар».

Икки шайх ва Термизий ривоят қилишган.

Шарҳ: Пайғамбар алайҳиссаломнинг мазкур ўн кунликда эътикоф ўтиришлари уларда Қадр кечаси борлиги учундир. Чунки ўн кечаю кундуз узлуксиз масжидда эътикоф ўтирган одам Қадр кечасини топиши муқаррар. Шунинг учун ҳам ҳозирда аҳли солиҳ кишилар доимо Рамазони шарифнинг охирги ўн кунлигида эътикоф ўтиришга ҳаракат қиладилар. Имкони бор ҳар бир киши бу ишни қилса, жуда ҳам яхши бўлади.

۷۸۲۱ - وَقَالَ ابْنُ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا إِنَّ رَجُلًا مِنْ أَصْحَابِ النَّبِيِّ ﷺ أُرُوا لَيْلَةَ الْقَدْرِ فِي الْمَنَامِ فِي السَّبْعِ الْأَوَاخِرِ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: أَرَى زُرِّيَاكُمْ قَدْ تَوَاطَأْتِ فِي السَّبْعِ الْأَوَاخِرِ فَمَنْ كَانَ مُتَحَرِّبَهَا فَلْيَتَحَرَّهَا فِي السَّبْعِ الْأَوَاخِرِ. رَوَاهُ الْحَمْسَةُ إِلَّا التِّرْمِذِيُّ.

1287. Ибн Умар розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг саҳобаларидан баъзилари тушларида Қадр кечасининг охирги етти(кеча)да эканини кўрдилар. Шунда Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Сизларнинг тушингиз охирги етти кечага мувофиқ келаётганини кўрмоқдаман. Ким у(кеча)ни излайдиган бўлса, охирги етти(кеча)дан изласин», дедилар».

Бешовларидан фақат Термизий ривоят қилмаган.

Шарҳ: Мўмин кишининг туши ваҳий кабидир. Азон саҳобалар кўрган туш сабабли шариятга киритилганини аввал ўрганиб ўтган эдик. Мана энди саҳобаи киромларнинг тушлари Қадр кечасини аниқлашга ёрдам бермоқда. Шу туфайли ўн кечадан етти кечага қисқартириб, ўша етти кечадан Қадр кечасини излашга тарғиб қилинмоқда.

۸۸۲۱ - عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ: تَحَرَّوْا لَيْلَةَ الْقَدْرِ فِي الْوَتْرِ مِنَ الْعَشْرِ الْأَوَاخِرِ مِنْ رَمَضَانَ. رَوَاهُ الشَّيْخَانِ وَالتِّرْمِذِيُّ.

1288. Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Қадр кечасини Рамазоннинг охирги ўн кечасининг тоқ(кеча)ларида изланглар», дедилар».

Икки шайх ва Термизий ривоят қилишган.

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифга биноан Қадр кечасини Рамазони шарифнинг йигирма биринчи, йигирма учинчи, йигирма бешинчи, йигирма еттинчи ва йигирма тўққизинчи кечаларидан излаш керак бўлади.

۹۸۲۱ - عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: أَلْتَمِسُوهَا فِي الْعَشْرِ الْأَوَاخِرِ مِنْ رَمَضَانَ لَيْلَةَ الْقَدْرِ فِي تَاسِعَةِ تَبَقَى فِي سَابِعَةِ تَبَقَى فِي خَامِسَةِ تَبَقَى. رَوَاهُ الثَّلَاثَةُ.

1289. Ибн Аббос розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Қадр кечасини Рамазоннинг охирги ўн(кечаси)дан изланглар: тўққиз кеча қолганда, етти кеча қолганда, беш кеча қолганда», дедилар.

Учовлари ривоят қилишган.

Шарҳ: Ушбу ривоятга биноан Қадр кечасини йигирма биринчи, йигирма учинчи ва йигирма бешинчи кечалардан излаш керак бўлади.

١٠٩٢١ - عَنْ أَبِي سَعِيدٍ رضي الله عنه قَالَ: إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صلوات الله عليه اعْتَكَفَ الْعَشْرَ الْأَوَّلَ مِنْ رَمَضَانَ ثُمَّ اعْتَكَفَ الْعَشْرَ الْأَوْسَطَ فِي قَبَةِ تَرْكِيَّةٍ عَلَى سُدَّتِهَا حَصِيرٌ قَالَ: فَأَخَذَ الْحَصِيرَ بِيَدِهِ فَنَحَّاهَا فِي نَاحِيَةِ الْقُبَّةِ ثُمَّ أَطْلَعَ رَأْسَهُ فَكَلَّمَ النَّاسَ فَدَتُوا مِنْهُ فَقَالَ: إِنِّي اعْتَكَمْتُ الْعَشْرَ الْأَوَّلَ أَلْتَمِسُ هَذِهِ اللَّيْلَةَ ثُمَّ اعْتَكَمْتُ الْعَشْرَ الْأَوْسَطَ ثُمَّ أُتَيْتُ فَقِيلَ لِي: إِنِّهَا فِي الْعَشْرِ الْأَوَّخِرِ فَمَنْ أَحَبَّ مِنْكُمْ أَنْ يَعْتَكِفَ فَلْيَعْتَكِفْ فَاعْتَكَفَ النَّاسُ مَعَهُ قَالَ: وَإِنِّي أُرِيتُهَا لَيْلَةً وَنَرِي وَأَيُّ أَسْجُدُ صَبِيحَتِهَا فِي طِينٍ وَمَاءٍ فَأَصْبَحَ مِنْ لَيْلَةٍ إِحْدَى وَعِشْرِينَ لِصَلَاةِ الصُّبْحِ فَمَطَرَتِ السَّمَاءُ فَوَكَّفَ الْمَسْجِدُ فَأَبْصَرْتُ الطِّينَ وَالْمَاءَ فَخَرَجَ حِينَ فَرَغَ مِنْ صَلَاةِ الصُّبْحِ وَجَبِيئُهُ وَرَوْتُهُ أَنْفِهِ فِيهِمَا الطِّينُ وَالْمَاءُ وَإِذَا هِيَ لَيْلَةُ إِحْدَى وَعِشْرِينَ مِنَ الْعَشْرِ الْأَوَّخِرِ. رَوَاهُ الْحُمْسَةُ إِلَّا التِّرْمِذِيَّ. وَفِي رِوَايَةٍ: أُرِيتُ لَيْلَةَ الْقَدْرِ ثُمَّ أُنْسِيَتْهَا وَأَرَانِي صُبْحَهَا أَسْجُدُ فِي مَاءٍ وَطِينٍ قَالَ: فَمَطَرْنَا لَيْلَةَ ثَلَاثٍ وَعِشْرِينَ.

1290. Абу Саъид розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Рамазоннинг аввалги ўн кунлигида эътикоф ўтирдилар. Сўнгра ўрта ўн кунлигида эшиги бўйрадан бўлган кичик қубба ичида эътикоф ўтирдилар. Кейин бўйрани қўллари билан олиб, қуббанинг бир томонига сурдилар-да, бошларини чиқариб, одамларга гапирдилар. Улар у зотга яқинлашдилар. Шунда у зот:

«Менушбукечаниизлабаввалгиўнкунлигида эътикоф ўтирдим. Сўнгра ўрта ўн кунлигида эътикоф ўтирдим. Кейин туш кўрувдим, менга «У (кеча) охириги ўн кунлигидадир», дейилди. Бас, сиздан ким эътикоф ўтирмоқчи бўлса, ўтирсин», дедилар.

Шунда одамлар у зот билан эътикоф ўтиришди. У зот:

«Менга тушимда унинг тоқ кеча экани ва унинг тонгида лой ва сувга сажда қилишим кўрсатилди», дедилар.

Йигирма биринчи кечанинг тонги отиб, бомдод намози бўлганда осмондан ёмғир ёғди. Масжидга чакка ўтди. Лой ва сувни кўрдим. Бас, у зот масжиддан пешоналари ва бурунларининг учи лой ва сув бўлган ҳолларида чиқдилар. Қарасам, у охириги ўн кунлигида йигирма биринчи кеча экан».

Бешовларидан фақат Термизий ривоят қилмаган.

Бошқа бир ривоятда:

«Менга Лайлатул Қадр кўрсатилди. Сўнгра эсимдан чиқарилди. Менимча, унинг тонгида лой ва сувга сажда қилсам керак», дедилар. Йигирма учинчи кечада ёмғир ёғди».

Шарҳ: Одатда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам масжиднинг бир бурчагида бўйраларни тиклаб, бир кишилиқ қубба ясаб олиб, эътикоф ўтирганлар. Жамоат намози вақти бўлганда чиқиб, намозга ўтганлар ва яна қуббага кириб, ибодатда давом этганлар.

Ушбу ривоятда келишича, бир йили Рамазоннинг биринчи ва иккинчи ўн кунликларида кичик қубба ичида эътикоф ўтирганлар. Учунчи-охириги ўн кунлик келганда эса қуббанинг бўйрадан бўлган эшигини очиб, бошларини ташқарига чиқарганлар. Масжидда ўтирган кишилар бу ҳолни кўриб, у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга яқин келганлар.

Шунда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Қадр кечасини излаб, Рамазоннинг аввалги ва ўрта ўн кунликларида эътикоф ўтирганлари, аммо тушларида у кеча охириги ўн кунлигида экани, ўша кечанинг аломати ўлароқ, у зот тонгида лой ва сувга сажда қилишлари кўринганини сўзладилар. Сўнгра одамларни ҳам эътикоф ўтиришга тарғиб қилдилар.

Бир куни тонгида ёмғир ёғди. Масжиди Набавийнинг томига хурмо шохлари ёпилган эди, холос. Ёққан ёмғирнинг кўп қисми масжиднинг ерига тушар эди. Бомдод намози ўқилганда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак пешоналари ва бурунлари учига лой ва сув теги. Кишилар дарҳол Қадр кечаси аломатини эсладилар. Қарашса, йигирма биринчи кеча экан.

Бу ҳолдан воқиф бўлган уламоларимиз «Қадр кечаси бир йил у кечада, бир йил бу кечада бўлиб, кўчиб юради», деган фикрни айтганлар. Шунинг учун у кечани топмоқчи бўлган киши Рамазон ойининг ҳамма кечаларини ибодат билан ўтказса, шубҳасиз, уни топган бўлади. Зотан, Лайлатул Қадрни маълум бир кечага тайин қилмасликдан мурод ҳам, кишилар бир кечага эътиמוד қилиб қолмасдан, Рамазони шарифнинг барча кечаларида ибодат қилиб, кўпроқ ажру савобга эришсинлар, дейишдир.

У ЙИГИРМА ЕТТИНЧИДА ЭКАНИ МАШХУР

١٩٢١ - عَنْ زَيْدِ بْنِ حُبَيْشٍ رضي الله عنه قَالَ: سَأَلْتُ أَبِي بِنِ كَعْبٍ فَعُلْتُ: إِنَّ أَحَاكَ ابْنَ مَسْعُودٍ يَقُولُ: مَنْ يَتِمُّ الْحَوْلَ يُصِيبُ لَيْلَةَ الْقَدْرِ فَقَالَ: رَحِمَهُ اللَّهُ أَرَادَ أَنْ لَا يَتَّكِلَ النَّاسُ أَمَا إِنَّهُ قَدْ عَلِمَ أَنَّهَا فِي رَمَضَانَ وَأَنَّهَا فِي الْعَشْرِ الْأَوَّخِرِ

وَأَتَّهَا لَيْلَةٌ سَبْعٌ وَعِشْرِينَ ثُمَّ حَلَفَ لَا يَسْتَنِي أَتَّهَا لَيْلَةٌ سَبْعٌ وَعِشْرِينَ فُقُلْتُ: بِأَيِّ شَيْءٍ تَقُولُ ذَلِكَ يَا أَبَا الْمُنْذِرِ قَالَ: بِالْعَلَامَةِ أَوْ بِالْآيَةِ الَّتِي أَخْبَرَنَا رَسُولُ اللَّهِ ﷺ أَنَّهَا تَطْلُعُ يَوْمَئِذٍ لَا شُعَاعَ لَهَا. رَوَاهُ الْحَمْسَةُ إِلَّا الْبُخَارِيَّ. وَفَلَّظَ أَبِي دَاوُدَ: مَا الْآيَةُ قَالَ: تُصْبِحُ الشَّمْسُ صَبِيحَةً تَلِكُ اللَّيْلَةَ مِثْلَ الطَّسْتِ لَيْسَ لَهَا شُعَاعٌ حَتَّى تَرْتَفِعَ.

1291. Зирр ибн Хубайш розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Убай ибн Каъбдан:

«Биродаринг Ибн Масъуд «Ким йилни бедор ўтказса, Лайлатул Қадрни топади», дейдими?» деб сўрадим.

«Унга Аллоҳ раҳм қилсин. Одамлар суяниб қолмасин, демоқчи бўлгандир. Аслида у батаҳқиқ у(кеча)нинг Рамазонда эканини, охирги ўн кунликда эканини ва йигирма еттинчи кечада эканини билган», деди.

Сўнгра «Иншааллоҳ», демасдан, қасам ичиб, у йигирма еттинчи кеча эканини айтди.

«Буни нимага асосланиб айтяпсан, эй Абу Мунзир?» дедим.

«Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам бизга хабар берган аломат асосида, ўша куни қуёш ёғду сочмай чиқади», деди».

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

Абу Довуднинг лафзида:

«Аломати нима?» дедим.

«Ўша кечанинг тонгида қуёш тоғорага ўхшаб ёғду сочмай чиқади», деди», дейилган.

Шарҳ: Одатда қасам ичганда, «иншааллоҳ»ни қўшиб қўйиш орқали бироз енгиллик яратиш, мабодо гап нотўғри бўлиб қолса, гуноҳкор бўлмаслик кўзда тутилади.

Убай ибн Каъб розияллоху анхунинг Қадр кечаси Рамазоннинг йигирма еттинчи кечасида эканига «иншааллоҳ»ни қўшмай қасам ичишлари эса бунга қаттиқ жазмлари борлиги, масалани аниқ билишларига далолат қилади.

Абу Мунзир – Убай ибн Каъб розияллоху анхунинг кунялари.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Абдуллоҳ ибн Масъуд одамларга «Қадр кечасини йил давомида излаш керак», деб айтар эканлар. Ушбу фикрни бошқа кишилар ҳам айтишган.

2. Бу фикрни айтишдан мақсад кишилар маълум бир кеча ёки кечаларга эътимод қилиб, ўшаларнигина бедор ўтказиб, йилнинг бошқа кечаларини ибодатсиз, бепарво бўлиб ўтказмасин, деганлари экан.

3. Убай ибн Каъб розияллоху анху Қадр кечаси Рамазони шарифнинг йигирма еттинчи кечаси эканига жазм қилганлар. Бутун Ислом уммати ичида ҳам ушбу фикр машҳур.

4. Аниқ билиб, жазм қилган нарсага, «Иншааллоҳ», демасдан, қасам ичса ҳам бўлавериши.

5. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг Қадр кечасининг аломати борлиги ҳақида хабар берганлари.

6. Лайлатул Қадр бўладиган кечанинг тонгида қуёш тоғорага ўхшаб, атрофга ёғду сочмай чиқиши.

Чунки ўша пайтда фаришталар кўплаб чиқиб-тушиб турганлари учун, қуёшнинг ёғдусини тўсиб қўяр эканлар.

Демак, Рамазони шарифнинг барча кечаларида бедор бўлиб, ибодат қилишга уриниш билан бирга йигирма еттинчи кечага алоҳида эътибор бериш керак.

۲۹۲۱ – عَنْ مُعَاوِيَةَ بْنِ أَبِي سُفْيَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: لَيْلَةُ الْقَدْرِ لَيْلَةٌ سَبْعٌ وَعِشْرِينَ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَأَحْمَدُ.

1292. Муовия ибн Абу Суфён розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Лайлатул Қадр йигирма еттинчи кечададир», дедилар».

Абу Довуд ва Аҳмад ривоят қилишган.

Шарҳ: Рамазони шарифнинг йигирма еттинчи кечасида бедор бўлиб, аҳли аёлини ҳам, ёру дўстларни ҳам ибодатга чорлаб туриш лозим.

Аллоҳ таоло ўша кечанинг баракотидан минг ойлик ибодатнинг ажру савобидан кўра яхшироқ ажру савоб беришидан умидвор бўлиш керак.

Ўша кечанинг ва ундаги бедорлик, ибодат, намоз, Қуръон тиловати ва тазарруъ дуолар фазлидан ўтган гуноҳларни кечиршидан умидвор бўлиши керак.

Бу ишни ҳар бир шахс, ҳар бир оила, ҳар жамоа, ҳар бир қавм яхшилаб йўлга қўйиши керак. Зотан, баъзи бир ҳолларда Қадр кечасини бедор ўтказишга уринишлар йўқ ҳам эмас. Аммо ўша уринишларда таом, шароб, бекорчи гап-сўзлар ғолиблик даражасига кўтарилиб қолмаслиги керак.

Қадр кечасида намозларни албатта жамоат билан ўқиб, қолган вақтда нафл намоз ўқиш, Қуръон тиловат қилиш, зикру дуо билан, диний илм ўрганиш билан машғул бўлмоқ керак.

Ҳадис ва Ҳаёт 9 жуз
Рўза китобидан олинди

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

Ақийдани яхши англаб, уни қалбимиз ва ақлимиз билан тушунсак, Аллоҳга бўлган қурбатимиз шундай бўлади:

Бир киши Ибн Аббос розияллоху анхудан: "Қиёмат куни инсонларни ким ҳисоб-китоб қилади?" деб сўради. У: "Аллоҳ", деди. Шунда сўровчи: "Каъбанинг Роббига қасамки, унда албатта нажот топамиз", деди.

Аъробийга: "Сен албатта ўласан", дейишди. У: «Сўнг?» деди. «Аллоҳнинг ҳузурига борасан», дейишди. У: «Яхшилиқни фақат Аллоҳдангина кўрдик, Унга рўбарў бўлишдан кўрқамизми?!» деди.

Ўлими яқинлашган бир йигитнинг ҳузурда онаси йиғлар эди. Шунда йигит: «Эй онажон, агар менинг ҳисоб-китобим сизнинг қўлингизда бўлса, нима қилар эдингиз?» деди. Онаси: «Албатта раҳм қилар эдим», деди. Шунда бола: «Хотиржам бўлинг, онажон, Аллоҳ менга сиздан ҳам меҳрибонроқдир», деди.

Убода ибн Сомит розияллоху анху ўз ўғлига шундай деган:

«Эй ўғлим! Сен то ўзинга етган нарса сени четлаб ўтиши мумкин эмаслигини, ўзингни четлаб ўтган нарса сенга етиши мумкин эмаслигини билмагунингча, ҳеч қачон иймон ҳақиқати таъмини тота олмассан.

Мен Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг шундай деганларини эшитганман:

«Албатта, Аллоҳ аввал яратган нарса Қаламдир. У Зот унга: «Ёз», деди.

«Эй Роббим, нимани ёзаман?» деди.

«Ҳар бир нарсанинг қиёмат қоим бўлгунча тақдирларини ёз», деди».

Эй ўғлим! Мен Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг «Ким мана шундан бошқа(ақийда)да ўлса, мендан эмас», деганларини эшитганман».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг «Барчага ўзи учун халқ қилинган амал муяссардир» деган жумласи бор ҳадисларини мусулмон инсоннинг келгуси ишларда қазои қадарни қандай тушуниши лозимлигини баён қилувчи ҳадис, деб атаган эдик. Ушбу ҳадис эса мусулмон инсоннинг бўлиб ўтган ишларида қазои қадарни қандай тушуниши



лозимлигини баён қилувчи ҳадисдир.

Улуғ саҳобийлардан бўлмиш Убода ибн Сомит розияллоху анху мўминлик ва оталик бурчларини адо этиб, ўз ўғилларига қазои қадарга иймон келтиришдан дарс берганлар. У киши ўғилларига мурожаат қилиб:

«Эй ўғлим! Сен то ўзинга етган нарса сени четлаб ўтиши мумкин эмаслигини ва ўзингни четлаб ўтган нарса сенга етиши мумкин эмаслигини билмагунингча, ҳеч қачон иймон ҳақиқати таъмини тота олмассан», демоқдалар.

Қаранг, иймон ҳақиқатининг таъми – қазои қадарга ишонишда экан! Ўзига етган нарсани: «У мени четлаб ўтиши мумкин эмасди, шу нарса албатта бўлиши керак эди», деб билишда экан! Ўзига етмай, ундан четлаб ўтиб кетган нарсани: «Бу шундай бўлиши керак эди, барибир менга етмас эди», деб билишда экан!

Агар бунга жиддийроқ эътибор берадиган бўлсак, гап бўлиб ўтган ишлар ҳақида кетмоқда.

«Ўзинга етган нарса сени четлаб ўтиши мумкин эмаслигини...»

Яъни сенга етган яхшилик сени четлаб ўтиши мумкин эмаслигини билмагунингча, Иймон ҳақиқати таъмини топа олмассан!

«Бу яхшилик ўзимнинг усталигимдан, бошқалардан устунлигимдан ёки фалончининг ёрдамидан етди», деб ўзингдан кетма.

«Шу нарсага Аллоҳнинг хоҳиши бўлган экан, менга етди», деб Аллоҳга шукр айт!

Шунингдек, сенга етган ёмонлик сени четлаб ўтиши мумкин эмаслигини билмагунингча, иймон ҳақиқати таъмини топа олмассан!

«Бу ёмонлик фалон нарса бўлгани учун ёки фалончининг қўли билан етди, агар ундай бўлмаганда, бундай бўлар эди», дейдиган бўлсанг, иймон ҳақиқати таъмини топишингга йўл бўлсин!

Қачон «Шу нарса менга етиши керак эди, четлаб ўтиши мумкин эмас эди, мен қазои қадарга иймон келтирадиган одамман», десанггина, иймон ҳақиқати таъмини топишдан умид қилсанг бўлади.

Ўтган ишга афсус-надомат чекиш, ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам овора қилиб, ақл-заковатни, куч-имкониятни самарасиз уриниш ва вақтни беҳуда ўтказишга сарфлаш мусулмон одамга тўғри келмайди. Шунинг учун бўлиб ўтган ишни қазои қадардан кўриб, келажакни ўйлаш, келажак учун ҳаракат қилиш керак.

«Ўзингни четлаб ўтган нарса сенга етиши мумкин эмаслигини билмагунингча, ҳеч қачон иймон ҳақиқати таъмини топа олмассан».

Сени бир яхшилик четлаб ўтса, аттанг қилиб: «Ундай қилмай, бундай қилганимда, бу яхшилик мени четлаб ўтмасмиди», деб юрма!

Ёки «Бу иш фалончининг айби билан бўлди, агар ўшанинг айби бўлмаганда, бу яхшилик мени четлаб ўтмас эди», деб юрма! Ундай қилсанг, ҳеч қачон иймон ҳақиқати таъмини топа олмассан.

«Бу яхшилик мени четлаб ўтиши керак экан, шундай бўлди, менга етиши мумкин эмаслиги учун етмади», десанггина, иймон ҳақиқати таъмини топа оласан! Чунки шундагина қазои қадарга чин иймон келтирган бўласан!

Агар сени бир ёмонлик четлаб ўтган бўлса, «Усталик қилиб, бу ёмонликдан четланиб қолдим», деб қувонма! «Фалончининг ёрдами бўлмаганда, ишим чатоқ эди», деб юрма. Бунда қазои қадарга шак келтирган бўласан!

«Шу ёмонлик мени четлаб ўтиши керак эди, менга етиши керак эмас эди, шундай бўлди», дегин. Ана шунда иймон ҳақиқати таъмини топа оласан.

Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳу ўз ўғилларига қилган насиҳатлари Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларидан келиб чиққан. Буни таъкидлаб, билдириб қўймоқдалар:

«Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деганларини эшитганман:

«Албатта, Аллоҳ аввал яратган нарса Қаламдир. У Зот унга: «Ёз», деди.

«Эй Роббим, нимани ёзаман?» деди.

«Ҳар бир нарсанинг қиёмат қоим бўлгунча тақдирларини ёз», деди».

Демак, Аллоҳ таоло халойиқни, борлиқни яратишдан олдин Ўзи ҳаммадан олдин яратган Қаламга айтиб, қиёмат қоимгача бу дунёда бўладиган ишларни ёздириб қўйган. Ана ўша нарсага ҳар бир мусулмон иймон келтириши керак. Ана ўшанда ўтган нарсага ноўрин муносабатда бўлиб, ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам қийнамайди, қазои қадар ақийдасига шак келтирмайди.

Худди шу ақийдада яшаб, худди шу ақийдада ўлиш ҳар бир мусулмон учун ниҳоятда зарурдир. Чунки бу ақийдадан четга чиққан одам залолатга кетган бўлади. Шунинг учун ҳам Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким мана шундан бошқа(ақийда)да ўлса, менадан эмас», деганлар.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу гаплари «менинг йўлимда эмас» деганларидир. Бу эса жуда оғир гапдир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг йўлидан бошқа йўлда бўлишдан Аллоҳ асрасин.

Ушбу ҳадиснинг ҳикмати қазои қадар ақийдасидан кўзланган ҳикматнинг асосини ташкил қилади, десак муболаға бўлмайди. Бу эса инсоният учун жуда зарур нарсадир.

Ўйлаб кўрадиган бўлсак, қазои қадар ақийдаси асосан бўлиб ўтган нарсага нисбатан ишлатилади. Бировга мусибат етади, бировнинг бошига оғир иш тушади, молида, жонида нуқсонга учрайди, яна биров кўзлаган яхшилигига эриша олмайди.

Анашунда афсус-надомат бошланади, умидсизлик юзага чиқади. «Нима учун шундай бўлди?» деган савол пайдо бўлади. Бу мусибатларнинг сабабини ахтара бошлайди. Ўз фикрича мусибатига сабабчи бўлганларга душманлик қилишни бошлайди. Ўзи руҳий-маънавий зарар кўргани етмагандек, бошқаларга зарар етказиш, ижтимоий алоқаларни бузиш ҳам бошланади. Қўйингки, ўтиб кетган иш учун, қайта тиклаб бўлмайдиган нарса учун ҳуда-беҳуда зарар кўриш бошланади.

Қазои қадарга ишонган одам эса ушбу ҳадиси шарифга амал қилади-да, «Менга етган ушбу нарса мени четлаб ўтиб-кетиши мумкин эмас эди, муқаррар иш бўлди. Қазои қадардаги бор нарсага беҳуда афсус-надомат чекиб ўтиришнинг ҳожати йўқ, энди ўзимга муяссар бўлган ишни қилишдан қолмай», дейди.

Беҳудага асабини бузишдан, руҳий-маънавий эзилишдан, ақл-заковат, куч-қудрат сарфлашдан, ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам зарар етказишдан тийилади. Куч ва имкониятларини келажак учун сарфлашга ўтади.

Бу ҳолат фақат мусулмонларда бўлиши мумкин, холос.

Франциялик олимлардан бири ўзининг мусулмон бўлишига сабаб бўлган ҳодиса ҳақидаги хотираларида жумладан, қуйидаги маъноларни айтади:

«Илмий гуруҳ билан узоқ Жазоир қишлоқларидан бирида эдик. Бир куни қаттиқ шамол турди. Бош кўтариб, кўз очишнинг имкони бўлмади. Ерлик аҳоли бутун имкониятларини ишга солиб, ўзларини, молу-мулкларини қутқаришга ҳаракат қилар эди. Шамол эса борган сари кучаяр, йўлда нима тўғри келса, учуриб кетар эди.

Шамол бир неча кун давом этди. Зарар кўрмаган турар жой қолмади. Тирик ҳайвон қолганининг аломати ҳам йўқ эди. Дов-дарахт, экин-тикин тўғрисида гапирмаса ҳам бўлаверади. Умуман, ҳаётнинг асари қолмади. Биз ўзимизча: «Энди ерлик аҳоли бошқа жойга кўчиб кетса керак», деб ўйлар эдик.

Шамол тўхтади. Аммо биз кутган нарсаларнинг бирортаси ҳам бўлмади. Ҳеч ким «дод-вой» солмади. Ҳеч ким бўлиб ўтган фалокатдан шикоят қилмади. Ҳамма ўз жойидан чиқиб, ҳеч нарса бўлмагандек, қолган-қутган нарсаларни тартибга солишни бошлади. Биров кўрилган зарарига афсус-надомат чекмас, фақат қолган нарсалардан фойдаланиб, ҳаётни аввалгидай давом эттириш пайдан бўлар эди. Бу оддий, саҳровий одамларнинг ўзларини тутишлари менга қаттиқ таъсир қилди.

Сўраб-суриштириб, уларнинг қазои қадарга ишонишларини, ўша ақийдага биноан иш тутаётганларини билдим».

«عَنْ عَلِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : لَا يُؤْمِنُ عَبْدٌ حَتَّى يُؤْمِنَ بِأَرْبَعٍ : يَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ رَسُولَ اللَّهِ بَعَثَنِي بِالْحَقِّ ، وَيُؤْمِنُ بِالْمَوْتِ ، وَيُؤْمِنُ بِالْبَعْثِ بَعْدَ الْمَوْتِ ، وَيُؤْمِنُ بِالْقَدَرِ .»

Али розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам дедилар:

«Банда тўрт нарсага иймон келтирмагунча мўмин бўла олмайди: Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига ва мен Аллоҳнинг Расулиман-у, У Зот мени ҳақ ила юборганига шаҳодат беради; Ўлимга иймон келтиради; Ўлгандан кейин қайта тирилишга иймон келтиради; Қадарга иймон келтиради».

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам ўзларининг ушбу ҳадисларида мўмин-мусулмон киши иймон келтириши лозим бўлган тўрт нарсани алоҳида таъкидламоқдалар.

Шу тўрт нарса ичида қадарга иймон келтириш ҳам бор. Ҳадиснинг аввалида Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам эшитувчига кучли таъсир қилувчи олий услубни ишлатмоқдалар. Яъни «Банда тўрт нарсага иймон келтирмагунча, мўмин бўла олмайди», демоқдалар.

Бу, комил иймон ушбу тўрт нарсдан иборатдир, дегани эмас, албатта. Лекин мазкур тўрт нарсага иймон келтириш ниҳоятда муҳим эканини, буларсиз иймон ҳақида сўз ҳам очиб бўлмайдиган нарсалар эканини таъкидлашдир. Сўнгра ўша тўрт нарсани батафсил баён қилишни бошлайдилар.

1. «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига ва мен Аллоҳнинг Расулиман-у, У Зот мени ҳақ ила юборганига шоҳидлик беради».

Бу тавҳид калимасидир, иймоннинг аслидир, инсоният учун энг зарур нарсадир. Шу нарсага иймон йўқ экан, бошқа нарсаларга ҳам иймон бўлмайди. Шу шоҳидлик бўлмаса, амаллар ҳам қабул қилинмайди. Инсоният фақат Аллоҳ таолонинг Ўзигагина ибодат қилиши, фақат Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламни охириги Пайғамбар деб билиши керак. Аллоҳ у кишини ҳақ дин билан юборганини тан олиши керак. Ким шуни тили билан айтиб, дили билан тасдиқласа, мўмин бўлади, акс ҳолда мўмин бўла олмайди.

2. «Ўлимга иймон келтиради».

Яъни ўлимнинг ҳақ эканини тан олади. Анашунга ишониб, ўлимни кўз олдига келтириб яшайди. Бу ҳар бир инсон учун вожиб эътиқод эканини ва унинг ниҳоятда зарур эканини таъкидлашга ҳожат бўлмаса керак. Ўлимга ишонмаган, уни кўз олдига келтириб яшамаган одамдан яхшилик кутиб бўлмайди. Халқ ичида ёмон одамлар ҳақида «ўлмаيمان, деб ўйлармикан», деган гап юради.

Бу, унинг ёмонлиги ўлимга иймони йўқлигидан келиб чиқади, деб билишдандир. Ўлимни ўйлаш ҳар бир инсон учун ўта зарур бўлганидан ҳам, Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам ўлимга иймон келтиришни тўртта муҳим нарса ичида, Аллоҳга ва Расулга иймон келтиришдан кейин зикр қилмоқдалар.

3. «Ўлгандан кейин қайта тирилишга иймон келтиради».

Агар бу иймон бўлмаса, ўлимга ишонишнинг ҳам ҳожати йўқ. Ўлгандан кейин қайта тирилишга ишониш бу дунёда қилинган ишларнинг сўроқ-жавобига ишониш демақдир. Бу эса ўз навбатида, инсонни доимо яхшилик қилишга чорловчи омилдир. Агар «Дунёдаги ёмонликлар асосан ўлгандан кейин қайта тирилишга иймон йўқлиги ёки унинг заифлигидан келиб чиқади», десак, муболаға қилмаган бўламыз.

Шунинг учун ҳам ушбу ҳадиси шарифда бунга бўлган иймон алоҳида таъкидланиб келмоқда.

4. «Қадарга иймон келтиради».

Бу қадарга бўлган иймоннинг нақадар муҳимлигининг яна бир бор таъкидидир. Бу ҳақда ушбу бобнинг аввалидан бошлаб сўз юритиб келинмоқда.

عَنْ أَبِي عَزَّةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ « إِذَا قَضَى اللَّهُ لِعَبْدٍ أَنْ يَمُوتَ بِأَرْضٍ جَعَلَ لَهُ إِلَيْهَا حَاجَةً ». رَوَاهُمَا التِّرْمِذِيُّ.

Абу Азза розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Қачонки Аллоҳ бандага бирор ерда ўлмоқни қазо қилган бўлса, унинг учун ўша ерда бир ҳожатни қилиб қўяди», дедилар».

Сўнгги икки ҳадисни Термизий ривоят қилган.

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам бу ҳадисларида қазои қадар ҳақлигини, уни Аллоҳ таолонинг Ўзи жорий қилишини баён қилмоқдалар.

Мисол учун, бир одамнинг маълум бир жойда вафот этиши қазои қадар қилинган бўлса, Аллоҳ унинг учун ўша ерда бирор ҳожатини чиқарадиган қилиб қўяди. Банда ҳожатини кўзлаб боради-ю, қазосидаги бор ўлимни ўша жойда топади.

Бундай ҳолатларда халқ ичида «Ажали етиб қолган экан-да, ўз оёғи билан борибди», дейилади.

Бу нарса Аллоҳ таолонинг қанчалик мудаббир ва банданинг қанчалик тадбирсиз эканини кўрсатади.

Бу нарса Аллоҳ таолонинг илми қанчалик чексиз, банда қанчалик жоҳил эканини кўрсатади.

Бу нарса Аллоҳ таоло қанчалар қодир, инсон қанчалар ожиз эканини кўрсатади.

Қазои қадарга тегишли ҳар бир ишда, ҳаракатда шу маъноларни тақрорлаш мумкин.

Қазои қадарга иймон келтиришга Ислому алоҳида эътибор берган ва у иймоннинг асосларидан ҳисобланган.

«Сунний Ақийдалар»

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф
раҳимахуллоҳ

Фозил Қажумов тайёрлади



ГЎЗАЛЛИК САЛОНЛАРИ: ИЖОЗАТ БЕРИЛГАН

ҲАМДА МАН ҚИЛИНГАН МУОЛАЖАЛАР

САВОЛ: *Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ, азиз биродарлар. Шариатга асосан гўзаллик салонларида қайси муолажаларга рухсат берилган ва қай бирлари ман этилганлиги ҳақида хабар берсангиз. Қандай ҳолатларда шаръий рухсат берилган амаллар ҳаромга айланади? Шунингдек, масалан, макияж қилдиргани салонга борган аёл кишидан унинг турмушга чиққан-чиқмаганлиги, турмуш ўртоғи учун ёки бошқа бир сабаб билан макияж қилдираётгани ҳақида сўралмайди. Аёл киши аврат жойларини очиб юриши, номаҳрам эркаклар кўриши маълум бўлса, унга макияж қилиш жоизми ҳамда макияждан тушган пул ҳаром ҳисобланадими?*

(Тобольск, Тюмень вилояти, Россия)

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳу!

Исломдини озодавакўркамташқикўринишни маъқуллайди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинган бир ҳадисда У зот:

«إِنَّ اللَّهَ جَمِيلٌ يُحِبُّ الْجَمَالَ».

“Албатта, Аллоҳ гўзалдир ва гўзалликни севади”, деганлар.

(Имом Муслим “Саҳиҳ”да Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилган. 147-ҳадис).

Одамзоднинг табиатида гўзалликка интилувчанлик бор бўлгани учун ўзгалар кўзига чиройли кўринишни хоҳлаб, ўзига оро беришда вақтини аямайди. Айниқса ҳозирги косметология саноати ривожланиб, унинг маҳсулотлари дунё бўйлаб кенг тарқалган бир пайтда.

Юқорида айтганимиздек, Ислом дини ташқикўринишни яхшилашни тўлиқ тақиқламайди. Аксинча, шундай ҳолатлар борки, ўзига оро бериш шарт ёки матлуб бўлади. Масалан: эрхотинлик алоқаларини яхшилаш мақсадида Ислом дини аёлнинг эр учун, эрнинг аёл учун безаниб юришини тавсия қилади. Бу борада Абдуллоҳ ибн Аббоснинг қуйидаги сўзлари ривоят қилинади:

«إِنِّي أُحِبُّ أَنْ أَتَزَيَّنَ لِلْمَرْأَةِ، كَمَا أُحِبُّ أَنْ تَتَزَيَّنَ لِي الْمَرْأَةُ».

“Аёлимнинг мен учун зийнатланишини яхши кўрганимдек, мен ҳам аёлим учун зийнатланишни яхши кўраман”.

(“Тафсир ибн Касийр”, 1-жилд, 459-бет).

Шунинг учун ҳам Исломда ташқи кўринишга оро бериш умумий ҳолда рухсат этилган. Бироқ бу ишда ҳаром қилинган айрим ҳолатлар мавжуд. Сабаблари эса қуйидагилардир:

а) агар кофир ёки ахлоқсиз одамларга ўхшаш учун қилинса;

б) агар Аллоҳ яратган ташқикўринишнинг ўзгариб кетишига олиб келадиган ғайритабиий нарсалар билан ўз ҳолатини ўзгартирса. Бу масалада косметик операцияларга оид фатвода батафсил танишиб чиқишингиз мумкин.

Агар юқорида келтирилган сабаблардан биргинаси мавжуд бўладиган бўлса ҳам, ташқикўринишни яхшилаш жоиз эмас. Энди гўзаллик салонларида аксарият қўлланиладиган муолажалар ҳамда уларнинг меъёрлари билан танишиб чиқсак:

Бошқа жинс вакиллариининг сочини олиш ёки турмаклаш. Бу ман қилинган. Мазкур ҳолат ҳақида аввалги фатвоимизни ўқинг. (Жамиатул Улама, Дарул Ифта)

Соч бўяш. Тим қора, шунингдек, аёл кишини ахлоқсиз ёки бузуқ кўринишга олиб келувчи рангларга бўялмаса, соч бўяшга рухсат бор. Сочни бутунлай қора рангга бўяшнинг ман қилинганлиги қуйидаги ҳадисда келтирилган:

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«يَكُونُ قَوْمٌ يَخْضِبُونَ فِي آخِرِ الزَّمَانِ بِالسَّوَادِ كَحَوَاصِلِ الْحَمَامِ لَا يَرِيحُونَ رَائِحَةَ الْجَنَّةِ».

“Охир замонда сочларини қора рангга бўяйдиган қавмлар пайдо бўладилар. Улар жаннатнинг ҳидини ҳам ҳидламайдилар”, деганлар.

(Абу Довуд ривоят қилган. 4212-ҳадис).

Аёл кишини бадахлоқ ҳамда бузуқ қилиб кўрсатувчи (кук, бинафша ранг ва ҳоказо) рангларга бўяшда уларни шарм-ҳаёсиз кишиларга тақлид этиш ҳаракати бўлганлиги сабабли тақиқланган. Аллоҳнинг Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганлар:

«مَنْ تَشَبَّهَ بِقَوْمٍ فَهُوَ مِنْهُمْ».

“Ким қайси қавмга ўхшаса (яъни ўзини ўхшатса), у ўшалардандир”.

(Абу Довуд, 4031-ҳадис. Ибн Умар розияллоху анҳудан ривоят қилинган).

Кош териш ва шаклини узгартириш. Бу иш тақиқланган, чунки бунда кошнинг асл табиий шаклига аралашуш бордир. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам кош терувчи ва кош тердирувчи аёлларни очик-ойдин лаънатлаганлар.

Ибн Маъсуд розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«لَعَنَ اللَّهُ الْوَأَشِمَاتِ وَالْمُسْتَوْشِمَاتِ، وَالنَّامِصَاتِ وَالْمُتَمَمِّصَاتِ، وَالْمُتَفَلِّجَاتِ لِلْحُسْنِ الْمُغَيَّرَاتِ خَلْقَ اللَّهِ».

“Аллоҳхусн учун вашм (ясама ҳол, татуировка) қилувчи аёлларни, вашм қилдирувчи аёлларни, мўйчинак ила терувчи аёлларни, мўйчинак ила тердирувчи аёлларни ва тиш орасини очувчиларни, Аллоҳнинг яратганини ўзгартирувчиларни лаънатласин”, дедилар.

(Имом Муслим “Саҳиҳ”да ривоят қилган, 2125-ҳадис).

Ғақихлар айтганларки, қош шаклини ўзгартириш ушбу ҳадисга асосан тақиқланган бўлиб, бунинг сабаби – «тағйийру холқиллаҳ»дир (Аллоҳ таоло меъёр сифатида яратган нарсани ўзгартириш).

Қошлар аёллик фитратига тўғри келмайдиган даражада кенг ва қалин бўлса ёки қўшилиб, пайваста бўлиб кетган ҳоллардагина қош териш ҳамда унинг бироз қисмига шакл беришга рухсат бор.

Қош, қовоқ ва лабларни татуаж қилиш мутлақо жоиз эмас. Бундай қилиш юқоридаги ҳадисда қайтарилган иш, яъни вашм қилишга киради.

Соч ва киприк улаш. Уламалар учун тайёрланган ашёлар одам ёки чўққадан олинмаган, яъни сунъий бўлса, бу ишни қилиш мумкин. Акси бўлса, ҳадисда келтирилгандек, мумкин эмас.

(Имом Муслимнинг “Саҳиҳ”и, 2125-ҳадис; “Бадоиус Санойи” 5-жилд, 125-бет).

Лекин шуни айтиб ўтиш лозимки, қовоққа киприк уланганда таҳорат мукамал бўлмай қолиши хавфи бор. Чунки таҳорат қилганда ёпиштирилган киприклар тагига, яъни баданнинг таҳоратда сув тегиши фарз бўлган қисмига сув етмай қолади.

وَيُكْرَهُ لِلْمَرْأَةِ أَنْ تَصِلَ شَعْرَ غَيْرِهَا مِنْ بَنِي آدَمَ بِشَعْرِهَا لِقَوْلِهِ عَلَيْهِ الصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ «لَعَنَ اللَّهُ الْوَأَصِلَةَ وَالْمُسْتَوْصِلَةَ»، وَلِأَنَّ الْآدَمِيَّ بِجَمِيعِ أَجْزَائِهِ مُكْرَمٌ وَالْإِنْتِفَاعُ بِالْجُزْءِ الْمُنْفَصِلِ مِنْهُ إِهَانَةٌ لَهُ وَلِهَذَا كُرِهَ بَيْعُهُ وَلَا بَأْسَ بِذَلِكَ مِنْ شَعْرِ الْبَهِيمَةِ وَصُوفِهَا لِأَنَّهُ انْتِفَاعٌ بِطَرِيقِ التَّرْتِيبِ بِمَا يَحْتَمِلُ ذَلِكَ وَلِهَذَا أُحْتَمِلَ الْإِسْتِعْمَالُ فِي سَائِرِ وُجُوهِ الْإِنْتِفَاعِ فَكَذَا فِي التَّرْتِيبِ.

Мижознинг аврат жойларини мум билан эпиляция қилиш ҳамда танасидаги тукларни кетказиш. Мижознинг аврат жойларидаги тукларни кетказиш ман қилинган. Бунга кўкрақдан то тиззагача бўлган жойлар киради. Шунингдек, тос (ёнбош) ва қовуқни ҳам эпиляция қилиш тақиқланган. Бундай муолажаларни аёллар бегоналарнинг аралашувисиз, ўзлари амалга оширишлари лозим. Чунки бу ишни бошқаларга қилдириш уятсизликнинг энг юқори чўққиси ҳисобланади.

ذَهَبَ جُمُهورُ الْفُقَهَاءِ الْخَفِيَّةِ وَالْمَالِكِيَّةِ، وَهُوَ الْأَصَحُّ عِنْدَ الشَّافِعِيَّةِ إِلَى أَنَّ الْمَرْأَةَ الْأَجْنَبِيَّةَ الْكَافِرَةَ كَالرَّجُلِ الْأَجْنَبِيِّ بِالنِّسْبَةِ لِلْمُسْلِمَةِ، فَلَا يَجُوزُ أَنْ تَنْظُرَ إِلَى بَدَنِهَا وَلَيْسَ لِلْمُسْلِمَةِ أَنْ تَتَجَرَّدَ بَيْنَ يَدَيْهَا.

Мижознинг аврат бўлмаган жойларидан тукларни кетказиш гуноҳ эмас. Масалан: юздан (қошлардан ташқари), қўлдан, оёқдан ва ҳоказо.

Худди шу меъёрлар лазерли эпиляцияга ҳам таалуқлидир.

Бошдаги сочларни кесиш ҳамда турмаклаш. Аёлларга соч кестириш ва турмак қилишга рухсат берилган. Аммо шарти шуки, турмак услуби эркакларникига ўхшамаслиги керак. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам қарама-қарши жинс вакилларига тақлидни ман қилганлар.

Ибн Аббос розияллоху анху:

«لَعَنَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْمُتَشَبِّهِينَ مِنَ الرِّجَالِ بِالنِّسَاءِ وَالْمُتَشَبِّهَاتِ مِنَ النِّسَاءِ بِالرِّجَالِ».

“Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам аёлларга ўхшашга уринган эркакларни ва эркакларга ўхшашга уринган аёлларни лаънатладилар”, дедилар. (Имом Бухорий “Саҳиҳ”да ривоят қилган, 5885-ҳадис)

Сочларни шаръий томондан тақиқланган ёки бузук, ахлоксиз инсонларни кига ўхшатиб турмаклашга ижозат йўқ. Масалан, ҳозирда ЖАР, Дубай ва умуман, араб давлатларида кенг тарқалган ҳамда урф бўлган турмак, яъни сочларнинг ҳаммасини бошнинг тепасига йиғиб қўйиш шу жумладандир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай қилишни қуйидаги ҳадисга кўра тақиқлаганлар:

«صِنْفَانِ مِنْ أَهْلِ النَّارِ لَمْ أَرَهُمَا: قَوْمٌ مَعَهُمْ سِيَّاطٌ كَأَذْنَابِ الْبَقَرِ يَضْرِبُونَ بِهَا النَّاسَ، وَنِسَاءٌ كَاسِيَاتٍ عَارِيَّاتٌ مُمِيلَاتٌ مَائِلَاتٌ، رُءُوسُهُنَّ كَأَسْنِمَةِ الْبُخْتِ الْمَائِلَةِ، لَا يَدْخُلْنَ الْجَنَّةَ وَلَا يَجِدْنَ رِيحَهَا وَإِنَّ رِيحَهَا لِيُوجِدُ مِنْ مَسِيرَةِ كَذَا وَكَذَا».

“Жаҳаннам аҳлидан бўлмиш, мен уларни кўрмаган икки тоифа кишилар бор. Уларнинг биринчиси, сигирларнинг думига ўхшайдиган қамчиларни кўтариб юривчилар бўлиб, улар билан одамларни урадилар. Бошқалари эса кийинган бўлсалар ҳам, лекин яланғоч аёллардир. Улар (ўзларининг бундай кўринишлари билан) бошқаларни Аллоҳнинг амрларига итоатсизликка ундайдилар ва ўзлари ҳам (беҳаёликлари билан) Унга итоатсиз бўладилар. Уларнинг боши туянинг ўркачига ўхшайди. Улар жаннатга кирмайдилар ва унинг ҳидини ҳам ҳидламайдилар, ваҳоланки, унинг ҳиди жуда ҳам узоқ масофадан сезилади”.

(Муслим “Саҳиҳ”да Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилган. 2128-ҳадис).

Ҳадиснинг шарҳи. “Кийинган бўлсалар-да, яланғоч” иборасида шариат талабларига жавоб бермайдиган тарзда кийинган аёллар назарда тутилган. Улар ўта юпқа матодан тикилган ёки баданга жуда ёпишиб тургани сабабли тананинг шаклини яққол кўрсатиб турувчи кийимларни кийишади. Агар қўйлак, иштон ёки ҳаттоки плаш ҳам баданга ёпишиб, унинг шакли кўриниб турган бўлса, мазкур ҳадисда айtilган огоҳлантириш ушбу аёлларга тааллуқли бўлади. Шунингдек, ҳарир бўлмаса-да, баданни тўлиқ бекитмайдиган (масалан, йириклар, V шаклидаги қирқимлар, калта ёки билакни ёпмайдиган энглар ва ҳоказо) кийимлар ҳам шулар жумласидандир.

Сочларга келадиган бўлсак, уларни бошнинг тепа қисмига йиғиб олиш ҳаромдир. Чунки бундай турмакда бош аслидан кўра каттароқ кўриниб, туянинг ўркачини эслатади.

Одатда сочлар энса(гардан)да йиғилади, ҳадисда келган тарзда эмас. Агар сочлар бошнинг пастки қисмида, рўмол тагидан кўриниб

қолмайдиган қилиб йиғилса, ана шу услуб афзалдир.

Айрим муҳаддисларнинг айтишича, юқоридаги ҳадис номаҳрам эркакларнинг ҳузурда бошини эгмасдан, кўзини ерга қаратмайдиган аёлларга ҳам тааллуқли бўлади. Бундай аёллар жаннатнинг ҳидини ҳам ҳидламайдилар.

(Нававийнинг “Саҳиҳи Муслим”га шарҳи, 17 жилд, 190-бет; “Иҳйаат Турас” нашр.)

Макияж. Агар суртилаётган моддаларда ҳаром ҳисобланган бирикмалар бўлмаса, бунга рухсат бор. (Косметологик воситаларда синтетик спирт ишлатилгани сабабли улардан фойдаланишга рухсат берилади).

Ушбу мақоланинг аввалида айtilганидек, аёлнинг ташқи кўринишини яхшилашга ўз-ўзидан ижозат берилган бўлиб, макияж ҳам мана шу жумлага киради. Бу ишнинг ҳаром бўлиши эса зеб берилган тана аъзоларини номаҳрам эркакларга кўрсатувчи аёлларга тааллуқлидир. Бу унинг гуноҳи бўлиб, бунинг учун ўзи жавоб беради. Шу сабабли косметологнинг мижозга макияж қилишига рухсат берилади. Агар мижоз макияжни нотўғри ишлатадиган бўлса, яъни безатилган юзини номаҳрамларга кўрсатса, у ҳолда бу гуноҳга косметолог эмас, балки ўша аёлнинг ўзи масъул бўлади.

Педикюр ва маникюр. Агар оёқларга ва қўлларга ҳаром моддалар суртилмайдиган бўлса, бунга рухсат этилади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, таҳоратнинг ҳақиқий бўлишининг шартларидан бири тирноқнинг устига сув тегиши ҳисобланади. Унинг устига бўёқ (лак) суртилган бўлса, сув унга етиб бормайди. Шу боис, таҳорат қилишдан олдин лакни кетказиш лозим бўлади. Агар таҳорат қилиш вақтида тирноқда лак бўлса, таҳорат ҳақиқий ҳисобланмайди.

Изоҳ: Бу мақолада фақатгина гўзаллик салонларида амалга ошириладиган машҳур муолажалар санаб ўтилган. Унда барча турдаги муолажалар ва янги чиққан нарсалар ҳақида айtilмаган. Агар мақолада кўрсатилмаган аниқ бир муолажа ёки гўзаллик индустриясидаги янги нарсалар ҳақида савол бўлса, сиз бу ҳақда алоҳида савол беришингиз мумкин.

Аллоҳ билгувчирокдир.

Ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ

Муфтий Суҳайл Тармаҳомед
Муфтий Иброҳим Десойининг мулоҳазалари ила
Жамиатул Улама, Дарул Ифта

ҚАДРЛИ КЕЧАНИНГ ҚАДРИНИ ҚЎЛДАН БЕРМАНГ



Муҳтарама диндош опа-синглим!

Кудрати ва шарафи чексиз бўлган Аллоҳ таолонинг иродаси ила бу йилги Рамазонга ҳам эсон-омон етиб келдингиз. Сиз қанчалик бахтиёр эканингизни хис қиляпсизми?

Ахир сиз аввало Аллоҳ сизга Ўзини танитган, иймон неъматини берган мўминасиз! Сиз уммати Муҳаммадиянинг мукаррам ва муаттар аъзосисиз! Қизлик чоғингизда отангизнинг жаннат йўлларида бири бўлиш, турмушга чиққанингизда жуфтингиз динининг ярми бўлиш, она бўлганингизда жаннат оёқларингиз остига ёйилгани каби улкан шарафга эга бўлган муслимасиз!

Раҳмли ва меҳрибон Роббимиз сизни қанчалик яхши кўришини ўйлаб кўрдингизми? Ахир У сизни саҳарга уйғотиб, кундузи рўза тутишингизга куч-қувват ато қиляпти-ку.

Нозик хилқатингизни кўзлаб, айрим ҳолатларда гарданингиздаги фарзлардан озод қиляпти-ку. Аллоҳнинг розилигини истаб, оилангиз, фарзандларингиз хизматида бўларкансиз, бу хизматларингизга ибодат савобини беряпти-ку.

Сизнинг олдингизда яна бир улкан саодатга етакловчи он туриптики, уни зинҳор қўлдан чиқарманг.

Аллоҳ таолонинг бераётган ҳар бир куни, ҳар бир лаҳзаси – улуғ неъмат ўлароқ, хос қилиб қўйган вақтлари борки, улар Унинг раҳматига, мағфиратига мушарраф бўлиш фурсатидир.

Тавбалар, истиффорлар, дуолар тўсиқсиз қабул бўладиган онлардир.

Ана шундай фурсатлар тожи – Қадр кечасидир.

Бу кечанинг қадрини биласизми? Бу кечани бедорликда ўтказиб, Аллоҳнинг зикри билан машғул бўлиш минг ойлик нафл ибодатга тенгдир. Бундай кунларда ҳабибимиз Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам аҳллари уйғотиб, бедорликда, ибодат билан машғул ҳолда ўтказишга тарғиб қилганларини унутманг.

Саҳарлик дастурхонини тайёрлаб, куни билан бекалик мажбуриятларингизни адо қилиб, ифторлик билан оввора бўлиб, толиққанингизни ҳеч бўлмаса мана шу кунда эсдан чиқаринг. Дунё ташвишларини ҳеч бўлмаса шу кеча орқага ташланг. Қалбингизни Аллоҳга бутунлай боғланг. Унга муножат қилиб, ҳожатларингизни Ўзидан сўранг, ҳасратларингизни тўкиб-сочинг. Уни улуғлаб, ҳамдлар айтинг. Гуноҳларингизга, хатоларингизга тавба қилинг. Мағфиратини сўранг. Қодир бўлганингизча зикрини адо этинг. Набий солаллоҳу алайҳи васалламга салаватлар йўлланг.

Агар чарчоқ ва уйқу сизга голиб келаётгани ҳавфини ҳис қилсангиз, дарҳол ушбу Қадр кечаси умрингиздаги сўнгги кеча бўлиши мумкинлиги ҳақида тафаккур этинг.

Муҳтарама муслима опа-синглим!

Хонадонингизни турли анжомлар билан безаганингиз каби, Рамазонингизни Қадр кечаси бедорлиги билан безанг. Жуфтингиз учун пардозингизни гўзал қилганингиз каби, Роббингиз учун ибодатингизни гўзал қилинг. Бу фоний дунёдан солиҳа бўлиб ўтиш, охиратда эса жаннатдаги абадиятда ҳуру филмонлардан-да юз чандон аъло сифатларга эгалик қилиш бахтини бой берманг.

РАМАЗОН ОЙИ УЧУН САВОЛЛАР ҚУТИСИ



Савол: *Ассалому алайкум! Хурматли Одинахон, ифторликдан кейин ухлашдан олдин ният қилсам ёки уйкугача ҳеч нарса емай, эртаси куни ўзимни рўзадор деб ҳисобласам бўладими? Ёки ифторликдан сўнг эртанги кун рўзасини ният қилса-да, уйкугача ейиш мумкинми?*

Жавоб: Ва алайкум ассалом! Рамазон рўзасини тутиш учун ният қилиш фарздир ва бу ниятни кечаси қилинади. Оғиз очгандан то ёпгунга қадар емак ейилаверади, ичимлик ичилаверади. Агар мабодо ифторликдан кейин ухлаб қолсангиз, ҳеч нарса емаган бўлсангиз ҳам эртаси куни рўза тутаверасиз. Агар ният қилиб олган бўлсангиз, ҳали саҳар вақти кирмаган бўлса, ейиш мумкин. Валлоҳу аълам.

Савол: *Ассалому алайкум! Хурматли Одинахон, Рамазон ойида эмизикли фарзанди бор аёл рўза тутмай, таровиҳ намозини уйда ўқиб, Қуръон хатм қилса бўладими? Жавобларингиз учун раҳмат. Аллоҳ илмингизни янада зиёда қилсин.*

Жавоб: Ва алайкум ассалом! Эмизикли фарзанди бор аёл рўза тутса, ўзига ёки фарзандига зарар етадиган бўлса, оғзини очишга рухсат бор. Лекин рўза тутгани яхши. Албатта, рўза тутмаса ҳам таровиҳ ва хатм қилса бўлади. Валлоҳу аълам!

Савол: *Ассалому алайкум! Хурматли Одинахон, рўзадор одам тишларини тиш пастаси билан ювса, унинг таъми рўзани очмайдими? Таҳоратда ғарғара қилса-чи? Эътибор учун раҳмат.*

Жавоб: Ва алайкум ассалом. Тиш пастаси ва ғарғара қилинган сув ичга кетмаса, рўза очилмайди, иншааллоҳ.

Савол: *Ассалому алайкум! Менинг 4 та фарзандим бор, бири ҳали эмизикли. Рамазон ойи келяпти (ўз ота-онам билан тураман, турмуш ўртоғим бошқа шаҳарда ишлайдилар). Шариат нуқтаи назаридан қайнонам билан турганим тўғрими ёки ота-онам биланми? Рўза тутсам, барибир фарзандларимдан ортиб, уларга хизмат қила олмайман. Уларнинг олдидаги бурч юзасидан ҳайронман. Маслаҳат беринг. Аллоҳ рози бўлсин.*

Жавоб: Ва алайкум ассалом! Турмуш ўртоғингиз ва ота-оналарнинг розилиги билан мазкур икки ернинг қай бирида яшасангиз ҳам жоиз. Валлоҳу аълам!

Савол: *Ассалому алайкум, Одина опа! Намоз ўқимайдиган, рўза тутмайдиган одамга садақа бериш мумкинми? Ҳозирда кимга садақа беришни билмай қоламиз. Лўлиларга берсак, “Уларга берманглар, уларнинг бир нечталаб машинаси бор, улар ўлса, жаноза ўқилмайди”, дейишади. Оддий одамларга берайлик десак, “бизни камбағал деди, паст кўрди”, деб хафа бўлишади. Кимга берган афзал?*

Жавоб: Садақа икки қисмга бўлинади. 1-вожиб, 2-нафл.

Вожиб садақани бошқа дин вакиллари ҳамда мусулмон бўлсада закот ёки қурбонлик нисобига қодир бўлган кишиларга бериш жоиз эмас. Улар закот, назр каффоротлардан иборат.

Нафл садақани юқорида зикр қилинганларга ҳам бериш жоиз.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ الزُّبَيْرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: أَفْطَرَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ عِنْدَ سَعْدِ بْنِ مُعَاذٍ فَقَالَ: أَفْطَرَ عِنْدَكُمْ الصَّائِمُونَ، وَأَأْكَلْ طَعَامَكُمْ الْأَبْرَارُ، وَصَلَّتْ عَلَيْكُمْ الْمَلَائِكَةُ. رَوَاهُ ابْنُ مَاجَةَ.

1231. Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Саъд ибн Муъозникида ифтор қилдилар-да ва сўнгра:

«Афторо ўндакум ас-соимуун ва акала тоъ-амакумул-аброру ва соллат ўалайкумул малаика» («Ҳузурингизда рўзадорлар ифтор қилдилар, таомингизни яхшилар едилар ва фаришталар сизга саловот айтдилар»), **дедилар».**

Ибн Можа ривоят қилган. («Ҳадис ва Ҳаёт» китобидан).

Гулбодийраҳматуллоҳиалайҳ «Баҳрулфаваид» номли китобларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Таомларингизни аброр кишиларга едиринглар» деган ҳадисни келтирганлар. Аброр деб содиқ, хайр ва эҳсон эгаси, фазл аҳлларига айтилади. Валлоҳу аълам.

Савол: *Ассалому алайкум! Бизда маълум миқдорда пул бор. Ҳар Рамазон ойида закотини берамиз. Бу йил рўзадан бир ҳафтадан сўнг тўй қилмоқчимиз. Пул тўйга сарфланади. Биз пулнинг закотини беришимиз керакми? Жавобингиз учун олдиндан раҳмат!*

Жавоб: Ва алайкум ассаом. Албатта, бу пулнинг закотини беришингиз керак, чунки бир йил ўтди ва ҳали пулни сарфлаганингиз йўқ. Валлоҳу аълам.

Савол: *Ассалому алайкум! Аллоҳга шукр куниди беш вақт намозни кучим етганча ўқиб, Рамазон ойида рўза тутиб, кечкурунлари таровеҳ намозига масжидларга бориб келяпман. Аммо шу ўринда менда бир савол туғилди: ўзим аёлим билан бирга алоҳида яшайман, аёлим ҳомиладор! Мени қийнайдиган савол ва масала: ёлғиз ҳомиладор аёлимни ярим кечада уйда қолдириб, ўзим таровеҳ намозини ўқишга масжидга чиқиб кетсам бўладими ёки қандай йўл тутсам бўлади? Жавоб учун олдиндан раҳмат, ҳурмат билан Рустам!*

Иккинчи саволим: *Киши Рамазон ойида рўза тутиб, лекин кунига беш вақт намозга қоим бўлмаса, ушбу масалага қандай қарайсиз? Раҳмат!*

Жавоб: Ва алайкум ассалом. Аллоҳ қилаётган ибодатларингизни қабул айласин. Рамазон ғанимат, таровеҳ намозларини қолдирманг, аёлингизга бирор ҳамроҳ топинг. Рўза алоҳида ибодат, намоз алоҳида ибодат. «Бирини қилса-ю бирини қилмаса, иккиси ҳам қабул бўлмайди», деган гап йўқ, ҳаммаси учун ҳисоб-китоб бор. Лекин бу «Беш вақт намозни ўқимасангиз ҳам бўлади», дегани ҳам эмас. Бир ой рўзани қолдирмай тутган одам беш вақт намозни ўқишга ҳам ўзида ирода топа олади. Валлоҳу аълам.

«Динда саволим бор» бўлимига келган саволлар асосида тайёрланди
Рухсора Азизова

Софийя бинт Абдулмуттолиб



Софийя бинт Абдулмуттолиб ибн Ҳошим Қурашийя Ҳошимийя Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аммаси бўлиб, у зотдан бир йил олдин таваллуд топган. У зотнинг аммалари орасида фақатгина Софийя исломни қабул қилгандир. У киши насл-насаби, обрўси билан барчанинг ҳурмат-эътиборини қозонгандир. Чунки отаси Абдулмуттолиб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг бобоси, қолаверса, Қурайшнинг саййиди ва етакчиси бўлган.

Онаси Ҳола бинт Ваҳб Расулуллоҳнинг оналари Омина бинт Ваҳб билан опа-сингил бўлган.

Турмуш ўртоғи Ҳорис ибн Ҳарб Бану Умайянинг бошлиғи Абу Суфённинг акаси эди. Улар турмуш қурганларидан кейин кўп вақт ўтмай, Ҳорис ибн Ҳарб оламдан ўтди. Кейин Софийя мўминларнинг онаси Ҳадийжа бинт Хувайлиднинг акаси Аввом ибн Хувайлидга турмушга чиқди.

Ўғли Исломда биринчи бўлиб қилич яланғочлаган, Расулуллоҳнинг ҳаворийлари, жаннат башорати берилган зот – Зубайр ибн Аввомдир.

Софийя бинт Абдулмуттолиб табиатан жуда ҳам фаросатли, доно, адиба, сўзамол аёл бўлган. Жасурлик ва қатъият эса у кишининг ажралмас сифатларидан эди.

Аввом ибн Хувайлид ҳам вафот этиб, жажжи фарзанди Зубайрни Софийяга қолдириб кетди. Зубайр жасур, кучли инсон бўлиб вояга етиши учун онаси унга ёшлигиданоқ чавандозлик ва жанг маҳоратларини ўргатди. Ҳаттоки Зубайрнинг ўйини камон яшаш, ўқ-ёйларни учлашдан иборат эди. Келажакда ҳар қандай хавф-хатарни енга оладиган жасур ўғлон бўлиб етишиши учун уни болалигидан чиниқтириб борди.

Аллоҳ таоло Расули Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳидоят ва ҳақ дин ила элчи қилиб юборгач, бу динга даъватни яқин қавм-қариндошларидан бошлашга буюрди. Шунда у зот Бану Абдулмуттолибнинг барини, эркагу аёл, каттаю кичикларини бир жойга тўпладилар ва уларга қарата: «Эй Бану Абдуманоф! Жонларингизни Аллоҳдан сотиб олинглар! Эй Бану Абдулмутталиб! Жонларингизни Аллоҳдан сотиб олинглар! Эй Расулуллоҳнинг аммаси Умму ЗубайрибнАввом! Эй Муҳаммаднинг қизи Фотима! Жонларингизни Аллоҳдан сотиб олинглар! Молимдан хоҳлаган нарсангизни сўранг, аммо мен сизларга Аллоҳ(нинг иродаси)дан ҳеч нарсага молик бўла олмасман!» деб нидо қилдилар. Шунда илоҳий нурга улардан эргашганлари эргашди, юз ўгирганлари юз ўгирди. Софийя билан ўғли Зубайр биринчилардан бўлиб у зотнинг чақириқларига ижобат қилиб, мўминларнинг сафидан жой олишди. Софийя ҳам мўминлар қатори Қурайшнинг қийноқ-азиятларига дучор бўлди. Аллоҳ Набийси ва мўминларга ҳижрат қилишга изн берганида у киши ҳам ўғли Зубайр билан бирга жонажон ватани Маккани ташлаб, Мадинага ҳижрат қилди. Ўшанда Софийя чамаси 54 ёшга кирган эди. Шунга қарамай, у кишининг жанг майдонларидаги жасоратлари ҳозиргача тарих сатрларида муҳрланиб қолган. Айниқса Уҳуд ва Хандақ жангида кўрсатган фидокорлиги бунга яққол далил бўла олади.

Уҳуд куни Софийя бир гуруҳ аёллар иштирокида мусулмон лашкарлари билан бирга жангга чиқди. Шериклари қатори аскарларга сув олиб келар, ярадорларни даволар, камон ўқларини учлар эди. Жанг охирига келиб, мусулмонлар мағлубиятга учрай бошлашди. Мусулмонлар ортларига чекиниб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг атрофлари очилиб қолди. Буни кўрган аммалари Софийя қўлидаги мешни ерга ташлади-да, ўзини жанг майдонига отди. Енгилиб қочаётган аскарлардан бирининг қўлидан найзасиниюлиб олиб, сафларни ёриб ўтди ва жияни Расулуллоҳни ҳимоя қила бошлади. Жангчиларга қараб «Ҳолингизга вой бўлсин! Расулуллоҳни ташлаб кетяпсизми?!» деб кичқирди. Расулуллоҳ аммаларини жанг майдонида кўргач, акаси Ҳамзанинг мусла қилинган (қулоқ-бурни кесилган) ҳолдаги жасадини кўриб қолишини истамасдан, ўғли Зубайрга: «Онагни тўхтат, онагни тўхтат, эй Зубайр!» дедилар. Зубайр онасининг йўлини тўсиб чиқиб, «Онажон, ортга қайтинг, онажон, ортга қайтинг!» деди. У: «Йўлимдан қоч, онасиз қолгур!» деди. Шунда Зубайр: «Расулуллоҳ қайтишингизни амр қилмоқдалар», деди. У: «Нима учун?! Акамнинг қатл этилиб, мусла қилинганидан хабарим бор. Бу ҳам Аллоҳнинг йўлида...» деди.

Шунда Расулуллоҳ Зубайрга қараб: «Йўлидан қоч, эй Зубайр», дедилар.

Уруш тугади, Софийя акаси Ҳамзанинг одига келди. Қараса, суюкли акасининг қорни ёриб ташланган, жигари суғуриб олинган, бурни ва қулоқлари кесиб ташланган ҳолда экан. Бу ҳолатни кўрган Софийя Аллоҳдан акаси учун мағфират сўраб шундай деди: «Бу ҳам Аллоҳнинг йўлида... Аллоҳнинг қазои қадарига розиман. Аллоҳга қасамки, сабр қиламан ва ажрини Аллоҳдан умид қиламан, иншааллоҳ». Софийя бинт Абдулмуттолибнинг Уҳуд жангида тутган ўрни ана шундай эди.

Хандақ жангидаги жасоратларига келсак, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бирор жангга отлансалар, Мадинанинг ҳимоячилари йўқлигидан фойдаланиб, душман кўз олайтирмаслиги учун аёллар ва болаларни кўрғонлар ичига яшириб қўяр эдилар. Хандақ куни завжалари, аммалари Софийяни ҳамда мусулмонларнинг бир гуруҳ аёлларини Ҳассон ибн Собитнинг кўрғонига жойлаштирдилар. Чунки унинг кўрғони Мадинанинг энг мустаҳкам кўрғонларидан эди. Мусулмонлар Хандақ атрофида душманларни пойлаб, уларнинг ҳужумидан хавфсираб туришган бир пайтда Софийя тонг ғира-ширасида кўрғон томон келаётган бир шарпага кўзи тушиб қолди. Яхшилаб қараса, бир яҳудий кўрғоннинг атрофини айланиб, у ерда аёллар ва болаларни ҳимоя қилувчи кишилар бор-йўқлигини билиш мақсадида жосуслик қилаётган экан. Софийя дарҳол Ҳассоннинг олдига бориб, «Бор, уни ўлдир», деди. Ҳассон кўнмади. Шунда Софийя бир ходани олди-да, кўрғоннинг дарвозаси ортига яшириниб олди. Ҳалиги айғоқчи эҳтиёткорлик билан эшикдан ичкарига бошини суқиб, мўралай бошлади. Софийя қўлидаги хода билан унинг бошига кучли зарба бериб, ерга йиқитди. Зарба ортидан зарба йўллаб, уни ўлдирди. Кейин пичоқ билан калласини узиб олиб, кўрғон деворидан айғоқчи яҳудийнинг шериклари томон улоқтирди. Унинг бошини кўрган шериклари бир-бирларига қараб: «Муҳаммад аёллар ва болаларни ҳимоясиз қолдириб кетмаслигини билган эдик», деб ортларига қайтиб кетишди.

Софийя бинт Абдулмуттолибдан Аллоҳ рози бўлсин. У киши муслима аёллар учун тенгсиз намуна эди... Софийя ўғли Зубайрга чиройли тарбия берди... Туғишган акаси Ҳамза шаҳид бўлганида гўзал сабр қилди...

У киши ҳижрий 20 санада, Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг халифалик даврида 70 ёшдан ошиб вафот этди. Бақийъ қабристонига дафн этилди.

Араб тилидан Умму Билал таржимаси

ЎНҲУН

- Бугун Қадр кечаси! Бугун дуолар қабул бўладиган кеча! - деди йиғлаб Зоҳида. - Дадаси, жо-он дадаси, ёлвораман, ҳеч бўлмаса шу бугун, бир кунгина ичмай келинг! Биргалашиб, Худодан сўрайлик, бизларга ҳам инсоф берсин! Бизларга ҳам иймон берсин!

- Бўлди, жаврама! Ичмай кел, дединг, бўлди, ичмай келамиз, - деди Жўрақул иш анжомларини оларкан. - Сен ҳам бирон кунгина асабимни эговламай ишга жўнат, жағинг ўчгур!

Жўрақул нималардир деб тўнғиллаб, чиқиб кетди.

Зоҳида дарвозани беркитаркан, ўзича дуо қилди:

- Эй Худо! Шу кишига ҳам инсоф бергин! Бу кишининг пиёнисталигидан кўчага чиқолмай қолдим. На Рамазонни билади, на рўзани. На бировнинг насиҳатини олади, на бировдан уялади. Эртага болаларим бўй етса, биров ўғлимизга қиз берадимми, биров қизимизга совчи қўядими, бу кишининг дастидан? Шу кишига иймон бер, Художон!

- Бугун Қадр кечаси! Бугун дуолар қабул бўладиган кеча! - деди тўпланган намозхонларга қарата Абдулатиф ҳожи Жума намозидан сўнг. - Бугун дуоталаб укаларимиздан бири Файбулла ҳожи ҳўкиз сўйиб, масжидимизда ифторлик қилиб бермоқчи. Ким биз билан бирга бу кеча ибодат қилиб чиқишни хоҳласа, ёнига дўстлари, ака-укаларини олиб келаверсин! Иншааллоҳ, саҳарликни ҳам шу ерда қилиб, бомдод намозини бирга ўқиб, ана ундан кейин тарқаламиз.

Шом намозига мингга яқин намозхон тўпланди. Шунча кишига таом тортилиб, ифторлик қилинди.

Таровеҳ намозига келган намозхонлар масжидга сиғмай кетди. Айвон ҳам тўлгач, ҳовлига ҳам гиламлар тўшалиб, жойнамозлар солинди.

Қадр кечасининг шарофати билан мингдан зиёд одам бир тан-бир жон бўлиб, илмда беназир бўлган, тақвода пешво бўлган, саховат билан ном қозонган, эл-юртнинг чексиз ҳурматига мушарраф бўлган Абдулатиф ҳожининг ўғитларига сомеъ бўлди.

- Бу шарофатли кечани гўзал ўтказишнинг тартибини келишиб олайлик, - деди Абдулатиф ҳожи. - Бугун Қуръон қориларини таклиф қилганмиз. Хуфтон намозидан сўнг бешта қори навбат билан тўрт ракъатдан намоз ўқиб берадилар. Уларнинг қироатларини Хатмул Қуръонларда эшитгансиз, аммо бешаласини бир жойда эшитмагансиз. Бу оқшом ҳар бирининг қироатини эшитиб, роҳат қиласиз, уларнинг камолатига баҳо берасиз. Ундан кейин витр намозини ўқиймиз. Ана ундан кейин то саҳарлик

пайтигача ҳар бирингиз алоҳида нафл намозларни ўқиб, Аллоҳдан нима тилагингиз бўлса, сўрайсиз. Энг яхши ошпазларни таклиф қилдик, улар саҳарлик учун еттита қозонда ош дамлашади. Уларнинг ҳам маҳоратига баҳо берасиз. Ундан сўнг, иншааллоҳ, бомдод намозини ўқиймиз.

Нуриддин қори азон айтди. Мингдан зиёд одам саф тортиб, ибодатга тик турди...

- Лайлак Қадринг келдимми, ҳиқ, - гандираклаб кириб келди Жўрақул. - Ёки энди келадими? Мана, биз ҳам келдик, ҳиқ. Келмаган бўлса, бирга кутамиз. Ушласак, мана шу олмани қучоқлайман, олтинга айланиб қолса, бир умр ишламай, ичи-иб ётамиз, хотин, ваҳ-ҳа-ҳа!

Жўрақул хотинининг устидан кулдими, Лайлатул Қадрнинг устидан кулдими, бу кечанинг фазилатига ишониб, тунни бедор ўтказадиганлар устидан кулдими, Худо билади. Аммо Зоҳида тутаб кетди:

- Шўрим қурисин! Шўргинам қурисин менинг! Пешонам шунча ҳам шўр бўладими?!

Зоҳида ерни муштлаб, нола қила бошлади:

- Эй Худойим, бирор мартагина сўраганимни берсанг нима қилади? Шу бадбахтга инсоф берсанг нима қилади?

Зоҳида эрининг ёқасига ёпишиб, ҳўнграб йиғлади:

- Ноинсоф! Худобеҳабар! Шундай кунда ҳам ичасизми?

Жўрақул Зоҳиданинг қўлларини ёқасидан зўрға ажратиб, уни итариб юборди:

- Шундай кунга нима қилибди? Ўргилдим сенинг Лайлагингдан! Ундан кўра овқат-повқат бер, оч қолдим.

Жўрақул гандираклаб бориб, уйга кирди ва ақалли оёқ кийимини ечмасдан, ўзини тўшакка ташлади.

Зоҳида унга нафрат билан бироз тикилиб турди-ю, индамай болалари ўтирган уйга кириб кетди. Бироздан сўнг ўғлини етаклаб, қизини кўтариб чиқди. Эрининг бошига келиб, хайрлашган бўлди:

- Сиз барибир одам бўлмас экансиз. Бугун кечаси Аллоҳ сизга бир бало юборса, сиз билан бир уйда қолган биз ҳам бу балога гирифтор бўлмайлик! Сиздан узоқроқ бўлганимиз яхши!

- Бор, бор ўша мулла отангникига, отиноий онангникига, - деди Жўрақул ва ёнини кавлаб, сигарет олди. Уни ётган жойида лабига қистириб, минг бир азоб билан гугурт ёқди. - Даф бўл, ҳамманг!

Таровеҳ ва витр намозлари эндигина тугаган эди. Орқадан ғала-говур эшитилди:

- Ёнғин! Бировнинг уйи ёняпти!

- Жўрақул аканинг уйи! Жўрақул аканинг уйи ёняпти!

Масжиддагилар дувва кўзғалишди. Ҳамма Жўрақулнинг уйига қараб чопди.

Устида кийими, афтида битта туки қолмай куйиб кетган Жўрақулни таниб олиш қийин эди. У нима бўлганини ҳам чамаси, яхши англамас эди:

- Нима бўлди? Лайлак келдимми? Лайлақул Қадр келдимми? Зоҳида, чиқ, Лайлак кепти!

Кимдир унинг устига яктагини кийдириб қўйди. Қолганлар олов билан курашга отилди. Кимлардир сув олиб келишга, кимлардир оловга сув сочишга машғул бўлди.

- Йигитлар! Томга чиқинглар! Қўшниларики ҳам уйига ёнғин ўтиб кетмасин! - деди Абдулатиф ҳожи ёшларга. - Айвоннинг томини очиб ташланглар!

Ун чоғли йигит томга чиқишди. Бирпасда томни очиб ташлашди.

«Кўпдан қуён қочиб қутулмас», дейдилар. Кўпчилик бўлиб, ёнғиннинг кенгайиб кетишининг олдини олишди. Жўрақулнинг бир уй, бир даҳлизини сақлаб қолишди. Энг муҳими, олов қўшниларики уйига ўтиб кетмади. Қўшниларики ҳам уйига ўтиб кетганда, фожиа катта бўларди. Чунки Жаласойдаги бир уйнинг томига чиқсангиз, томдан тушмай, қишлоқнинг ҳамма уйларини айланиб чиқсангиз бўлади.

- Сахарлик вақти бўлиб қолди, - деди Абдулатиф ҳожи ҳамма иш ниҳоясига етгач. - Юринглар, сахарлик қилайлик! Жўрақулга ҳам бир нима кийгизиб, масжидга олиб боринглар, бирон нима еб олсин бечора!

Тонг отар-отмас Жўрақулнинг ҳовлисида тумонат одам йиғилди.

Зоҳида кетиб қолгани учун ўзини қарғаб, куйиндиларики ичидан болаларининг бутун қолган кийимларини, рўзғор буюмларини териб юрарди. Одамлар баҳс-у, мунозарани бошлаб юборган эдилар:

- Олов нимадан чиқибди?

- Хотини «Кетаётганимда оғзида сигарети бор эди», дейди. Жўрақул кайф билан ухлаб қолган бўлса, сигарети тўшакка тушиб, ёниб кетган бўлса керак!

- Битта алкашнинг дастидан бир қишлоқнинг уйи куйиб кетишига сал қолибди-да.

- Яхшиям намозхонлар масжидда ухламай, Лайлатул Қадрни кутиб ўтиришгани, бўлмаса, кечаси иккида бировни уйғотиб бўлармиди, оловни ўчириб бўлармиди?

Бомдодни ўқиб чиққан намозхонларни эргаштириб, Абдулатиф ҳожи етиб келди.

- Бўлар иш бўлди, муҳокамани тўхтатинглар! Бўладиган ишдан гаплашинглар! - деди Абдулатиф ҳожи. - Жўрақул ёмон бўлса ҳам, ичувчи бўлса ҳам ўзимизники, шу Жаласойнинг одами. Оқади, деб бурнимизни кесиб ташламаймиз-ку. Яхшими,

ёмонми, бу ҳам шу қишлоқнинг хизматини қилиб юрибди. Ичишини айтмасак, қўли гул уста. Асли ўзларингиз ўргатгансизлар, қайсингизникида ишласа, «яримта» куйиб бериб. Энди бундай қиламиз. Бунинг ҳам бола-чақаси бор, аҳволини кўриб турибсизлар. Бор-йўғидан айрилди. Ўз ҳолига ташлаб қўйсақ, қишгача ҳам уйини тиклаб ололмайди. Рамазон савоб оёи, хайру эҳсон оёи. Ким савоб топай деса, кўнглида борини олиб келаверсин!

Абдулатиф ҳожи белбоғини ечиб, ўртага ёзди ва ёнидан бир боғлам минг сўмлик пулни чиқариб, белбоққа ташлади. Намозхонлар худди намозга саф олгандек сафга тизилишди. Ким элик минг сўм, ким йигирма минг сўм, ким ўн минг сўм, ким беш минг сўм, ким минг сўм, ҳамма дилида борини белбоққа ташлаб ўтаверди. Бировлар болаларга кийим-кечак олиб келди. Аёллар Зоҳидага кийимлар олиб келишди. Жўрақул ҳам бир-икки чопонлик бўлди.

Йиғилган пул бир белбоғ бўлди. Абдулатиф ҳожи белбоғни маҳаллақўмнинг қўлига тутқазди.

- Бу ёғига сиз бош бўлинг! Керакли нарсаларни олиб келаверинг! Камига яна эл бор, улус бор. Ҳашарни бошлаймиз! Сиз қурилиш молларини олиб келгунча, биз ҳовлини тозалаб, тайёрлаб турамыз! Қани, белида кучи борлар, ишга тушинглар! Шу бугун олган-олганники! Савоб олай деган ёнимизга келаверсин!

Жўрақулнинг ҳовлиси каттакон қурилиш майдонига айланиб кетди. Жаласой катта қишлоқ. Ўзининг ном чиқарган усталари бор. Ўз ишининг усталари бор. Ҳисоб-китобнинг усталари бор Жаласойда. Йиғилган пулнинг салмоғини кўриб, замонавий уй қуришга етишини билишди ва қурилиш молларини олиб келишди. Пишиқ гиштларни терувчилар териб бўлгунча, пайвандловчилар ерда туриб, томни ясаб қўйишди. Сувоқчилар ишга тушмай туриб, усталар «Акфа» эшик, ромларини ўрнатишди. Томни суваб, чордоқни ўрнатишгунча, усталар пластик шифтларни маҳкамлаб бўлишди. Гулқоғозларни ёпиштириб, биллур қандилларни ёқишганда нафақат Жўрақул билан Зоҳиданинг, бутун қишлоқ аҳлининг диллари чароғон бўлиб кетди.

- Сафа рост! Сафа рост! Сафа рост!

Жаласойликлар Рамазон ҳайитининг намози учун саф тортдилар.

- Аллоҳу акбар! - Абдулатиф ҳожи намозга қўл боғлади.

- Аллоҳу акбар! - охириги сафда қисиниб-қимтинибгина... Жўрақул ҳам намозга қўл боғлади...

Каримберди Тўрамурад

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим

ҚАДР КЕЧАСИ ҲАҚИДА

Қадр кечаси ҳақида ўзбек тилида ҳам анча-мунча маълумотлар оммага кенг тарқаб улгурган. Қадр кечаси Рамазоннинг нечанчисиди бўлиши, унинг фазилати ва унда қилинадиган амаллар, содир бўладиган ҳолатлар ҳақида ҳам мақолалар мавжуд. Шу боис, биз бу ерда мазкур маълумотларни қайтариб ўтирмай, кўпчилик учун қизиқарли бўлган айрим нуқталарга тўхталсак.

Қадр кечаси аввалдан бўлганми ёки уммати Муҳаммадга хосми?

Бу борадаги далилларни ўрганган уламо-ларимиз иккала фикрга ҳам далолат қилувчи ҳужжатлар борлигини айтадилар.

Биринчи фикр: Қадр кечаси олдиндан бўлган.

عَنْ أَبِي ذَرٍّ قَالَ : «قُلْتُ : «يَا رَسُولَ اللَّهِ ، أَخْبِرْنِي عَنْ لَيْلَةِ الْقَدْرِ - أَفِي رَمَضَانَ هِيَ ، أَوْ فِي غَيْرِهِ؟» قَالَ : «بَلْ هِيَ فِي رَمَضَانَ». قَالَ : قُلْتُ : «تَكُونُ مَعَ الْأَنْبِيَاءِ مَا كَانُوا فَإِذَا قُبِضُوا زُفِعَتْ ، أَمْ هِيَ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ؟» قَالَ : «بَلْ هِيَ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ».

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Абу Зарр розияллоху анҳудан ривоят қилади:

«Эй Аллоҳнинг Расули, қадр кечаси ҳақида менга айтиб беринг, у Рамазонда бўладими ёки бошқасида ҳам бўладими?» дедим. У зот: «Йўқ, у Рамазонда бўлади», дедилар. Мен: «У анбиёлар борлигида бўлиб, улар қабз қилинган, кўтариладими ёки қиёматгача бўладими?» дедим. У зот: «Йўқ, у қиёматгача бўлади», дедилар».

Ҳадисни худди шу мазмунда имом Насоий ва имом Ҳоким ҳам ривоят қилишган.

Бу ҳадисдан қадр кечаси олдин ҳам бўлган ва қиёматгача бардавом бўлади, деган маънони тушуниш мумкин. Бу фикр эгалари яна ояти карима ва ҳадиси шарифларда «Қуръони Карим қадр кечасида нозил бўлди», деб айтилишида ҳам ушбу кеча олдиндан бўлганлиги англашилади, дейдилар. Зеро, ўша оятҳадисларда «У кечани унда Қуръонни нозил қилиш билан қадрли қилдик», деган ифода эмас, балки асли қадрли бўлган кечада Қуръонни нозил қилдик, деган таъбир қўлланган. Бу Рамазон азалдан Аллоҳ таоло шарафли қилган ой бўлиб, кейин Қуръонни шу ойда нозил қилиш билан уни янада юксалтиргани, сўнг эса Ислому уммати рўза ибодатини адо этиши учун айнан шу ой танлангани каби азалий иродага боғлиқдир.

Иккинчи фикр: Қадр кечаси Ислому умматига хос.

عَنْ مَالِكٍ ، أَنَّهُ سَمِعَ مَنْ يَتَّقُ بِهِ مِنْ أَهْلِ الْعِلْمِ يَقُولُ : «إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ أُرِيَ أَعْمَارَ النَّاسِ قَبْلَهُ ، أَوْ مَا شَاءَ اللَّهُ مِنْ ذَلِكَ ، فَكَانَتْ تَقَاصِرَ أَعْمَارِ أُمَّتِهِ ، أَنْ لَا يَبْلُغُوا مِنَ الْعَمَلِ ، مِثْلَ الَّذِي بَلَغَ غَيْرُهُمْ فِي طَوْلِ الْعُمُرِ ، فَأَعْطَاهُ اللَّهُ لَيْلَةَ الْقَدْرِ ، خَيْرٌ مِنْ أَلْفِ شَهْرٍ».

Имом Молик «Муваддо»да ўзи ишонган аҳли илмлардан бирининг шундай деяётганини эшитганини ривоят қилади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга у зотдан олдинги одамларнинг умрлари кўрсатилган эди, у зот бошқалар узун умр кўриш сабабли етган нарсага етишга ўз умматларининг умрлари қисқалик қилади деб билиб қолдилар. Шунда Аллоҳ у зотга минг ойдан яхши бўлган қадр кечасини берди».

Ушбу ҳадисга кўра, қадр кечаси умматини муҳаммадийга хос инъом этилгандир. Аммо Ибн Ҳажар Асқалоний раҳматуллоҳи алайҳ «Фатҳул-Борий»да: «Бу ҳадисни таъвил қилиш мумкин, шу боис у Абу Зарр розияллоху анҳунинг ҳадисидеги очиқ хабарни рад этмайди», деб айтади. Бироқ имом Суютий раҳматуллоҳи алайҳ: «Абу Заррнинг ҳадиси ҳам таъвилни қабул қилади, яъни у қадр кечаси Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг замоналарига хосми ёки кейин ҳам давом этадими, деган маънода сўраган. Бунга ҳадисдаги «қиёматгача» деган жумла ҳам ишора қилиб турибди», дейди.

Ибн Абу Ҳотим қилган ривоятда қуйидагилар айтилади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам бир куни Бану Исроил пайғамбарларидан тўрттасини: Айюб, Закарийё, Ҳузайқил ва Юшаъ ибн Нун алайҳиссаломларни эсладилар. Уларнинг ҳар бири Аллоҳга саксон йил ибодат қилган ва кўз очиб юмгунча ҳам осий бўлмаган эканлар. Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг саҳобалари бундан бағоят ҳайратга чўмдилар. Шунда у зотнинг ҳузурларига Жаброил келди ва: «Умматинг шундан ҳайратга тушдимми? Аллоҳ таоло сизларга ундан кўра яхшисини нозил қилди», деди ва у зотга: «Иннаа анзалнаху фи лайлатилқодр»ни тиловат қилиб берди. Сўнгра: «Бу сенинг умматинг ҳайратланган нарсдан афзалдир», деди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ва у зот билан бирга одамлар ҳам масрур бўлдилар».

Имом Байҳақий ва Ибн Абу Ҳотимлар қилган ривоятда қуйидагилар айтилади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Бану Исроилдан бир кишини зикр қилдилар. У одам Аллоҳнинг йўлида минг ой силоҳ кўтарган экан. Муслмонлар бундан ҳайратга тушдилар. Шунда Аллоҳ Қадр кечасини нозил қилди. У минг ойдан яхшидир. Бу иш уларнинг умрлари қисқа бўлгани эвазигадир. Бас, шу билан олдингиларга етиб оладилар. Дарҳақиқат, улардан ўзиб ҳам кетдилар».

Бу далиллар ҳам қадр кечаси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматларига берилган имтиёзлардан бири эканини таъкидлайди. Шу боис, кўпчилик уламоларимиз шу фикрга мойил бўлганлар. Абу Ҳасан Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ Муборакфурий: «Жумҳурга кўра, қадр кечаси ушбу умматга хос, олдингиларга хос бўлмаган», дейди. Имом Нававий раҳматуллоҳи алайҳ: «Асҳобларимиз қатъий айтган ва жумҳур уламолар таъкидлаган саҳиҳ гап шу», деб айтади. Яъни қадр кечаси Ислом умматига хосдир.

Қадр кечаси аввал ҳам бўлгани ҳақидаги далиллар билан унинг Ислом умматга хослиги ўртасидаги хабарларни қуйидагича жамлаш ҳам мумкин:

Қадр кечаси аввалдан фазилатли кеча ўлароқ тайин қилинган бўлсада, уни бедор ўтказиб, минг ойлик ибдоат савобига эришиш амри уммати муҳаммадийяга сақлаб қўйилган. Бу худди уларнинг жума куни ибодатига муяссар қилинишлари, Рамазон ойи рўзаси билан шарафланишлари каби хусусиятларига ўхшашдир.

Қадр кечасининг аломатлари борми?

Ҳадиси шарифларда қадр кечасининг айрим аломатлари айтилган ва уламолар ҳам буни кузатганлар.

Имом Муслим Зир ибн Хубайшдан ривоят қилади:

«Убай ибн Каъбдан: «Биродарингиз Ибн Масъуд: «Ким йил бўйи қоим бўлса, қадр кечасини топади», деяпти?» деб сўрадим. У: «Аллоҳ унга раҳм қилсин. У одамлар суяниб қолмасликларини ирода қилган. Ўзи унинг Рамазонда, охириги ўн кунликда, йигирма еттинчи кечада эканини аниқ билади», деди. Кейин унинг йигирма еттинчи кечада эканига истисно қилмай, онт ичди. «Буни нима асосда айтяпсиз, эй Абу Мунзир?» дедим. У: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга хабар берган аломат асосида, ўша куни (қуёш) ёғдусиз чиқади», деди».

Яъни осмонга кўтарилаётган фаришталарнинг кўплигидан шундай ҳолат намоён бўлади.

Ибн Хузайма «Саҳиҳ»да Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қадр кечаси хусусида: «У очик ва иссиқ ҳам, совуқ ҳам бўлмаган кеча. Унинг тонгида қуёш қизғиш, заиф бўлиб чиқади», дедилар».

Бундан ташқари уламоларимиз қадр кечасида ўзгача бир сукунат, ором ҳукм суриши, мўмин дилларда ўзгача шодлик таралишини ҳам аломат сифатида зикр қиладилар. Аммо дарахт сажда қилади, нур кўринади, ушлаган нарсаси тилла бўлиб қолади, деган гаплар асоссиздир.

Қадр кечасини топиш учун нима қилиш керак?

Ҳадисларда қадр кечасининг фазилатлари айтилиб, уни топишга ундалган. Аммо уни айнан бир кеча билан қайдлашга интилиш ҳадисларнинг умумий мазмунига зиддир. Зеро, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қадр кечаси билдирилиб, кейин унинг унуттирилгани маълум ва машҳур. Ўшанда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ажаб эмаски, шуниси сизлар учун яхшироқ бўлса», деганлар. Шунинг учун уламоларимиз қадрни топишга ҳаракат қилган киши турли фалакий ё бошқа ҳисобкитобларга чалғимай, набавий насиҳатга амал қилиши керак. Унга кўра, ҳиммати баланд кишилар қадр кечасини Рамазон ойининг кечаларидан қидирсин. Бунга қурби етмаганлар унинг охириги ўн кунлигидан қидирсин. Бунга ҳам тоқати етмаганлар охириги ўн кунликнинг тоқ кечаларидан қидирсин. Буни ҳам эплай олмаганлар йигирма еттинчи кечани қадр ўлароқ ўтказади. Қадр кечасининг яширин қолишидан кўзланган асосий мақсад ҳам шу – кишиларни имкон қадар ибодатга ундаш бўлса, ажаб эмас.

Мазкурлар ичида энг афзали – охириги ўн кунликдан қидиришдир. Чунки саҳиҳ ҳадислардан маълумки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Рамазоннинг охириги ўн кулигида ибодатга қаттиқ бел боғлар, аҳллари ҳам шунга чорлар, масжидда махсус қапа тикиб, ўша ерда эътикоф ўтирар, Парвардигори оламга ёлғиз ҳолда илтижолар қилар эдилар. Зарурат бўлгандагина қападан чиқардилар. Қолаверса, кўпчилик уламоларнинг сўзларига кўра, қадр кечаси йилда ўзгариб туради, яъни охириги ўн кунликнинг тоқ кечаларидан бирида келади. Шу боис, тоқ кечаларга алоҳида эътибор бериш керак. Бироқ рўзани бошлашда бир кунга хато кетиш эҳтимоли борлиги эътиборидан қадрни охириги ўн кунликнинг барча кечаларидан қидириш тавсия этилади. Чунки тоқ кечани қасд қилиб, жуфт кечага тўғри келиб қолиш ҳам мумкин. Агар тўлиқ ўн кун бедор бўлинса, иншааллоҳ, бу ноаниқликка ҳам ўрин қолмайди.

Қадр кечасини қандай ўтказиш керак?

Қадр кечасида махсус ибодат қайд қилинмаган. Биргина «**Аллоҳим! Албатта, Сен афв қилувчисан ва афв қилишни яхши кўрасан, мени афв қилгин!**» деган дуони қилиш ҳадисларда тавсия этилган. Муҳими, бу кечани ибодат, зикр, тиловат, хайру эҳсон ва бошқа яхши амаллар билан ўтказиш керак. Бундай фурсатларда бир тур ибодат, масалан, фақат намоз билан чекланмай, зикр қилинган барча ибодат турларини қилиш тавсия этилади. Чунки бунда банд ҳар бир ибодатда янгиладан, ўзгача ҳаловат туяди ҳамда ўша амалларга ваъда қилинган турли савобу ажрлар ва манфаатлардан насибадор бўлиш бор.

Шу ўринда ўзимизнинг шароитдан келиб чиқиб, бир нарсани таъкидлаш жоиз. Бизда қадр кечасини зиёфатхўрликка айлантириш ҳолатлари жуда кенг тарқалиб бормоқда. Бирикки соат ибодат қилгандек бўлинадида, кечанинг қолган қисмида ошовқат ва олдиқочди гаплар билан банд бўлинади. Баъзан шу баҳона гапгаштакни ўтказиш, саунабасейн қабул қилиш каби ишларга ҳам ўтиб кетилади. Булар ушбу кечанинг одобларига тўғри келмайдиган ҳолатлардир.

Илмий суҳбат бўлса, китоб ўқилса, маърифат улашилса, яхши албатта. Аммо дуолар қабул қилинадиган бундай онларда ёлғиз ҳолда ибодат ва илтижолар қилиб қолиш, ҳожатларни ёлвориб сўраб олишни унутмаслик керак. Айниқса қадр кечасини оила даврасида, болачақалар билан нишонлаш келгуси авлод учун жуда катта ижобий таъсирга эга.

Қадр кечасини топишни ният қилган киши хуфтон ва бомдод намозларини жамоат билан ўқишга алоҳида эътибор бериши лозим. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким хуфтонни жамоат билан ўқиса, у туннинг биринчи ярмини қоим қилибди, ким бомдодни жамоат билан ўқиса, қолган қисмини ҳам қоим қилибди»**, деганлар. Шунга кўра, қадр кечаларида ушбу икки намозни жамоат билан ўқишга астойдил ҳаракат қилиши даркор.

Минг ойлик ибодатнинг савобига эришиш осон эмас, албатта. Бунинг учун ўзига яраша меҳнат ва машаққат талаб қилинади. Аллоҳ насиб қилиб, ўн икки йил қадр кечасини топган киши минг йиллик ибодатнинг савобига эришади, иншааллоҳ!

Аллоҳ таоло барчаларимизнинг қадрни топганлардан бўлишимизни насиб айласин!

Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид

ЯНА РЎЗА БОРМИ

- Маҳалла масжидига Шайх Ҳазратлари келармишлар! Амри маъруф қилармишлар! Сиз ҳам чиқинг, дадаси, қалбингизга нур киради!

- Бир умр чиқмаган масжидга нима деб чиқаман, - деди профессор Файзулла Зарипов. - Одамлар «Шайхни кўргани келибди», дейишмайдими?

- Одамларнинг гапи билан нима ишингиз бор? - хафа бўлди хотини. - Майли, сиз Шайх Ҳазратларини кўргани бораверинг. У кишининг суҳбатларини олиб қолганингиз фойдалироқ.

- Ўзингга ўхшатиб намозхон қилмасдан қўймайсан шекилли, мулланинг қизи, - деди Файзулла Зарипов. - Кўрамиз, ишдан вақтлироқ қайтсам, чиқарман.

Профессор университетга етиб боргунча Ислом дини, унинг мавқеъи, жамиятдаги ва дунёдаги ўрни, ўзининг динга муносабати ҳақида ўйлаб борди. Нима қилсин, бир умр «Дин афюндр», «Дин зарарлидир», «Дин тараққиёт кушандаси», «Дин хотин-қизларни камситади, таҳқирлайди» каби шиорлар байроқ қилинган жамиятда, коммунистик руҳда тарбияланган бўлса? Нима қилсин намоз ўқийдиган ёшга етмасдан пионер бўлиб, кейин комсомол бўлиб, талабалигиданоқ коммунист бўлиб, устозларига эргашиб динга қарши курашиб келган бўлса? Нима қилсин, бир умр «Ислом динини Муҳаммад деган бир саҳройи, босқинчи араб ўз манфаати учун ўйлаб топган», деган ақийдага ишониб улғайган бўлса? (Астағфируллоҳ!) Нима қилсин, динга ишонганлар доимо камбағал ва фақир бўлиб, зўрға кун кўрганини, доимо тазийқларга учраб, камситилиб, қувилиб яшаганини ва дин йўқ деганларнинг ошиғи олчи бўлиб, тўқ ва фаровон яшаганини, уларнинг турли лавозим ва мансабларга эга бўлганини кўриб яшаган бўлса? Хотини айтаверади-да. Унинг отаси мулла бўлган. Қишлоқдаги масжидида бир умр даъват қилиб, ўн иккита бобой намозхонини ўн учта қилолмай ўтиб кетган. Қайтага мулла Умар ўлгач, қолган ўн битта бобой ҳам камайиб-камайиб, масжидга ҳеч ким бормай қўйган.

Мустақилликдан кейин ўн беш-йигирмата тенгдошларини йиғиб, профессорнинг қайноғаси отасидан қолган масжидни обод қилиб, беш вақт намозни ўқиб туришибди. Мулла Умар қизи Озодани ҳам намозхон қилиб тарбиялаган. Ҳар замон хотини профессорга тарбия бермоқчи бўлиб, уни ўзининг сафига қўшишга ҳаракат қилиб кўради. «Ўқимишлини ўқитма, оқу қорани сендан яхши ажратиб оламан», дейди профессор хотинига. «Тўғри йўлга киринг, адашманг», деганда эса «Мен-ку фан доктори, профессорман, сен кимсан, нега менга ақл ўргатасан?» деб овозини сал кўтаради, шу билан хотини «Ўзингиз биласиз», дейди-да, ишига машғул бўлади.

Файзулла Зарипов уч дарс маъруза ўқиди. «Эртaroқ қайтсам ўтарман», деган ваъдаси эсига тушиб, уйига қараб йўл олди. Уйига етиб келгунча яна мушоҳадаларга берилди. «Дин тумандир, у албатта тарқаб кетади», деган эди устозлари, аммо профессор гувоҳки, дин тарқаб кетмади. Қайтага мустақилликдан кейин юртда минглаб янги-янги масжидлар қурилди. Йиллаб берк ётганлари очилиб, таъмирланиб, одамлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб намозга қиряпти. Унинг тенгдошлари ҳам ҳаммаси аллақачон масжидга қатнашяпти. Ўйлаб кўрса, фақат Файзулла Зарипов билан доим ичиб юрадиган Шоди пиён масжидга бормас экан. Шу нарсани ўйлади-ю, ўзини Шоди пиён билан бир хил мавқеъда, у билангина ҳамроҳ бўлиши мумкиндай ҳис қилиб, дилига гашлик тушди. «Шоди пиёндан нарироқ бўлиш учун бўлса ҳам масжидга боришим керак шекилли», деган хаёл ўтди миясидан.

Файзулла Зарипов уйга келиб, хотини билан тушлик қилди.

- Масжидга соат нечада чиқиш керак экан? - сўради хотинидан.

- Худога шукр, - суюнди хотини. - Боришга аҳд қилибсиз-да? Ҳазрат кечки олтига келар эканлар. То хуфтон намозигача маъруза қилар эканлар. Кейин илк таровеҳ намозини ўзлари ўқиб берар эканлар. Маҳалламиздагилар учун бу катта бахт. Эртaroқ чиқаверинг, ҳамма байрамга тайёргарлик кўргандек, шайланиб ётибди. Бир гуруҳ аёллар ҳам чиқмоқчи бўлиб турибмиз, биз ҳам Ҳазратнинг маърузаларидан бебахра қолмайлик, дедик.

- Яхши, соат энди иккидан ўтибди, мен икки соатча дам олай, кетаётганинда чақирарсан, - деди профессор ва бир чойнак чойни кўтариб, кутубхонасига кириб кетди.

Қайси куни хотини берган «Мен ҳам намоз ўқийман» деган китобчани варақлаб, таҳорат қилиш, намозга кириш тартибларини ўрганган бўлди. Кўзлари китобда-ю, хаёлида бояги баҳс давом этарди.

Аллоҳнинг борлигига ишониб-ишонмай, шу ёшга етди. Аммо шундай мўъжизаларни кўрди, эшитдики, узил кесил «Худо йўқ», деёлмайди. Бир вақтлар «Одам маймундан тарқалган»лигига ўзи ҳам ишонарди. Қайси йили биринчи курсдаги бир талаба шу сўзларни айтган домласига «Балки, сиз маймундан тарқагандирсиз, лекин менинг отам одам, отамнинг отаси ҳам одам. Энг катта отам эса Одам алайҳиссалом. У отамни эса Аллоҳ одам қилиб яратган», деб дарсини ташлаб чиқиб кетганидан бери шу сўзларни эшитса, ўзининг ҳам кулгиси қистайди.

Ўшанда ҳалиги домла талабани университетдан ҳайдашни талаб қилган эди. Ректор эса ўша домланинг ўзини қайсидир бошқа ишга ўтказиб юборди.

- Э-э, таваккал, - деди профессор ва ҳаммомга бориб, ҳалиги китобга қараб, таҳорат қилди ва бунга ҳам кўнгли тўлмай, доимгидек чўмилиб ҳам олди.

Хотини яхши ният билан олиб қўйган чопон ва дўппини сандиқдан олиб, эрига тутди.

- Бир йўла саллаям олмабсан-да, - деди профессор ва тарки одат амримаҳол, галстугини ҳам боғлаб, тўн ва дўппиларни кийиб, «Йўл бошла», дегандек хотинига қаради.

- Кўз тегмасин, дуппа-дуруст мулла бўлдингиз-қўйдингиз, - деди астойдил қувониб хотини.

Шайх Ҳазратларини юксак эҳтиром билан кутиб олишди. Ҳазрат шундай улуғ кунларга соғ-саломат етказгани, иймон аҳллари билан дийдорлаштиргани учун Аллоҳга ҳамду сано айтиб, анжуманга ташриф буюрганларнинг ҳаққига дуо қилдилар. Шундан сўнг Рамазон ойининг рўзаси ҳақида сўзладилар.

- Рўза баъзилар ўзлари тўқиб, ўзлари ишониб, бошқаларни ҳам ишонтиришга ҳаракат қилиб юрганларидек, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўйлаб топган нарса эмас, - дедилар Шайх Ҳазратлари. - Аллоҳ таоло Қуръони Каримнинг Бақара сурасида: «Эй иймон келтирганлар! Сизлардан аввалгиларга фарз қилинганидек, сизларга ҳам рўза фарз қилинди.... Рамазон ойи – унда одамларга ҳидоят ҳамда ҳидоят фуруқондан иборат очиқ-ойдин ҳужжатлар бўлиб, Қуръон нозил қилинган. Сизлардан ким бу ойда ҳозир бўлса, рўзасини тутсин.... Шоядки, шукр қилсангиз», деб марҳамат қилади. «Барча амалингиз ўзингиз учундир, биргина тутган рўзангиз Мен учун, унинг савобини, ажрини Ўзим бераман», дейди Аллоҳ таоло. Бу ойда қилинган савобли амалларнинг ажри бир неча юз маротаба зиёда қилиб берилади. Кечалари қилинган ибодатларнинг савоби мислсиз зиёда бўлиб, биргина Қадр кечасида қилинган ибодатнинг ажрига

«Минг ойда қилинган ибодатнинг савобини бераман», дейди Аллоҳ таоло. Шунинг учун севимли Пайғамбаримиз бу ойда кечалари ибодатни кўпроқ қилишимиз лозимлигини таъкидлаганлар.

Тўпланганлар кимлар рўза тутмаса жоизлиги, қандай амаллар рўзани бузиши каби масалаларда кўплаб саволлар бердилар. Шайх Ҳазратлари барча саволларга мулойимлик билан батафсил жавоб бердилар. У зотнинг айтган барча гаплари профессор Файзулла Зариповнинг қалбида муҳрланаётгандек эди гуё.

«Ажабо, мен бу одамни бир мулла деб юрсам, бу одам кучли нотик, фавқуллоҳда бой илмга эга катта олим ҳам экан-ку! - деб ўйларди профессор. - Агар университетимизнинг ўқитувчилари ҳам маърузаларини шу кишидек ўқиганларида эди, юз фоиз талаба аълочи бўлиб, тўртинчи курсдаёқ диссертация ишларини бошлаб юборган бўлишарди».

Шайх Ҳазратлари анжуман сўнгида у кишидан дуо умидида бўлганлар ҳаққига узундан-узок дуо қилдилар, ўтганлар руҳига Қуръон тиловат қилдилар.

Шайх Ҳазратларининг маърузалари, мавъизалари хотини айтганидек, профессорнинг қалбига нур олиб кирди. Ҳатто бир-икки марта кўзи ҳам намланди. Эрталоқ масжидга чиқмагани учун ичида ўзини койиди ҳам.

Хуфтон намозига азон айтилди. Ҳалиги гаплардан кейин профессор бурилиб уйига кетолмасди. Секингина туриб, сафдан жой олди. Хуфтон намозини ҳам, таровеҳ намозини ҳам Шайх Ҳазратларининг ўзлари ўқиб бердилар. Намоздан кейин ҳам бир-икки нарсаларни насиҳат қилиб тайинладилар.

- Бу йилги Рамазон ойини «Қалбларни поклаш, ахлоқни сайқаллаш ойи», деб эълон қилдик, - дедилар Шайх Ҳазратлари. - Ҳар Рамазонда биттадан ўзингизда бўлган иллатдан қутулиб бораверсангиз, яқин орада хулқингиз Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хулқларига яқин бориб қолади, иншааллоҳ. Бу йил бизни тинглаб турганлардан биргина нарсани илтимос қиламан. Инсоннинг энг ёмон душмани, ўз ичидаги ғаними - ёлғончилик. Менинг сўзларим кўнглига озгина яхшилиқ уруғини ташлаган биродаримга шу ой ичида умуман ёлғон гапирмасликни вазифа қилиб юклайман. Зора, муборак Рамазон шарофати билан шу иллатдан қутулсангиз. Ёлғон гапиришдан қутулиб олсак, қолгани жуда осон кечади.

Файзулла Зариповнинг тенгдош дўсти, маҳалла имоми ҳожи Абдураҳим домла худди профессорни назарда тутгандек, у томонга ишора қилиб, деди:

- Муҳтарам Шайх Ҳазратлари, бугун сизнинг ташрифингиз шарофати билан масжидимизга илк бора келган биродарларимиз бор, уларнинг ҳаққига ҳам бир дуо қилсангиз!

Шайх Ҳазратлари ҳам худди масжидга янги келган биргина Файзулла Зариповдек, унга қараб, қўлларини дуога очдилар:

- Аллоҳнинг уйига қадам қўйдингизми, ортга қайтишга йўл йўқ. «Мўминни бир қавақдан икки марта чаён чақмайди», деганлар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам. Энди сиз билан биз битта халқадамиз, масжидга келмай қўйсангиз, халқамизнинг битта занжири узилади ва бутун халқа заифлашади. Бунга йўл қўйманг! Ибодатда полвон бўлинг! Аллоҳим барчамизга икки дунё саодатини ато этсин, Аллоҳи таолонинг уйига қўйган қадамларингиз қутлуғ бўлиб, ҳар бир қадамингизга Аллоҳ беҳисоб ажру савобларни ёзсин!

Масжиддан уйига келар экан, профессор Файзулла Зариповнинг қалбини ажиб ҳислар қамраб олган эди. Гуё олам кўзига доимгидан бошқача кўринар, гарчи ярим кечаси бўлса-да, хаёлида чор-атроф чароғондек туюларди. Бир неча соатда у тубдан ўзгариб, бутунлай бошқа одамга айланиб қолгандек эди. Профессор энгил қадам ташлаб борар экан, руҳида ҳам латиф бир энгилликни ҳис қилар, икки-уч ойдан бери кўнглини тарк этмаётган гашлик, муттасил қилаётган ишларидан қониқмаслик кайфияти бутунлай йўқолган эди. Ҳамма уни кўрганда олдингидан бошқачароқ тавозеъ билан салом бераётгандек эди гуё. Бир-бирларига «Ҳа, ана, профессор ҳам аҳли солиҳлардан экан, қара, масжиддан келяпти», дейишаётгандек, ичида бир фахрланишми, намоз ўқиганидан ғурурланишми, шунга ўхшаш ҳислар жунбушга келаётган эди.

Профессор худди ёш боладек қувониб уйига кириб борди. Хотинининг ҳам бошқача бўлиб қолганини кўриб, энди ростдан ҳайратга тушди.

- Муборак бўлсин, дадаси, ўқиган намозларингиз қабул бўлсин, - деб хуш кайфият билан кутиб олган хотини профессорнинг тўнини олиб, илиб қўйди, ёнбошлаган профессорнинг оёқларини уқалаб қўйди.

- Бироз китоб ўқий, - деб Файзулла Зарипов кутубхонасига кирди ва кундузи мутолаа қилган китобини қайта қўлига олиб, Қуръондан олинган ўнта кичик сураларни ўқий бошлади.

«Қул йаа айюҳал каафирун...», «Қул ҳуваллоҳу аҳад...», «Қул аъуузу бироббил фалақ...», «Қул аъуузу бироббиннас...» деб бошланувчи сураларни бир-икки ўқиши билан уларни ёддан билиши эсига тушди. Кўзларини юмиб, ўша сураларни бир-бир такрорлаб чиққач, ўзининг хотирасига қойил қолди. У бу сураларни ҳали мактабга бормасдан туриб ёдлаган эди.

Худо раҳмат қилган бўлсин, отаси намозхон одам эди. Беш вақт намозини қанда қилмас, рўзани муттасил тутар, ҳар йили Қурбон ҳайити куни битта қўчқорни сўйиб, қурбонлик қиларди. Аммо замоннинг зайлига қараб, болаларига намоз ўқитмади. Лекин профессор бугун билди, отаси ўшанда болаларига бир намозлик нарсани, бир мўмин киши билиши лозим бўлган нарсаларни ёдлатиб кетган экан.

«Лаа илааҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур расуулulloҳ»ни кўп айтиб юринглар, шунда у дунёда ҳам бирга бўламиз, - дерди отаси. - Кечаси ёлғиз юрганларингда, бир жойга кираётганларингда, албатта «Аъзу биллаҳи минаш шайтонир рожийм, бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм», денглар, у ердан шайтон қочади. Мана бу тўртта сурани ёдлаб олинглар, кечаси шуларни ўқиб ётсангиз, ёмон тушлар кўрмайсизлар, ҳар хил инсу жинлар зиён бермайди. Бу сураларни «Чор қул» дейишади, Пайғамбаримиз севган суралар булар».

Отаси раҳматли шу тўрт сурани ёддан айтган опаларига ҳар куни йигирма тийиндан пул берарди. Муштдеккина Файзулла ҳам балки йигирма тийин илинжида шу сураларни ёдлагандир, аммо ҳар куни отаси ўргатган калималарни ва ўша тўрт сурани такрор-такрор ўқирди. Биринчи синфга борганида муаллима «Ким нимани ёдлаб келган бўлса айтсин», деганда чиқиб, «Қул хуваллоҳу аҳад»ни айтиб, балога қолган. Директор қулоғини чўзиб, «Бунақа нарсаларни оғзингга олма», деганидан сўнггина отаси ўргатган нарсаларни овоз чиқариб айтишни бас қилган эди. Аммо то мактабни битиргунча ҳам ҳар тунда уйқуга кетишдан олдин тўртала сурани такрорлаб қўярди. Университетда худосизлик фани - атеизмни ўрганди-ю, билганларини ичида айтишни ҳам бас қилди. «Гўл бўлган эканмиз-да», деди.

Лекин гўллик эшигини ўшанда очганини ўзи билмас эди.

- Дадаси, туринг, саҳарлик қиламиз!

Файзулла Зарипов чаққон туриб, таҳорат олди ва саҳарлик дастурхонини тайёрлаб, унинг келишини кутиб ўтирган хотини ва келинининг ёнидан жой олди.

- Келин, сиз ҳам ният қилибсиз-да, - деб қўйди келинининг саломига алик олиб.

- Келинингиз келин бўлиб келганидан бери бирор йил рўзани қолдиргани йўқ, дадаси, - деди хотини. - Етти ёшидан бери рўза тутар экан. Сиз билмайсиз-да, биз қайнона-келин намозларни ҳам бирга ўқиймиз.

- Ҳа, қайнона билан келининг тупроғини бир жойдан олиши рост экан, - деди профессор.

Саҳарликдан сўнг жойнамоз сўраган эди, хотини деди:

- Сиз энди масжидга чиқинг. Беш вақт боролмайсиз, аммо бомдодва таровеҳ намозларини ўқиш учун масжидга чиқмасангиз айб бўлади. Икки юз қадамда масжид туриб, уйда ўқишингиз дуруст эмас. Эркак киши намозини жамоат билан ўқиса, савоби йигирма етти марта, Рамазон ойида эса етти юз марта зиёда савоб оларкан. Хотинларга бу савоб уйда ўқиса бериларкан.

Профессор тўнини кийиб, масжидга йўл оларкан, хотинига ҳазил қилди:

- Бир кунда отанга ўхшатиб мулла қилдинг-қўйдинг!

Шу-шу профессор ҳар куни саҳарлаб масжидга чиқадиган бўлди. Таровеҳни ҳам жамоат билан ўқийдиган, маҳалладагилар таклиф қилишганда ишдан эртароқ қайтиб, бобойларга қўшилиб, ифторликларга ҳам борадиган бўлди.

Файзулла Зарипов бир ой Рамазонда руҳиятида катта ўзгаришлар бўлаётганини англаб борди. У ўзини шу бир ой ичида худди анча улғайгандек ҳис қила бошлади. Кўпгина воқеа-ҳодисалар тўғрисида бошқачароқ мушоҳада қила бошлади. Авваллари иш дебди, илм дебди, билгани уйи ва университет бўлибди. У энди элга қўшилиб, элнинг, маҳалла-қўйнинг ўй-ташвишлари билан ҳам ошно бўлди. Атрофдагиларнинг нима билан нафас олаётганларини англади. Энг муҳими, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Ножоиз жойларга қараманг, кўзингизнинг рўзаси бузилади, ғийбат, фасод гапларни эшитманг, қулоғингизнинг рўзаси бузилади, ношаръий гапларни гапирманг, оғзингизнинг рўзаси бузилади», деган муборак ҳадисларига риоя қилиб, ўқитувчилар орасида ҳам бўлиб турадиган иғво, ғийбатлардан, майда-чуйда баҳслардан ўзини четга олди. Ой давомида жангдаги ўқини тежаган аскар мисоли айтадиган сўзларини тежади. Пайғамбаримизнинг «Кам энг, кам денг, кам ухланг», деган ҳадисларини ўзига шиор қилиб олиб, иложи борича кам гапиришга ҳаракат қилди. Саҳарлик ва бомдод намозидан кейин қайтиб ўринга кирмади ва ҳадисларни мутолаа қилди. Бир неча кичик сураларни ёдлади. Айниқса, Шайх Ҳазратларининг «Сизга шу ой ичида умуман ёлғон гапирмасликни вазифа қилиб юклайман», деган гаплари деярли ҳар куни қулоғида жаранглаб турди ва бир ой ичида бир неча марта ёлғон гапиришга тўғри келган жойда, ёлғон гапирса иши битиб кетадиган жойда, ёлғон гапирса наф топадиган жойда ёлғон гапирмади. Рост гапиргани учун маломатларга қолса-да, ёлғон гапирмади.

Профессор Файзулла Зарипов университет қабул комиссияси раиси эди. Ҳуқуқшунослик факультетига имтиҳон топширган бир абитуриентнинг отаси унинг қабулига кирди. Профессор уни яхши танир, кўпгина катта лавозимларда ишлаган бу кишининг ҳозир бир нечта хусусий ресторанлари, меҳмонхонаси бор эди.

- Домлажон, жиянчангиз шу десангиз... прокурор бўлишни ният қилувди, - ўзининг «олтин захираси»ни кўрсатиб, табассум қилди ресторан соҳиби. - Шу, шартнома асосида ўқийдиганлар қаторидан жой олишга бир балмикан, ярим балмикан, етмай қолибди-да. Шунга озгина ёрдам қилсангиз-у, биз камбағалларнинг боласи ҳам талаба бўлиб қолса, деган илтимос билан келувдим. Бу ёғига ҳар қандай хизматга мана, биз шаймиз, Файзулла ака.

- Ўғлингизнинг «Абитуриент гувоҳномаси»ни беринг-чи, Ҳамид ака, - деди профессор ва Ҳамид ака узатган гувоҳномадаги рақамларга қараб, ҳуқуқшунослик факультетига имтиҳон топширган абитуриентларнинг рўйхатидан унинг ўғлига тегишли маълумотларни топди.

- Анча яхши балл тўплаган экан, - деди профессор қоғозлардан кўз узмай. Ийқилганларнинг ичида тепадан иккинчи ўринда турибди. Имконият бўлади, агар шартнома асосида қабул қилинганлардан икки киши ўқишни истамаса, ўғлингизни албатта чақирамиз, ҳозир битта ариза ёзиб, ташлаб кетсин.

Ҳамид ака пишиқ одам, шартта чиқариб, аризани узатди.

- Бўлди, - деди Файзулла Зарипов. - Энди бирор ҳафта кутасиз, қайси талаба шартнома асосида ўқишни истамаса ёки шартнома пулини белгиланган вақтда тўламаса, ўрнига ўғлингизни чақирамиз, келиб, шартнома пулини тўлаб ўқийверади, ака.

- Ҳамма нарсани тушунаман, - деди Ҳамид ака эшикка бир қараб олиб, овозини пасайтираркан. - Икки талабангиз ўқишни истамаси ҳам дейлик. Кейин бу икки ўринга казо-казоларнинг нечтаси боласини тиқиштириш учун пойлаб ўтирганини ҳам биламан. Ҳозир шундай дейсиз-у, эртага ўғлим қолиб кетиб, ҳов, юз балл ҳам ололмаган Палончиевларнинг боласи ўқиб кетади.

- Ундай эмас, битта ўрин бўшаса ҳам аввал сизнинг ўғлингиздан тепада турган боладан, кейин сизнинг ўғлингиздан, кейин учинчисидан сўраймиз. Улар ўқийман, деб турганда биз тўртинчи ўринда турган болани чақириб ўқитмаймиз.

- Майли, бу гаплар ўз йўлига, - деди Ҳамид ака эшикка яна бир марта қараб олиб. Сўнг ёнидан беш боғлам пул чиқарди.

- Бўладиган гапдан гаплашайлик. Мана бу беш минг доллар пул. Азимжон жиянингиз талаба бўлса бас, шу пул ҳаққи-ҳалол сизники. Камига яна биз хизматдамиз. Азимжон ўқишни битиргунча сизнинг меҳмонларингиз менинг меҳмонларим бўлади. Зиёфати, меҳмонхонаси менинг бўйнимда. Азимжон прокурор бўлиб олса, қолган хизматни ўзи қилади.

- Нима қиялпсиз, Ҳамид ака? Олинг пулингизни, айтдим-ку, иккита ўрин бўшаса, Азимжонингиз ўқийди деб. Пул-мулсиз, ўзи тўплаган балл билан ўқийди.

- Майли, Файзулла ака, ўзи кирсаям майли, шу пулни олинг, илтимос, қайтарманг, менинг кўнглим тўқ бўлсин!

- Кўнглингиз тўқ бўлаверсин, Азимжоннинг ўрнига бошқа бола кириб ўқий олмайди.

Ҳамид ака пулни ташлаб кетишга роса уринди, аммо Файзулла Зарипов пулни олиб қолмади.

Кечқурун, ифторликдан сўнг хотини ва ўғли билан қолганида бу воқеани уларга айтиб берди.

- Икки йилдан бери йиққан пулимиз машинага етмай турувди, олсангиз, эртагаёқ яп-янги «Нексия» олардик-да, дада, - деди ўғли.

- Худо кўрсатмасин, кейин ўша машинада бирор фалокатга учрасак, айбни бировлардан ахтариб юрардик, олмай тўғри қилибсиз, дадаси, - деди хотини. - Ҳаром нарсаси барибир буюрмайди. Ҳаромдан ҳазар қилмаган одам тез бойидим деб ўйлайди. Аммо ундан ҳам тез хор бўлишини билмайди. Бу дунёда хор бўлмаса, охирада албатта хор бўлади.

Орадан беш кун ўтиб, ҳуқуқшунослик факультетидан учта ўрин бўш қолгани аниқ бўлди. Файзулла Зарипов Ҳамид ака қолдирган телефон рақамини ахтариб турганда унинг хонасига факультет декани кириб келди. Салом-алиқдан сўнг бўшаган уч ўринга кимларни чақириб мумкинлиги ҳақида гап бошлади. Уч кишининг исми шарифи ёзилган қоғозни узатди. Профессор унга кўз югуртириб, Азимжоннинг исмини кўрмади. Кейин декан тавсия қилаётган абитуриентларнинг тўплаган балларига кўз югуртирди.

- Буларнинг бали анча паст-ку, Фаррух Фирдавсович? Мана бу Шухратов деганиники юзга ҳам етмаган.

- Тўғри, Файзулла Шарипович, аммо... Шухратов деганимиз... Шавкат аканинг ўғиллари...

- Нима бўпти Шавкат аканинг ўғли бўлса? Шавкат акангиз ўғлини ўқитсин эди вақтида. Энди шу бали билан у талаба бўлса, салкам икки юз балл тўлаб, оғзимизни пойлаб ўтирган болаларга нима деймиз?

- Файзулла Шарипович, ўзингиздан қолар гап йўқ, Шухратов ўн минг «кўк»идан ташлаб кетган, олмайман, десам ҳам мажбурлаб ташлаб кетган... Менга бир сўми ҳам керак эмас. Шуни олинг-да, ўғлини чақиринг. Мен ўша одамнинг олдида ер чизиб қолмасам бўлди. У одам билан ўйнашиб бўлмайди. Кейин мен тинч юролмайман.

- Ўн минг «кўки» денг, - деди Файзулла Зарипов ўғлининг «Яп-янги «Нексия» олардик», деган гапини эслаб. - Шухратов билан ўйнашиб бўлмайди, денг. Майли, сиз бораверинг, ўйлашиб кўрамиз.

Декан чиқиб кетгач, Файзулла Зарипов Ҳамид акага кўнғироқ қилди. Ҳамид ака эшик тагида пойлаб ўтирган экан, шекилли, профессорнинг бўлаётган ишлар ҳақидаги мушоҳадалари тугамасданоқ кириб келди.

- Керакли ҳужжатларни девондан олинг, шартнома тўловларини тўланг. Эртадан Азимжонни ўқишга юборинг, табриклайман!

Ҳамид ака шошиб қолди. Ўрнидан туриб, профессорни кучоқлаб олди. Ёнидан ўша, профессорга таниш долларлар тахламини олди.

- Раҳмат, домлажон, биздан қайтмаса, Худодан қайтсин! - Ҳамид ака пулларни профессорнинг чўнтагига солмоқчи бўлди.

- Қани, жойингизга ўтиринг-чи, - деди Файзулла Зарипов қатъий оҳангда. У жойига ўтиргач, давом этди: - Пулингизни олиб қўйинг, яхши кунларга ишлатинг. Азимжон ўз кучи, ўз билими билан талаба бўлди. Бориб, унияма, онасинияма табриклаб, хурсанд қилиб қўйинг!

- Аммо биламан-ку, домлажон, унга сиз ёрдам қилдингиз. Казо-казоларнинг қанча пулни кўтариб, эшикма-эшик юрганиниям биламан. Мабодо кам деяётган бўлсангиз, айтинг, етса молим, етмаса жоним.

- Қизиқ одам экансиз-ку, Ҳамид ака, - деди профессор. - Бўлди, энди кетинг, бўлмаса мелиса чақираман. «Худодан қайтсин», дедингиз-ку, шунинг ўзи етади. Аллоҳ барчамизни тўғри йўлдан адаштирмасин, ҳаромдан сақласин, ҳалол ризқ берсин!

- Э, яшанг, Файзулла ака, - деди Ҳамид ака эшик томон юраркан. - Ўлай агар, «Университетда шунақа домла бор экан», десам биров ишонмайди.

- Ишонишади, ишонишади, - деди профессор. - Бундан кейин ишонишади. Ҳалол домлалар кўп экан, десангиз ҳам ишонишади ҳадемай...

Файзулла Зариповнинг ҳаётида кўп ўзгаришлар ясаган муборак Рамазон ойи ҳам ўтди. Профессор бирданига бир нимасини йўқотган одамга ўхшаб қолди. Бир ой рўзасини бузиб қўймаслик учун ҳушёр бўлган, оғзига бир нарса солишдан эҳтиёт бўлиб юрган одам бирданига хоҳлаган пайти, хоҳлаган нарсани оғзига солиши мумкинлиги бирикки кунгача унга эриш туюлиб юрди. Аммо энди саҳарликларга туриш масъулияти бўлмаганидан ора-сира бомдод намозига ухлаб қоладиган кунлари ҳам бўлди. Шундай пайтларда кун бўйи профессорнинг таъби хира бўлиб юрарди. Айниқса, кечкурунлари байрамга боргандек, тайёргарлик кўриб, таровеҳ намозларига бориш тўхтагач, кундалик ҳаётдан қандайдир файз кетиб қолгандек туюлди. Ўз устидан бир ой ўрнатган назорати сусайиб, ишхонада бўладиган айрим гап-сўзларга аралашадиган бўла бошлади. Авваллари бундай суҳбатлардан сўнг айрича таассуротга берилмаган Файзулла Зарипов энди бундай гап-сўзлардан сўнг пушаймонлик ҳиссини, ўзини айблаш ҳиссини туя бошлади.

Ана шундай ўзи билан ўзи курашиб юрган кунларидан бирида қўшни маҳаллага амри

маъруфга таклиф қилишди. Саҳарлаб Абдураҳим домла билан қўшни маҳаллага кириб келган профессор овоз кучайтиргичлардан таниш, жонига малҳам бўлгувчи овозни таниди-ю, қадамини тезлатди. Бу овоз профессорнинг Ҳақни танишига, унинг иймон эшикларини қоқишига воситачи бўлган, эътиқоди мустаҳкам бўлишига сабабчи бўлган Шайх Ҳазратларининг овози эди.

- Мана, муборак Рамазон ортда қолди, энди Рамазондаги савобли ишлар, фараҳбахш туйғулар, кўтаринки кайфият, Ҳаққа яқинлик бардавом бўлиши учун нима қилишимиз керак? - дедилар Шайх Ҳазратлари. - Ўзимизни худди Рамазондагидек тутиб, Рамазонда қутулишга ҳаракат қилган салбий одатларимизни бутунлай тарк этишимиз лозим. Азизлар, рўзанинг уч босқичи, уч даражаси бор. Биз шу пайтгача тутган рўзамиз, яъни кундузлари емай-ичмай, нафсимиз ва фаржимизни тийиб юриш билан чекланиладиган рўзамизни уламолар «Омманинг рўзаси» дейишади. Омманинг рўзаси - ҳамманинг рўзаси. Даражаси улўғроқ, иккинчи босқичдаги рўзани уламолар «Хосларнинг рўзаси» дейишади. Бунда нафси ва фаржини тийишдан ташқари, тана аъзоларининг ҳам рўзасига эҳтиёт бўлинади. Яъни кўзлар номаҳрамга қарашдан, қулоқлар ношаръий гапларни эшитишдан, тил ножоиз гапларни айтишдан, қўллар сизники бўлмаган нарсага узатилишдан, оёқлар нораво жойларга бориш, нопок жойга қадам босишдан тийилади. Даражаси энг юқори бўлган учинчи босқичдаги рўза ҳам борки, у хосларнинг хоси тутадиган рўзадир. Ундай рўзани тутган одам нафсини, фаржини, тана аъзоларини тийишдан ташқари, қалбини ҳам пок сақлайди. Ўзини шундай тутадигани, унинг қалбида Аллоҳ таолодан ўзга, Унинг зикридан, Унинг дийдорини кўриш орзусидан бошқа ўй, фикр, ният қолмайди. Энди бундай рўзани санокли одамларгина тутадигани, улар етишган зотлардир. Аммо сиз билан биз биринчи босқичдаги рўзани тутиш машқини олдик, энди секин-секин иккинчи босқичга ўтсак ҳам бўлади. Бу унчалик қийин эмас. Ўрганган рўзамиздан озгина фарқи - тана аъзоларимизни ҳам эҳтиёт қилсак, уларни ҳам рўза туттирсак бўлди. Ана шунда қалбларимиз покланиб боради, ахлоқимиз сайқалланиб боради ва яқин йилларда севимли Пайғамбаримиз алайҳиссалом бизга мерос қолдирган, мукаммал эгаллашимизни васият қилган хулқ соҳиби бўлишимиз мумкин бўлади.

Файзулла Зарипов Шайх Ҳазратларининг холи қолишларини пойлаб, у кишининг дуоларини олишни ният қилди. Шайх Ҳазратлари кетишдан олдин барча ихлосмандларга қўл бериб сўрашган, дуо қилган маҳали ниятига етди ва дилидаги саволини ҳам берди:

- Шайх Ҳазратлари, Рамазон ойининг рўзасидан бошқа рўзалар ҳам борми? Йил бўйи тутишимиз мумкин бўлган рўзалар ҳам борми?

- Бор. Турли нафл рўзалар бор, - дедилар Шайх Ҳазратлари. - Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳар оининг аввалида, ўртасида, охирида уч кундан рўза тутганлари, ҳафта кунларидан эса ҳар душанба ва пайшанба кунлари рўзадор бўлиб юрганлари маълум ва машҳур. Кимки «Амалларим севимли Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амалларига ўхшашини, жаннатда у зот билан бирга бўлишни истайман», деса, унга ана шу рўзаларни тавсия қиламан. Аммо Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам йил бўйи узлуксиз рўзадор бўлишдан, ҳафта кунларидан эса алоҳида ажратиб олиб, жума кунининг ўзида рўза тутишдан қайтарганлар. Аммо пайшанбага ёки шанбага қўшиб тутилса, жума куни ҳам рўза тутса бўлади.

- Аллоҳга шукр, - енгил нафас олди профессор. - Мен энди шу билан келаси Рамазонгача рўза йўқмикан, деб қўрққан эдим.

- Нима учун нафл рўзаларга қизиқиб қолдингиз? - деб сўрадилар Шайх Ҳазратлари профессордан. - Рамазон ойида рўза тутиб, рўзанинг алоҳида бирор фазилатини англаб қолибсиз, чоғи?

- Кўп фазилатини англадим, - деди профессор. - Аммо бир алоҳида хислатига гувоҳ бўлдимки, бу нарса менинг ҳаётимда катта бурилиш ясади. Аммо батафсил сўзлаб берай десам, вақтингизни олиб қўйишдан истиҳола қиляпман.

- Қани, қани? - қизиқиб қолдилар Шайх Ҳазратлари ва профессорнинг билагидан тутиб, яқинларида турган стулга ўтиришга таклиф қилдилар.

Файзулла Зарипов Шайх Ҳазратлари билан ёнма-ён ўтиришган заҳоти уларнинг атрофини одамлар ўраб олишди.

- Қани, сўзлаб беринг-чи? - дедилар Шайх Ҳазратлари. - Истиҳола қилманг, аввало биз шошаётганимиз йўқ, вақтимиз бемалол. Қолаверса, бу нарса одамларга ҳам қизиқ ва фойдали бўлиши мумкин. Сиз айтиб бермоқчи бўлаётган гаплар балки, бошқаларга ибрат бўлар. Марҳамат, бемалол гапиринг!

- Очиғини айтсам, сизнинг маърузангиздан кейин бу йил умримда биринчи марта рўза тутдим, - деб гап бошлади профессор. - Эсингизда бўлса, бизнинг маҳалламиздаги масжидда Рамазоннинг илк кунда барчамизга бир нарсани вазифа қилиб юклаган эдингиз. Ҳар Рамазонда хулқимизда бўлган биттадан иллатдан қутулиб боришимизни тавсия қилиб, «Сизга шу ой ичида умуман ёлғон гапирмасликни вазифа қилиб юклайман», деган эдингиз. Сиз бу гапни айнан менга айтмадингиз, ҳаммага айтдингиз, аммо мен тарафга қараб туриб айтгандингиз. Рамазон ичида сиз бизга юклаган шу вазифани ўзимга шиор қилиб олдим.

Бошида тарки одат амри маҳол бўлиб, бироз қийналдим. Аммо бора-бора баъзан билиб-билмай, баъзан иш юзасидан мажбур бўлиб, баъзан шунчаки, эътиборсизлик қилиб гапирадиган ёлғон гапларимиздан ҳазар қиладиган даражага келдим. Кўп идораларга ишим тушиб борганимда биргина ёлғон сўз ишлатсам, ишим битиб кетарди, аммо «Рўзам бузилмасин», деб ўзимни тийдим. Текширувчилар келишди, биргина ёлғон гап айтсам, ўзимнинг айбим очилмас, кейин ҳамкасбларимдан маломатга қолмас эдим. Аммо «Рўзам бузилмасин», деб ўзимни тийдим, рост гапириб, ташвиш орттириб олдим. Яқиндагина ўғли ўқишга кирганида мени ёрдам берди, деб ўйлаб беш минг доллар пулни таклиф қилган одамга бир оғизгина «Ҳа, мен ёрдам қилдим», десам, ўша пуллар меники бўларди. Аммо «Рўзам бузилмасин», деб ёлғон гапирмадим. Хуллас, рўзам сабаблигина кўп бора ёлғондан ўзимни тийдим. Аммо энди рўза йўқ. Рўза бўлмаса, «Рўзам бузилмасин», деган қўрқув бўлмаса, баъзан мажбур бўлиб, баъзан нафсим устун келиб, ёлғон гапириб қўймасмиканман, деган шубҳам бор эди. «Қани эди ўн икки оининг барчаси Рамазон бўлса-ю, биз рўзадор бўлиб, рўзанинг ҳурматида гуноҳларимиздан тийилиб юрсак», деб орзу қилувдим. Аммо мана, муҳтарам Шайх Ҳазратлари, нафл рўзаларни санаб бердингиз, энди мен Пайғамбаримиз тутган рўзаларни муттасил тутишга аҳд қилдим. Зора, хулқимдаги бошқа иллатлардан ҳам бутунлай қутулсам.

- Барча нарсага қодир бўлган Зот – Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин! - дея Шайх Ҳазратлари ўринларидан туриб кетдилар ва профессор Файзулла Зариповни маҳкам бағирларига босиб, дедилар: - Меҳрибон Аллоҳим қалбингизга ҳақиқий иймон нуруни жойлабди. Сизни покиза ҳидоятга мушарраф қилибди, муборак бўлсин!

Шайх Ҳазратлари атрофда турган одамларга мурожаат қилдилар:

- Бу айтилганлар сизларга ҳам ибрат бўлсин! Ҳар бир ибодатни англаган ҳолда адо этишни, қилган ибодатингиздан роҳат қилишни ўрганинг. Келинлар, азизлар, биродаримизнинг ҳаққига дуо қилайлик: Аллоҳ таоло бу биродаримизга ҳақиқий иймонни бергани рост бўлсин, ўзлари аҳд қилганларидек, ибодатлари бардавом бўлиб, ахлоқлари сайқалланиб боришларини, қалблари, руҳлари покланиб, Аллоҳ суйган бандалардан бўлишларини, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга Кавсар ҳовузи атрофида бирга бўладиган умматлардан бўлишларини Аллоҳ бу кишига ҳамда сизу бизларга ҳам насиб қилсин! Омин, Аллоҳу Акбар!

“Қадр”ни қадрланг, болажонларим!



Балки сиз ҳам болалигингизда бир эртакнамо афсонани тинглагандирсиз. Унда айтилишича: “Лайлатул қадр бу улкан лайлак учиб ўтадиган кеча бўлиб, ким бедор бўлиб, унинг келишини кутиб ўтирса ва уни кўрса, кўрган пайтида ниманики ушлаб олса, ўша олтинга айланиб қолади, ёки ўша заҳоти бирорта тилагини айтишга улгуриб қолса, ўша тилаги албатта амалга ошади. Бу лайлак осмонда кўринганида атроф ёришиб, худди қуёш чиққан мисол порлаб кетади”. Болалигимизда бувиларимиздан эшитган бу афсоналарга биз ҳам чиппа-чин ишонардик. Яна шундай бир ривоят юрарди: “Бир келинчак ҳали ёшига тўлмаган чақалоғини эмизиб ўтирганда, устидан лайлатул қадр учиб ўтибди. Ўша пайтда кўрқиб кетган келинчак чақалоғини қучоқлаб олган экан, боласи тиллага айланиб қолибди. Роса камбағал оила бўлган бу хонадон тиллага айланган боланинг бир четидан озгинасини олиб, уни сотиб, ўша пулга тирикчилик қила бошлабди. Келаси йили яна шу келинчак лайлатул қадрни кўрибди. Шунда тилак тилаш хаёлига келиб, менга тилла керак эмас, боламни қайтариб бер”, дебди. Боласи ўша заҳоти яна инсонга айланиб қолибди. Лекин қарашса, битта жимжилоғи йўқ экан. Бир йиллик рўзгорга чақалоқнинг битта жимжилоғи кифоя қилган экан”.

Бу афсонаю ривоятларни айни ўринда нима учун эсладик? Биз катталар ўзимиз қачондир адашиб, “Лайлатул қадр»ни улкан лайлак деб ўйлаганимиз, мана бугун асл ҳақиқатни англаб, унга амал қилишга ҳаракат қилаётганимиз учун, жондан азиз фарзандларимизга бугунданок ўша ўзимиз тинлаган ёлғон эртакларни эмас, асл ҳақиқатни тушунтирмоққа ҳаракат қилайлик.

Хўш, бугун бизнинг болаларимиз “Лайлатул қадр” нима эканлигини билишадими? “Ҳа, албатта”, деб жавоб беришдан олдин болаларингизга савол билан муурожаат қилиб кўринг: «Сен Лайлатул қадр нима эканлигини биласанми?» Кейин уларнинг жавобларига диққат билан қулоқ тутинг. Жавобдан сўнг эс фарзандингизга бу кеча ҳақида яна нималарни айтиб бериш лозимлиги борасида ўзингизда тушунча пайдо бўлади. Бу кечанинг инсон ҳаётида қанчалик муҳим эканлигини англатишга ҳаракат қилинг. Боланинг тасавури сизники каби бўлмаганлигини инобатга олган ҳолда, оддий ва содда ўхшатишлар билан, кўрғазмали қуроллар билан буни тушунтиришга уриниб кўринг. Масалан, лайлатул қадрнинг минг ойдан ҳам яхшироқ эканлиги айтилмоқда. Демак, шу биргина тунда қилинган ибодат минг ой ҳар тунда қилинган ибодат билан тарозининг икки палласига қўйилса, қадр тунида қилинган ибодат паллани босиб кетади. Бола минг ойни тасаввур қила олмагани учун, унга рақамлар билан тушунтиришга ҳаракат қилинг. Масалан, минг ой – бу мингта ўттиз кун дегани. Бу эса ўттиз минг кун дегани. Мана тарозининг бир палласида 1 тун, иккинчи палласида 30 000 тун. Лекин ўша ўттиз минг тундан кўра бир тун оғирроқ келади.

Фарзандингиздаги қадр кечасини кутишга бўлган иштиёқни ўша кун эмас, балки аввалроқдан уйғотишга ҳаракат қилинг. Урфда кутиладиган 27 кечага неча кун қолганлигини эслатиб туринг. У ўта муҳим воқеа яқинлашаётганлигини ҳис қилиб турсин. Ўша кун келганда эса кундузи фарзандингизнинг яхши ҳордиқ чиқаришига шароит яратиб беринг. Унга тунда бедор бўлиш учун кундузи яхшилаб дам олиш, ухлаш лозимлигини тушунтиринг. Тундаги ибодатларни адо этишга уни ҳам қақиринг, аммо мажбурламанг. Чарчаб қолса, ўз ҳолига қўйинг. Ухлаб қолса, уйғотманг. Кечанинг қанчадир қисмини сиз билан бирга бедор ўтказганининг ўзи кифоя. Унинг бу ҳаракатларини рағбатлантиринг. Эртасига унга жуда улғу иш қилганлигини айтиб, хурсанд қилинг. Шунда болада келаси йили ҳам бу кечани кутишга хоҳиш пайдо бўлади, келаси йилгача анча улғайган бола кечанинг янада кўпроқ қисмини бедор ўтказа олади.

Шу руҳиятда улғайган фарзандларимиз, иншааллоҳ, йиллар ўтиб, нафақат урф бўлган 27 кечани, балки Рамазоннинг ҳар бир тунини Қадр илинжида бедор ўтказсалар ажаб эмас. Аллоҳдан барчамизга, ширин-шакар фарзандларимизга Рамазон ибодатларини гўзал тарзда бажариб, ажру мукофотларга эришмоқлик насиб этишини сўраб қоламиз.

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

Саҳифамиз «Таҳлил» деб аталар экан, албатта мақоламиз ҳам бирон мавзунинг ёки ҳолатнинг таҳлиliga бағишланган бўлади. Аниқроқ айтадиган бўлсак, ушбу саҳифада Рамазон ойи ва айниқса Қадр кечаси борасида сўз юритмоқчимиз. Бу ўринда ҳар биримиз ўз ҳолатимизни, имкониятимизни, амалларимизни таҳлил қилиб кўрсак, фойдадан холи бўлмайди, албатта.

Биламизки, Қадр кечаси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам умматларигагина берилган неъматдир. Биздан аввалги даврларда яшаган аждодларимизга, уларнинг узоқ умр кечирганларига ҳавас қиламиз. Аммо ўзимизга берилган шундай улкан неъматнинг қадрига етамизми, шукрини қиламизми?

Кўпчилик ҳамюртларимиз (шахсий кузатувларимдан келиб чиқиб) Қадр кечасини кутишда кўпчилик бўлиб йиғилдилар, албатта тунни дастурхон устида яримлатадилар, озгина ибодат қиладилар-у, кейин “чарчаб қолиш ҳам яхши эмаслигини” эслатиб, яна дастурхонга ўтирадилар. Аввало, Қадрни кутишга бўлган интилишнинг ўзи яхши, шунинг ўзи ҳам хайрли қадам. Аммо эслатмоқчи ва айтмоқчи бўлганимиз, гўё олдимиздан катта анҳор оқиб ўтяпти-ку, бир пиёлагина сув ичиб, бўлди, деяётгандекмиз. «Анҳорнинг суви фақат бир йилда бир мартагина оқади, шундан заҳира қилиб ол», деган гапга эътибор ҳам бермасдан, анҳорнинг бўйида ўтириб олиб, унинг салқинидан ҳузурланиб, ҳамма сувни оқизиб юбораётган инсонга ўхшаймиз.

Инсоф билан мулоҳаза қилиб кўрайлик-чи, биз Қадр кечасидан ақлимиз, савиямиз ва имкониятимиз етганича фойдалана оляпмизми? Албатта, ҳаммада ҳам Қуръонни қироат қилиш илми йўқ, аммо билганларимиз ҳар йили бу кечанинг улуғлигидан фойдаланиб қолиш учун шу кечада хатм қиляпмизми? Шу кунни тунда бедор бўлишга куч йиғиш учун, кундузи уй юмушларию, тирикчилик ташвишларини бир оз нари суриб, ором олиб, бу улуғ кечага тайёргарлик кўряпмизми? Кечанинг келишини (баъзи байрамларнинг келишини кун санаб кутганимиз каби) кун санаб кутяпмизми? Бу кун аслида қандай кун эканлиги ҳақида ўқиб ўрганяпмизми, фарзандларимизга ўргатяпмизми?

Тасаввур қилинг, сизни жуда катта, сиз тасаввур ва орзу қилмаган даражада зиёда маош билан бир жойга ишга олишмоқчи. Имтиҳон бир кун, аммо бу бир кун қайси эканлиги аниқланмаган, шунинг учун имтиҳон ойнанинг ҳар кунда топширилиши керак. Бир йилда фақат бир ойгина имтиҳон бўлади.



Агар ундан муваффақиятли ўтсангиз, шу ишга қабул қилинасиз ва кейин кундалик моддий муаммолардан батамом халос бўласиз. Хўш, сиз нима қилган бўлардингиз? Албатта, бир йил мобайнида шу имтиҳонга тайёрланиб, бир ой ҳар кунни уни топширардингиз. Бирон кунини ҳам қолдирмасдингиз. Чунки ҳар кунни асосий кун бўлиши мумкин. Энди хаёлдан ҳаётга қайтсак, Рамазон ўша бир ой, Қадр ўша биттагина асосий кун. Аммо уни топиш учун ҳар кунни имтиҳон топшириш керак. Кейинги фаровон ҳаёт эса минг ой ибодат қилганлик савобини қўлга киритиш. Зотан, бу фоний дунёдаги бир ҳовуч мол-дунёдан таққослаб бўлмас даражадаги юксак мукофотдир.

Аллоҳ барчаларимизга бу ойга етиб келиш имконини берган экан, ҳаёт берган экан, демак, ақл эгалари бўлган биз инсонлар унинг қадрига етиб, ундан қувватимиз етганча фойдаланиб қолмоғимиз даркор. Амал қилишни эса ҳамма ўзидан бошлагани дуруст. Айниқса биз аёллар она ўлароқ фарзандларимизга катта ўрнакмиз. “Қуш уясида кўрганини қилади”, дейишганидек, агар бу тунга аввалдан эътиборимиз ва ҳурматимиз бўлса, фарзандларимиз шу руҳиятда улғайсалар, улар ҳам катта бўлганларида Рамазонни ва ундаги Қадр кечасини интиқлик билан кутадиган инсонлардан бўлиб етишадилар, иншааллоҳ!

Аллоҳдан барчаларимизга иймонда, Ислолда собитқадам қилишини, Рамазон ойида қилаётган барча ибодатларимизни Ўз даргоҳида қабулу мақбул айлашини, билиб-билмай қилган гуноҳларимизни эса ушбу ойнанинг улуғлиги ҳурматидан Ўзи мағфират этишини сўраб қоламиз. Омин!

Ирода Аслбекова

ТАРОВИҲ НАМОЗИНИНГ СОҒЛИҚ УЧУН ФОЙДАЛАРИ

Уламолар намознинг руҳий ва сихҳий фойдалари борлигини таъкидлашади. У таҳоратдаги ҳаракатлардан бошланиб, намоздаги такбир, қиём, рукуъ, сажда, қаъда ва салом бериш билан тугайди.

Мусулмонлар бир кунда беш маҳал фарз намозни адо қиладилар. Бунга яна нафл намозларни қўшадилар. Рамазон ойида хуфтон намозидан кейин йигирма ракъат таровиҳ намозини адо этадилар.

Энди таровиҳ намозининг фойдаларини шарҳлашга ўтамиз:

Таровиҳда инсон жисмидаги ҳар бир аъзонинг мускуллари учун баданий машқлар бордир. Текис турганда, таранглик ва бошқа вақтларда мускулларнинг сиқилиши зарурий кўникмани ҳосил қилдиради. Бундай ҳаракатлар аъзоларга керак бўладиган кислород ва озучавий моддаларни яхши етказиб беради. Ва бу ҳаракатлар қон томирларининг кенгайишига ва қоннинг энгил ҳаракатланиб, юракка қайтишига йўл очади. Юрак мушакларига қувват бериб, қон оқимини яхшилайдди.

Ифтордан кейинги қон босимини меъёрлаштиради. Ифтордан олдин қондаги инсулин миқдори кам бўлади. Овқатланишдан бир соат ўтгач, глюкоза ва инсулин миқдори орта бошлайди. Жигар ва мушаклар қонга глюкозани чиқаришни бошлаб, бир-икки соат ичида қондаги қанд миқдори энг юқори даражага етади. Ва шу вақтда таровиҳ намозининг фойдаси билинади.

Жисмнинг эгилувчанлигини ва мувозанатини яхшилайдди. Асабийлик, ғам ва безовталиқни энгиллаштиради.

Таровиҳ намозини адо қилиш вазни камайтиришда яхши натижа бериб, жисмда ёғларнинг йиғилиш жараёнини сусайтиради.

Фарз ва нафл намозларни мунтазам равишда адо қиладиган мўминлар хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин, кўп фойда оладилар. Ёши катталар асосан шу ёшларда учрайдиган суякнинг мўртлашиши хасталигига кам дучор бўладилар. Ва қарилик даврларида соғ-саломат, ҳузур ва ҳаловатда яшайдилар.

Таровиҳ намозининг озишга ҳам яхши фойдаси бор. Бир нечта вуқуф, рукуъ ва саждаларни ўз ичига олган бу намозни адо этиш учун кунига бир соатдан кам бўлмаган вақт талаб этилади ва у ортиқча ёғлардан халос бўлишга ёрдам беради. Агар ифтордан кейин хуфтон ва таровиҳ намозларини адо этиш учун пиёда юриб масжидга борилса, озучавий моддалар алмашинуви янада яхшиланади ва каллориялар сарфи ошади.

Намоздаги ҳар бир ҳаракат – биринчи такбирдаги қўлни кўтаришдан то охирги саждагача бўлган кундалиқ машқлар суяклар, мушаклар, тананинг ҳар бир аъзоси, елка, умуртқа, бўйин, қўл, тирсак, ҳаттоки оёқларнинг учигача мустаҳкамланишига ёрдам беради.

Биринчи такбир кўкрак қафасини ва умуртқани кенгайтириб, нафас йўллари очади ва икки елка мускулларига қувват беради. Рукуъ эса куракнинг текисланишига ва умуртқа дискларининг бир-биридан узоқлашиб, уларнинг ораси очилишига жуда фойдали машқдир. Шунингдек, рукуъ оёқлардаги ёғларни суюлтириб, уларнинг мушаклари ёғланишига ва оёқдаги қон айланиш тизимининг фаоллашувига сабаб бўлади.

Сажда курак, тос, болдир ва оёқ суякларининг ҳаракатларини яхшилайдди. Тос соҳасидан қолган жойларга қон қуйилишини энгиллаштиради. Умуртқанинг эгилувчанлигини оширади ва нафас олишни яхшилайдди.

Инсон учун кунига уч мил масофага юриш ёки югуриш соғлиқни сақлаш учун кифоя қилади. Хуллас, таровиҳ намозининг фойдалар ниҳоятда кўп. Кунига ўқиладиган беш маҳал фарз намозларидаги такбир, қиём, рукуъ, сажда, ташаҳҳуд ва ва яна уларга таҳорат олиш ва рўзани қўшсак, кун давомида инсон танасининг барча қисмлари ҳаракатда бўлади.

Намознинг яширин фойдаларидан яна бири қорин мушакларини бақувват қилади. Бу дегани қорин соҳасида ёғларнинг йиғилишига тўсқинлик қилиб, семизликда учрайдиган дармонсизликдан халос қилади. Тана тузилишининг бузилиши олдини олиб, унинг кўркамлигини оширади. Намоздаги ҳаракатлар ичак ҳаракатини яхшилайдди ва ич қотиш ҳолатини камайтиради.

Намознинг тезтаъсир қиладиган фойдаларидан бири руҳий таранглиқни кетказиб, нафсга роҳат ва хотиржамлик беради. Шу билан бирга, намоз ўқувчининг асаблари тинчланади ҳамда унинг қалбига сокинлик, вазминлик, виқор, нур бериб, асаб таранглигининг олдини олиш имкониятини яратади ва кучли сабр ато этади.

Инсоннинг бошига тушадиган ғам-ташвиш, оворагарчилик ва синовлар унинг иймонини заифлаштиради. Таровиҳ намози эса инсоннинг иймонини ва эътиқодини мустаҳкамлайди. Аллоҳ ҳар бир дардни давоси билан туширган бўлиб, бу Унинг бандаларига раҳматидир. Шундай ҳолатларда қуйидаги оятда келган амрга амал қилиш зарур: **«Сабр ва намоз ила ёрдам сўранг. Ва албатта, у чин дилдан қўрқувчилардан бошқаларга жуда катта ишдир»** (Бақара сураси 45-оят).

Араб тилидан Назокат Касимова таржимаси



Муборак рамазон ойининг кириб келиши барчаларимизнинг қалбларимизни гўзалликка, нурга чулғайди. Ибодатларни мукамал бажаришга, бекаму кўст адо этишга интиладиган гўзал ойдир Рамазон. Аммо, афсуски айрим уй бекалари бу қимматли вақтни Қуръон тиловати ва ибодат билан эмас, балки ошхонада турли туман егуликлар тайёрлаш билан ўтказадилар. Рамазон меҳмондорчилик ойи эмас! Аксинча уламолар ҳам, шифокорлар ҳам бу ойда енгил, тез ҳазм бўладиган таомларни тановул қилишни тавсия қиладилар. Шунда Рамазондан кўзланган мақсадга эришамиз иншааллоҳ! Биз эса бу саҳифада нафақат енгил ва тез ҳазм бўладиган, балки шу билан бирга осон тайёрланадиган, ибодат учун вақтингизни тежайдиган таомлар рецептини тавсия қилмоқдамиз! Марҳамат! Рамазонни ибодатда ўтказинг!

Творог ва асалли анжир.

Керакли маҳсулотлар:

Анжир;

Ёғли, қуруқ бўлмаган творог;

Асал:

Майда тўғраб, қуритилган чучук булғор қалампири.

Творог, асал ҳамда қизил булғор қалампирини аралаштирамиз.

Анжирда кесиклар қилиб, ичидаги бўш жойини очиб чиқамиз. Анжир ичига тайёрланган аралашмани солиб, тўлдирамиз. Сўнг 5 дақиқага газ печига 200 градусга қўямиз. Ора-орада қараб туринг, булғор қалампирини жуда қуришиб юборманг.

Дастурхонга тортаётганингизда лимон ўти барглари билан безатсангиз, чиройли бўлади.

Ялпизли шарбат

Керакли маҳсулотлар:

2-3 дона лимон;

2,5 литр сув;

1 боғ ялпиз;

100 гр шакар.

Тайёрланиши:

Лимон шарбатини сиқиб оламиз.

Сувга шакарни қўшиб қайнатамиз, сўнг суви сиқиб олинган лимон пўсти ва ялпизни қўшиб, яна 5-7 дақиқа давомида қайнатамиз.

Кейин тайёр бўлган қиёмни совутаамиз.

Совуган қиёмдан ялпиз ҳамда лимон пўстини олиб ташлаймиз.

Сўнг графинга сузгичдан ўтказамиз ва унга сиқилган лимон шарбатини қўшиб, яхшилаб аралаштираамиз. Ёзнинг жазирама кунларида бундай шарбат аини роҳатбахшдир.

Римча илиқ салат

Икки кишилик салат учун керакли маҳсулотлар:

300 гр лаҳм мол гўшти;

6 дона шампиньон қўзиқоринлари;

1 боғ руккола ёки кутэм кўкати;

2 ош қошиқ соя соуси;

1-2 дона саримсоқ пиёз;

2-3 ош қошиқ зайтун ёғи;

1 ош қошиқ лимон шарбати;

Таъбга кўра мурч.

Тайёрланиши:

Лаҳм мол гўштини юпқароқ ва унча катта бўлмаган бўлақлар шаклида тўғраймиз. Сўнг 1 чой қошиқ соя соусини қўшиб, 1-2 дақиқа давомида ўсимлик ёғида қовуриб оламиз.

Шампиньон қўзиқоринларини ювиб, тозалаб, паррак-паррак қилиб тўғраймиз ва уларни ҳам ёғда бир оз қовурамиз.

Зайтун ёғи, соя соуси ҳамда майдалаб тўғралган саримсоқ пиёздан салат учун соус тайёрлаймиз.

Катта чуқурроқ ликопага руккола ёки кутэм кўкатларини соламиз. Атрофига қовурилган гўштни териб чиқиб, устига шампиньонларни сочиб чиқамиз. Сўнгра мурч сепиб, соусни қўйиб чиқамиз. Салат илиқ ҳолда дастурхонга тортилади. Ёқимли иштаха!

Гўзал Дадамухамедова



Толиб уйига қайтаркан, йўлини ҳар кунгидек, Шаҳобнинг дўконига қараб бурди.

Улфатлари аллақачон иккита шишани «қулатишибди».

- Келдингми, Толиб, қаёқларда қолиб кетдинг? Биз бошлаб юбордик, - деди Бахтиёр.

- Толибга «иштаранной» қилиб қуй! - деди Суннат.

Тоҳир икки юз граммлик стаканга тўлдириб ароқ қуйиб, Толибга узатди.

- Орқасига ҳам қуй-ей, баччағар! - деди Толиб стаканни оларкан. - Урдик!

Толиб бир кўтаришда стаканни бўшатди.

- Яна битта олсанг, бизларга етиб оласан, - деди Бахтиёр.

Толиб улфатларига етиб олди ва ҳаммалари уларгача яшаб ўтган барча ароқхўрларга етиб олиш учун кетма-кет шиша бўшатишга тушдилар.

Дарвозахонада ниманингдир тарақлаб кетганидан уйғониб кетган Сора соатга қаради: тунги икки. Шоша-пиша дарвозахонага қараб юрди. Эри экан.

- Ҳа, қисир сигир, ухлаяпсанми, кун ботмасдан, товукқа ўхшаб? - ўшқирди деворга суянган Толиб.

- Кечаси иккида ухламай нима қиламан? - деди Сора. - Сизнинг юришингиз ҳар куни шу бўлса.

Сора эрини қўлтиқлаб, ичкарига олиб кирди. Ўрнига ётқизаркан, пичирлади:

- Бақириб ётманг, Моҳирани уйғотиб юборасиз, мана, чойнақда чой, шишада сув, ҳаммасини тайёрлаб қўйибман. Қисирлигимга келсак, ҳар куни икки-учда келмай, эртароқ келсангиз, қийшайиб келмай, тўғри келсангиз, уйингиз болага тўлиб кетарди. Қисир бўлсам, Моҳирани ким туғиб берди сизга?

- Бу ёққа кел! - бақирди Толиб чиқиб кетаётган хотинига.

- Минг марта айтганман, ичган кунингиз сизга яқин ҳам бормайман, деб.

Сора яқин бормагани билан Толиб яқин келиб, қизининг ёнида ётган Соранинг сочидан тортди. «Борасан» ва «бормайман»ларнинг охири доимгидек, Толибнинг муштлашлари ва тепкилашларига уланиб кетди. Ҳаммаси қўрқиб уйғониб кетган Моҳиранинг қичқириви билан тугади:

- Дадажон! Аям ўлиб қолади! Бўлди қилинг!

- Ҳе-е... - Толиб сўкинганча чиқиб кетди.

Моҳира онасининг сочларини силаб, овутган бўлди. Сора йиғлаб-йиғлаб, ухлаб қолди.

Моҳира уч ёшлигида унинг битта ўғил укаси ҳам туғилган эди. Аммо бола уч ой ҳам яшамади. Унинг бўйни бошини тутиб туrolмас эди.

- Бу эрингизнинг муттасил ароқ ичишидан,

- деди болани, уни, эрини яхшилаб текширган врач. - Ичганидан кейин қирқ кун ўтмагунча яқинлик қилманг, акс ҳолда яна шунақа бола туғилади. Эрингизни даволатиш керак. У алкоголик бўлиб қолибди.

Сора эрининг ака-укаларига айтиб, уни мажбуран даволатишди. Аммо Толиб биринчи ишини битирган куни ғирт маст бўлиб келди.

Қашқадарёда бир азайимхон бор экан, ўқиб, ичмайдиган қиларкан, деб эшитган Сора эрини Қашқадарёга олиб борди.

Азайимхон Толибга ёмон қасам ичирди:

- Ичсам, эшак бўлай!

Орадан бир ой ҳам ўтмади. Толиб тўрт оёқлаб кириб келди: уни қасам урган эди...

Бахтиёр тўй қилди. Бахтиёр тўй қилади-ю, Толиб уйида ўтира оладими? Бахтиёр тўй қилади-ю, Толиб ишга борадими? Бормайди!

Икки кун олдин йиғилиб, Бахтиёрникига борган улфатлари тўй ўтганидан икки кун кейин тарқалишди.

Сора бориб, етаклаб келмаса, Толиб ҳали бугун ҳам келмасди.

- Нимага бировнинг тўйини буздинг? - ўшқирди Толиб дарвозадан кирганидан. - Сен бориб, мени олиб келмаганингда улфатларим билан яхши ўтирувдик.

- Уят ҳам керак, - деди Сора. - Тўйга кетганингизга бир ҳафта бўлди. Сиз билан пияниста улфатларингиз у уйга янги келин келганини ҳам билмасаларингиз, келин тушган уй чиллала бўлишини ҳам билмасаларингиз. Индамасам, келиннинг чилласи чиқса, кейин келармидингиз?

- Ҳамма нарсани сен биласан, сен қари қарға биласан! - қўлига илинган нарсани хотинига ота бошлади Толиб.

Отилмаган, синмаган чойнак, пиёла, коса, гулдон деган нарса қолмади.

Соранинг бахтига шу Моҳира бор. Моҳира келиб қолди-ю, Толиб ювош тортиб, ўзининг хонасига кириб кетди. Биттагина фарзанди бўлгани учун Толиб Моҳирани қаттиқ яхши кўрар, уни хафа қилмасликка ҳаракат қилар, ундан озгина ҳайқарди ҳам.

Моҳиранинг қарашлари бошқача. Ҳали эндигина ўнга кирган қизча жиддий тикилиб қараса, унча-бунча одам ўзини йўқотиб қўяди. Сора кўпинча Шаҳобнинг дўкони олдида қолиб кетган Толибни олиб келиш учун шу Моҳирани юборади.

- Дада, уйга кетдик! - дейди Моҳира дадасига қовоқ уйиб.

Толиб бир сўз демай, унга эргашади.

Толибнинг ўзи яхши уста. Бир ишласа, битта иморатни битиргунча ичмайди. Аммо бир ичса, ўша иморатни қуриш учун олган пули тугагунча ичишни тўхтатмайди. У пул тугаса, Сора кечалари ой ёруғида кўзининг нуруни тўкиб, тикиб сотган кашталарининг пулини ҳам тортиб олиб, ичади. Ёки ўша кашталарни ўғирлаб чиқиб, ароққа алмаштириб келади.

- Сора, қаердасан? - бақирди пешинга яқин хонасидан бошини чангаллаб чиққан Толиб. - Бошим ёрилиб кетади ҳозир. Битта ароққа пул бер!

- Уйда пул қолибдими, дадаси? - деди Сора.

- Уч кундан бери уйдан чиқмай ичасиз, бу ичишингизда пул қоладими? Отангиздан бир сандиқ тилло қолган бўлсаям, шу вақтгача тугаб кетган бўларди.

- Яхши эслатдинг, қани, сандиғингни оч! - буюрди Толиб.

- Сандиқ ланг очик, ичида ҳеч нарса қолмаган, - деди Сора. - Истаганча кавлайверинг!

Толиб хотини ва қизи ётадиган хонага кириб, тахмонда турган сандиқни очди. Ичидаги нарсаларни атрофга соча бошлади. Бировга сотса бўладиган нарса чиқмади. Сандиқ тубида битта кашта бор экан, шуни қўлтиғига уриб, ташқарига чиқди.

- Энди сизни Худо урибди! - каштага ёпишди Сора. - Бу Моҳирага деб тикиб қўйган каштаму, ноинсоф! Бошқалар қизи туғилгандан сандиғига сеп солишни бошлайди. Мен сизнинг дастингиздан унинг сандиғига бир кийимлик мато ташлай олмадим. Биттагина каштани унга атаб сақлаб юргандим. Энди шунга ҳам кўз олайтирдингизми? Уялмайсизми?!

- Бошқасини тикиб олаверасан, сен каштачисан-ку! - дарвозага қараб йўналди Толиб.

- Ноинсоф, унга Моҳирангизнинг исмини ёзганман, - зорланди Сора. - Қандай қилиб бировга сотасиз?

- Бошқа каштага қизингнинг отини ёзолмайсанми? Ёки бу каштангни олган одам

қизингнинг исмини сўтиб ташлай олмайдими? Жа бўлмаса Моҳира деган қизи борларга сотаман, - ҳиринглади дарвозани очар экан Толиб.

Сора қон қақшаб, эрини қарғаб қолаверди. Толиб эса нажот фариштасини қучоқлагандек, каштани қўлтиқлаб, гузарга чиқиб кетди.

- Аяжон, эртага Рамазон экан-а? - хурсанд бўлиб кириб келди Моҳира.

- Ҳа, қизим, эртага Рамазон ойи бошланади, - деди Сора. - Насиб бўлса, эртадан яна рўза тутамиз, жоним.

Моҳира дафтархалтасидан иккита букланган қоғоз чиқарди.

- Бу Рамазон тақвими, аяжон, саҳарлик ва ифторлик вақтлари ўзимизнинг вақт билан кўрсатилган, - деди Моҳира.

- Соатни олиб кел, қизим, - деди Сора. - Эсим борида соатнинг уйғотгичини саҳарликка турадиган вақтимизга тўғрилаб қўй.

Моҳира соатни олиб келди. Сора соатнинг мурватини бураб, уйғотгичини тунги учга тўғрилаб қўйди.

- Саҳарликка атала қиласиз-а, аяжон? - деди Моҳира кўзлари чақнаб. - Рамазонда пиширадиган аталангизни соғиндим.

- Албатта пишираман, жоним, - деди Сора. - Озгина гўшт, зиғир ёғ, оқ ун олиб келиб қўйдим. Атала ҳам қиламиз. Ифторликка ҳам сен яхши кўрган дўлма пишириб қўяман. Карам ҳам олиб келганман.

- Унда мен тоқларнинг янги баргларида териб келаман, - деди Моҳира. - Сиз ток баргидан қилинганини яхши кўрасиз-ку!

Шу пайт дарвоза тарақлаб очилди-ю, гандираклаб келаётган Толиб кўринди.

- Ҳа, асал қизим, новвот қизим, аянг билан нимани бунча гаплашяпсизлар? - уларнинг ёнига ўтирди Толиб. - Мени ғийбат қиляпсизларми? Ҳа, яна ичиб қўйдим. Анави Бахтиёр тоғанг билан Суннат тоғанг қўймади, озгина ичдим-да, қизим.

- Бизлар нима тўғрисида гаплашаётганимизни айтайми? - деди Моҳира.

- Қани айт, қизим, қулоғим сенда! - пишиллади Толиб.

- Эртага Рамазон ойи бошланади, бизлар эртадан бошлаб аяжоним билан рўза тутамиз, - деди Моҳира. - Аям саҳарликка ширин атала пиширадилар. Биз аям билан маза қилиб атала ичиб, саҳарлик қиламиз. Агар сиз ҳам рўза тутсангиз, сизга ҳам атала берамиз. Ифторликка дўлма пиширамиз. Рўза тусангиз, бирга дўлма еб, оғиз очардик. Мен ток баргларида териб келаман. Аям билан сиз шунақасини яхши кўрардинглар-ку.

- Аянг пиширадиган аталани мен ҳам яхши кўраман, – деди Толиб. - Дўлма ҳам егим келяпти. Мени ҳам саҳарликка турғизинглар, мен ҳам рўза тутаман. Мен рўза тутиб, масжидга чиқиб, таровеҳ ўқиганимда аянг рўза нималигини билмасди. Сен эса туғилмаган эдинг, мишиқи.

Толиб қизининг бурнини чимчилаб қўйиб, ўрнидан турди. Хонасига кириб кетаркан, ортига ўгирилиб, танийнади:

- Саҳарликка мени ҳам уйғотиш эсларингдан чиқмасин!

Толиб ҳақиқатда ҳам саҳарликка турди. Хотини ва қизи билан саҳарлик қилиб, рўза тутди.

Бундан энг кўп суюнган Моҳира бўлди.

- Энди дадам рўзадор! Урра! Энди дадам ичмай келадилар!

Эрталаб ишга кетар экан, Сора эрига тайинлади:

- Дадаси, рўзангизни бузиб қўйманг! Қизимизнинг хурсандлигини кўрдингиз. Уни хафа қилиб қўйманг, жон дадаси!

- Кўрдим, - деди Толиб кўрслик билан. - Кўзим кўр эмас!

Ифторлик соати яқинлашган сайин Соранинг кўнглидаги хавотири ортиб бораверди. Бир кўзи дастурхон тузаб, унга сув, мева-чева қўйиб, ҳадеб соатга қараётган қизида бўлса, бир кўзи дарвозада бўлди. Хаёлида эри гандираклаб кириб келадигандек эди.

Ифторга озгина қолганида Толиб иккита иссиқ нон билан бир коса нишолда кўтариб, соппа-соф кириб келди.

- Хайрият! - деб юборди Сора.

- Ур-ра! - ҳайқирди дадасининг бўйнига осилган Моҳира. - Нишолда еймиз!

Эр-хотин қизлари билан бирга ифторлик қилишди. Толиб дуо ўқиди. Соранинг икки кўзи ёшга тўлди.

- Ҳа, нимага йиғлайсан? - сўради Толиб. - Ўхшамадими?

- Ўхшамасди, дадаси, ўхшамасди, - кулди Сора. - Илоҳим, бундан кейин ҳеч ўхшамасин! Учаламиз битта дастурхон атрофида бирон марта ифтор қилмаган эканмиз, шунга йиғладим, дадаси. Қаранг, қандай чиройли кўринаркан.

- Шунга шунчами? - деди Толиб. - Энди ҳар куни сизлар билан ифтор қиламан, бўлдимми?

- Ур-ра! - қичқириб юборди Моҳира. - Энди дадам ўзимнинг дадам бўлди-и!

«Ўзининг дадаси» ваъдасига вафо қилди. Бирор кун рўзасини ҳам бузмади. Ишлаб, ҳар куни уйига у-бу егуликлар, гўшт, ёғ, сабзи, пиёз, ширинликлар кўтариб келадиган бўлди. Ичиб ҳам қўймади. Бир-икки марта уни Шаҳобнинг дўкони тарафга судраган улфатларини ҳам қатъиян рад қилди:

- Қизимни хафа қилиб қўяман, Рамазон тугагунча кўзимга кўринмай туринглар!

Рамазоннинг сўнгги кечаси эди. Толиб ярим кечаси уйғониб кетди. Кимнингдир зорланиб йиғлаётганини эшитди. Нариги хонага ўтиб, хотинининг ўрнига қаради. Сора ухлаб ётарди. Унинг ёнида Моҳирани кўрмаган Толиб хавотир билан ичкари хонанинг эшигини оҳистагина қия қилиб очиб, ичкарига мўралади.

Моҳира аясининг жойнамозида ўтириб, қўлларини дуога очганча, изиллаб йиғлар эди:

- Эй Художон! Эртага Рамазон тугайди. Дадажоним эртадан бошлаб яна ичиб кела бошлайди. Ичиб келиб, аямни уради. Аямнинг пулларини тортиб олади, тиккан кашталарини тортиб олади. Ҳамма нарсани сотиб ичади. Нарса қолмаса, дадам менинг кийимларимни ҳам сотиб, ичиб юборади. Художон! Ўзинг кўриб турибсан, бир ой рамазонда дадам қандай яхши бўлиб қолдилар. Илтимос қиламан, Художон, Рамазон тамом бўлмасин! Рамазон тугаб қолмасин, Художон! Мен ўрганиб қолдим, ҳар куни рўза тутишга ҳам қийналмайман. Аяжоним ҳам «Даданг ичмаса, умримнинг охиригача рўза тутишга розиман», дедилар. Художон, Рамазонни тугатиб қўйма! Рамазон кетиб қолмасин, Художон!

«Наҳотки, аёлимни, жондан ширин ёлғиз қизимни шунчалар зада қилиб қўйган бўлсам? Шунчалар тубанлашиб кетганмидим? - ўйлади Толиб. - Наҳотки, муштдек қизим кўрган ҳақиқатни менинг кўзларим кўрмаса! Ахир мен ҳам одамман-ку! Мен онгсиз бир ҳайвон эмасман-ку! Қизим, ягона дилбандим йиғлаб Худодан сўраётган нарса бор-йўғи менинг ичмаслигим-ку!»

Толибнинг кўзларидан ёшлари оқаркан, бориб, қизини даст кўтариб олди. Юз-кўзларидан ўпиб, уни овулар, қизига айтаётган сўзлари аслида ўзининг ўзига айтаётган аҳду паймонлари эди:

- Қизимжоним, Аллоҳим дуоларингини қабул қилди! Энда Рамазон бизнинг оиламиздан ҳеч қачон, ҳеч қаёққа кетмайди! Энди ҳар куни бирга саҳарлик қилиб, бирга ифторлик қиламиз! Энди аянг менга эмас, ҳар куни аянгга, сенга мен пул бераман! Мана кўрасан, мен дунёдаги энг яхши дада бўламан!

Толиб дунёдаги энг яхши дада бўлди.

Моҳирага кейинги Рамазонда Умиджон деган укача ҳам олиб келди...

Каримберди Тўрамурад